А. АБДУҒАФАРОВ, М. ЗОКИРОВА,
А. ҚОРАБОЕВ

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ

"МОЛИЯ"

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

А. АБДУҒАФАРОВ, М. ЗОКИРОВА, А. ҚОРАБОЕВ

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ

ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2002

65.9(2)26
A 139

А. Абдуғафаров, М. Ш. Зокирова, А. Р. Қорабоев. Миллий ҳисоблар тизими. Тошкент, «Молия», 2002 й. 88 бет.

Ўқув қўлланмада бозор муносабатлари шароитида амал қиладиган миллий иқтисодиётнинг ҳисоблар тизимига бағишланган. Унда миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)нинг умумий тавсифномаси ва хусусиятлари, ҳисоблар таркиби, МҲТ ахборотлари ёрдамида аниқланадиган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва улар орасидаги алоқалар кенг ёртилган. МҲТ кўрсаткичларини ҳисоблашга боғишланган масалалар ва уларнинг ечимлари келтирилган.

Қўлланма иқтисодчилар, ҳисобчилар, магистрлар, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари талабалари ва ўқитувчиларга мўлжалланган.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. М. Ирматов
и.ф.н., доц. М. Хамраев.

© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси.
«Молия» нашриёти,

SamKI
KUTUBXONASI

СЎЗ БОШИ

Мамлакат иқтисодиётининг ҳолати, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари статистика ахборотлари ва уларни таҳлил қилиш натижасида аниқланади. Республикамизнинг мустақилликка эришганига қадар ва мустақилликни дастлабки йилларида Халқ хўжалиги баланси (ХХБ) ҳисобот ва статистика кўрсаткичлари тизими амалиётда қўлланиб келинади.

ХХБ марксистик ижтимоий такрор-ишлаб чиқариш концепцияси базасида тузилган бўлиб, марказлаштирилган режалаштириш услубиёти ва ялпи статистик кузатишга асосланган эди. Худди шунинг учун ҳам кўрсаткичлар таркиби вазирликлар ва маъмурий тизимларнинг бошқарув харуриятидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, бозор муносабатлари талабларига жавоб бермайди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар, халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, турлича мулкчиликка асосланган корпорациялар, ҳиссадорлик жамиятлари, моливий ва тижорат муассасалари ва шу кабиларнинг пайдо бўлиши ХХБ кўрсаткичларидан МҲТга ўтишни тақозо этади.

Миллий ҳисоблар тизими – яхлит жамлама иқтисодий – статистик кўрсаткичлар тўплами бўлиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш натижасида ялпи миллий даромадни яратиш, уларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини ўзида мужассамлантирган ҳисобот ва статистика тизимидир.

Мазкур қўлланма уч бобдан иборат бўлиб, унда МҲТнинг вужудга келиши тарихи, умумий тавсифномаси ва хусусиятлари, МҲТда аниқланадиган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва улар орасидаги муносабатлар, ҳамда МҲТ ҳисоблари таркибига оид материаллар ва мисоллар келтирилган.

I БОБ. МИЛЛИЙ ҲИСОБ ТИЗИМИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФНОМАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Миллий ҳисоблар услубининг умумий тафсифномаси

Ҳозирги замон МҲТ кўп алоқали, мураккаб тузилишга эга бўлган, кўп қиррали, баланс жадваллари ва улардаги кўрсаткичларни аниқлайдиган ҳисобларни қамраб олган мураккаб тизимдир.

Классик сиёсий иқтисодда ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш иқтисодий айланиш (ИА) дейилади. ИА қатнашчилари бўлиб миллий иқтисодиёт секторларига бирлашган институционал бирликлар киради. Улардан бир қисми товарлар ишлаб чиқаради ва хизматларни қилади, қолганлари истеъмол қилади.

ИА таркибида корхона ва уй хўжаликлари миллий иқтисодни икки институционал бирликларини ташкил қилиб, ўзаро бир-бирлари билан хизматлар ва маҳсулотлар айирбошлайди. Уй хўжалигининг маҳсулот ва хизмат омиллари ИА таркибида реал оддий оқим (РМО)ни ташкил қилса, унга (РМО га) қарама-қарши йўналишда даромад "пул оқим"и ҳаракат қилади. Ишлаб чиқарувчиларга нисбатан уй хўжалигининг даромад омили — харажат омили бўлса, уй хўжалигига нисбатан, уларнинг (уй хўжалигининг) харажати корхоналарнинг даромадига айланади.

Даромад омили тушунчаси ёлланма меҳнат ҳақи даромади, корпорациялар даромади ва мулкдан олинадиган даромадларни ўз ичига олади.

Харажат омиллари эса, ишлаб чиқариш истеъмол қиладиган (иш кучи, меҳнат қуроллари ва ҳ.к.) омиллардан иборатдир. Юқорида қайд қилинган омиллар орасидаги муносабат миллий ҳисобларнинг принципиал схемасини яратиш имкониятини беради. Ишлаб чиқаришнинг учта асосий фазалари ораларидаги муносабатни уч хил баланс алоқалари шаклида ёзиш мумкин: 1) жадвал шаклида ҳисобни таєвирлаш; 2) матрица кўринишда; 3) аналитик тенгламалар воситасида. Юқоридаги мулоҳазалар фақат мамлакатнинг ички иқтисодиёти алоқаларини ўзида ифодалайди. Ташқи дунё билан иқтисодий алоқалар бошқа мамлакатлар билан иқтисодий операцияларни амалга ошириш ҳисобида ифодаланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган миллий ҳисоблар тизимининг тўрт асосий ҳисоб-китобларини 4 қатор 4 устунли матрица - жадвал орқали ифодалаш қулайдир. Ҳисоб-китобларни матрица кўринишида ифодалашда қаторлар бўйича ресурс кўрсаткичлар ҳисобланади ва ёзилади, устунлар бўйича эса ресурслар ишлатилиши ифодаланади. Ҳисоблар МҲТнинг асосий элементидир. Улар мамлакатнинг институционал бирликлари, уй хўжаликлари ва резидентларнинг иқтисодий фаолиятларини қайд қилишда ишлатилади.

МҲТ ҳисоб (счёт)лари ўз шаклига кўра бухгалтерия хисобларига ўхшаш. Ҳисобларни баланс қилишни икки усули мавжуд. Баъзи бир ҳисобларда баланслаштириш "баланслантирувчи" кўрсаткичлар орқали амалга оширилади. Бу ҳолда баланслантирувчи кўрсаткич кейинги ҳисоб учун бошланғич кўрсаткич бўлиб ҳизмат қилади. Баланслантирувчи кўрсаткичлари бўлмаган ҳисоблар "таърифга кўра" баланслантирилади. Бу ресурслар ва улардан фойдаланишга тааллуқли маълумотларда тенглик мавжуд бўлиши керак, демакдир. Бундай ҳисоблар кўрсаткичлари мазмунига кўра шундай тузилганки, агар уларнинг қийматлари жойларига ҳисобини кўрсатиш қўйилса, автоматик ҳолда баланс мавжуд бўлиши керак. Бундай ҳисобларга товарлар ва хизматлар ҳисоби киради. Бу ресурслар, товарлар ва хизматлар турли мақсадларда ишлатилишини изоҳлайди (истеъмол, жамғарма ва ҳ.к.). Ушбу ҳисобда балансла-штирувчи кўрсаткич йўқ. Лекин, агар ҳисоб кўрсаткичлари аниқ ҳисобга олинган бўлса, баланс автоматик равишда юзага келади. МҲТ ҳисобларида иккита нарса фарқланади: ресурслар ва фойдаланиш. Ҳамма ҳисобларда ресурслар ва улардан фойдаланиш хақидаги ёзувлар йиғиндиси ўзаро тенгдир.

МҲТда ҳисобларнинг тавсифномаси мавжуд. Қуйидаги ҳисоблар гуруҳлари бор: иқтисодиёт секторлари; иқтисодиёт тармоқлари; баъзи бир иқтисодий амаллар; тўла миллий иқтисодиёт (консолидациялашган ҳисоблар).

1.2. Миллий ҳисоблар услубининг шаклланиши, йўналишлари ва предмети

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) макродаражада иқтисодий жараёнларнинг умумий натижалари ва қирраларини ифодалаш ва таҳлил қилишда ишлатиладиган, ўзаро боғланган кўрсаткичлар ва таснифлар тизимидир.

МҲТ тизим сифатида биринчи марта 30-йилларнинг иккинчи ярмида Англияда пайдо бўлган. Унинг асосий вазифаси — даро-

мадлар (қўшилган қиймат)ни ишлаб чиқариш босқичидан бошлаб, то уни истеъмол қилишгача бўлган ҳаракатлар балансини ифодалашдир.

Миллий ҳисобда, бухгалтерия ҳисоб-китобидагидек, икки ёқлама ёзув усули қўлланилади. Яъни, ҳар бир операция икки марта ифодаланади: биринчи марта фойдаланишда ва иккинчи марта ҳисобини ресурслар қисмида.

МҲТнинг асосига инглиз иқтисодчиси Ж. М. Кейнснинг ва унинг шогирди, Кембриж университети профессори Ричард Стоуннинг илмий ғоялари асос қилиб олинган. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, МҲТ пайдо бўлишидан олдин ҳам миллий ҳисобни яратиш учун асос яратилган эди.

Француз иқтисодчиси Ф. Кэнэ XVIII аср ўрталаридаёқ МҲТга ўхшаш «иқтисодий жадвал»и (ИЖ)ни кашф этган ва унда иқтисодиётнинг асосий секторлари учун товарлар ва хизматлар ҳаракатининг умумий таснифини кўрсатишга ҳаракат қилган эди. К. Маркс ИЖни капитални бутун ишлаб чиқариш жараёнини такрор ишлаб чиқариш жараёни кўринишида ифодалашга уриниш деб, юксак баҳолаган. Лекин ИЖни камчилиги шундан иборат эдики, унда ишлаб чиқариш доирасига фақат қишлоқ хўжалиги ва қазилма бойликларни қайта ишловчи тармоқлар киритилган эди, холос.

Иқтисодчи В. Леонтьев тармоқлараро баланс (ТБ) усулининг ихтирочисидир. ТБ орқали иқтисод тармоқлари, оралиқ истеъмоли, пировард истеъмол, пировад маҳсулотлар орасидаги боғланишлар аниқланади ва тадқиқ қилинади. Леонтьевнинг хизмати шундан иборатки, у ТБ асосий нисбатлари тушунчаларини, қатор математик тенгламаларни яратди. Бу натижалар фақат тармоқлараро алоқаларни аниқлаб қолмасдан, ТБ ни режалаштириш ва истиқболни белгилашда ҳам қўллаш имконини беради.

МҲТ тараққиёти икки босқичга бўлинади. Биринчи босқич — иккинчи жаҳон урушигача бўлган давр. 1929—1933 йиллардаги машҳур иқтисодий инқироздан кейин давлат бошқарув органларига инфляция, бандлик, ишсизлик, қувватлардан тўлиқ фойдаланмаслик ва ҳ.к. лар ҳақида тўлиқ ахборот кераклиги маълум бўлиб қолди. Шу сабабли биринчи босқичда миллий даромадни ҳисоблаш учун керак бўладиган ахборотларни бир тизимга йиғишга ҳаракат қилинган эди.

Иккинчи босқич иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин бошланди. Унинг характерли томони шундан иборатки, МҲТ га бир неча иқтисодий статистика блоклари ва уларнинг боғланишлари

жамланган. МҲТ да қуйидаги блоклар жамланди: миллий бойлик ҳақидаги маълумотлар блоки; молия ресурслари ҳаракати ҳақида маълумотлар блоки; ташқи иқтисодий алоқалар ҳақида маълумотлар блоки; тармоқлараро баланс блоки ва ҳ.к.

Шундай қилиб, иккинчи босқичда, МҲТ маълумотлари давлатнинг иқтисодиётни бошқаришида асосий восита бўлиб хизмат қила бошлади. МҲТ Шарқий Европа ва Америкада амалда жорий қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан ўтказилган халқаро алоқалар миллий ҳисоблар бўйича статистика органлари олиб борган илмий ишларнинг ривожланишига олиб келди. БМТ нинг статистик бўлими томонидан 1953 йилда биринчи марта МҲТ ишлаб чиқилди. Кейинчалик 1968 йилда иккинчи таҳрири, ҳозирги таҳрири эса 1993 йили БМТ томонидан эълон қилинган.

Ҳозирги замон МҲТ кўп алоқали тузимга эга бўлган мураккаб, кўп қиррали баланс – жадвал кўрсаткичларининг мажмуасидир. МҲТнинг асосий концепцияси, таснифлари, тушунчалари ва кўрсаткичлари орасидаги боғланишларини ўрганиш, ушбу курс предметини ташкил қилади.

1.3. Баҳолар тизими ва уларнинг шаклланиши

Баҳонинг бозор шароитидаги иқтисодий хусусияти. Талаб ва таклифни мувозанатга келтиришда ва тенглаштиришдаги асосий роли билан характерланади. Бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридаги баҳо тушунчаси унинг иқтисодий категория сифатидаги мазмунига нисбатан анча фарқ қилади. Биринчисида баҳо сиртдан, алмашиш жараёнидаги ўрни ва функцияси нуқтаи назаридан қаралади. Иккинчисида эса, сўз баҳонинг ички мазмуни, тушунчаси ҳақида боради, такрор ишлаб чиқариш жараёни нуқтаи назаридан, иқтисодий категория сифатидаги мазмундан келиб чиқилади.

Баҳонинг иқтисодий категория нуқтаи назаридан мазмуни шундан иборатки, у товарнинг ишлаб чиқариш қийматини пулда ифодалайди, яъни товарни ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган ижтимоий зарурий меҳнат сарфини пул кўринишида ифодалайди. Шунинг учун ҳам товар ва хизматларнинг жорий баҳоси ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ҳажмини аниқлаш имкониятини беради.

МҲТда баҳо худди шу маънода, яъни ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ва эга бўлган миллий даромад ҳамда уларнинг таркибий элементларини пулда ифодаланишнинг аниқ ва реал қуроли сифатида ишлатилади.

МҲТда баҳони белгилайдиган турлича омиллар ва баҳо турлари мавжуд. Баҳо шаклланишига таъсир қилувчи омиллар жумласига ишлаб чиқариш харажатларидан ташқари, турли хил солиқлар ва ишлаб чиқарилаган маҳсулотнинг жойи ва вақтини, бозордаги талаб ва коньюнктурасини, товарни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган оралиқдаги бўғинларни, сақлаш ва реклама харажатларини, ташиш ва сотишда кўрсатилган турлича хизматларни киритиш мумкин. Юқорида номлари зикр қилинган омилларни баҳо шаклланишида ҳисобга олиш нарх қайси босқичда ва шароитда аниқланаётганига, нархга қандай функционал маъно берилаётганлигига боғлиқдир.

Баҳонинг шаклланишида ишлаб чиқаришдаги харажатлар ва маблағлар, ҳамда солиқлар ва субсидиялар асосий роль уйнайди. Ўз навбатида улар икки гуруҳга бўлинади:

1) маҳсулотга тўланадиган солиқлар;
2) ишлаб чиқаришга тўланадиган солиқлар.

Маҳсулотга тўланадиган солиқлар маҳсулот ишлаб чиқарилганда, сотилганда ёки четга чиқарилганда олинади. Буларга қўшилган қиймат солиғи, акциз йиғимлари, импорт солиқлари киради.

Иккинчи хил тўловларга эса, маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашганлиги учун албатта тўланиши керак бўлган тўловлар киради. Улар, кўпинча, ишлаб чиқаришнинг бирламчи омили бўлиб сарфланганлиги ёки турлича хўжалик фаолияти ёки битимларга боғлиқлиги билан изоҳланади. Бундайларга меҳнат ҳақи учун тўловлар, ер солиғи, ишлаб чиқариш фондлари солиғи, маълум иқтисодий ва касбий фаолият учун лицензия олиш. Транспорт воситаларини ишлатганликка тўланадиган солиқлар, молиялар ва моддий активлар билан операциялар учун солиқ, атроф муҳитга келтирилган зарарни қоплаш учун тўланадиган солиқ, халқаро операциялар ўтказишга тўланадиган солиқлар (масалан, хорижий валюталар олди-соттиси, чет элга бориш операциялари ва ҳоказолар).

МҲТ амалиётида қуйидаги баҳолардан фойдаланилади:

— омиллар баҳоси;
— асосий баҳо;
— ишлаб чиқарувчининг баҳоси;
— бозор ёки харидор баҳоси.

МҲТда баҳоларнинг шаклланиши ва уларнинг таркибий қисми ва баҳоларнинг ўзаро боғланиши 1- жадвалда тасвирланган.

1- *жадвал*

Баҳолар	Меҳнат ҳақи	Оралиқ истеъмоли	Ялпи фойда	Ишлаб чиқариш соф солиғи	Маҳсулот соф солиғи	Савдо транспорт устамаси
Омиллар баҳоси	+	+	+			
Асосий баҳо	+	+	+	+		
Ишлаб чиқарувчининг баҳоси	+	+	+	+	+	
Бозор ёки харидор баҳоси	+	+	+	+	+	+

Омиллар баҳоси тармоқлар балансида ҳамда корхонанинг бир бўғинидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни иккинчи бўғинига ўтказилганда маҳсулот қийматини ҳисоблашда ишлатилади.

Асосий баҳо — бозор баҳоси бўлиб, омиллар баҳосига соф ишлаб чиқариш ва импорт солиғи қўшилган қийматида ифодаланади.

Ишлаб чиқарувчининг баҳоси — бозор баҳоси бўлиб чиқарилган товар ва хизматнинг асосий баҳо қийматига, маҳсулотга солинган соф солиққа (ҚҚС ва импорт солиғидан ташқари) тенг бўлади.

Харидор баҳоси – товар ва хизмат омиллар қийматига, қўшилган жами соф солиқлар қиймати ҳамда савдо-транспорт устамаси қўшиб ҳисобланган қийматга тенг.

Товар ва хизматларнинг қиймати ҳақиқий сарф қилинган вақтдаги жорий баҳода баҳоланади.

Захирадаги тайёр маҳсулот, хом ашё ва асосий капиталнинг истеъмол қийматлари ўртача жорий баҳода олинади.

ЯИМ омиллар, асосий, ишлаб чиқарувчини ва харидорлар баҳоларида ифодаланади. Агарда ЯИМ омиллар баҳодагида бўлса, уни таркибига меҳнат ҳақи, оралиқ истеъмоли ва ялпи фойда қийматларидан ташкил қилинади. Омиллар баҳосига соф ишлаб чиқариш ва маҳсулот солиқни қўшса, ЯИМ асосий ёки ишлаб чиқарувчи баҳосида бўлади. ЯИМ ни харидор

баҳосида ифодалаш учун, ишлаб чиқарувчи баҳосига савдо устамаси ва транспорт харажати қўшилади.

Ялпи қўшилган қиймати ҳар хил баҳоларда ифодаланишини ва уларни бир баҳодан иккинчи баҳога ўтишини кўриб чиқамиз:

Меҳнат ҳақи + оралиқ истеъмол харажати + ялпи фойда = ЯҚҚ омиллар баҳосида + ишлаб чиқариш солиғи - ишлаб чиқаришга берилган субсидия = ЯҚҚ асосий баҳода + маҳсулот солиғи (ҚҚС ва импорт солиғидан ташқари) — маҳсулотга берилган субсидия = ЯҚҚ ишлаб чиқарувчи баҳода ифодаланган бўлади.

Экспорт ва импорт товарлари "Фоб" ва "Сиф" усулида баҳоланади ва "Фоб баҳоси", "Сиф баҳоси" деб юритилади.

"Фоб" баҳоси деб товарни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг баҳосига товар экспорт қилувчининг давлат чегарасини кесиб ўтган вақтида ташиш, суғурта қилиш, сақлаш ва ҳ.к. хизматларга бўладиган харажатларнинг чегарадан ўтгач бўладиган юклаш ва ташишга кетадиган харажатларга қўшилмаси тушунилади.

«Сиф» баҳоси эса импортчи товарни ўз давлатига олиб келганда импорт пошлинаси ва бошқа солиқлардан ташқари берган тўловидир.

1.4. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий агентлар категориялари

Ўзбекистон иқтисодий системасининг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўлалигича акс эттириш мақсадида институцион бирликлар аниқланиши ва уларни секторлар, тармоқлар бўйича группалаш зарур.

Институцион бирликларга тўлиқ ҳисоблар тўпламини тузиб берадиган ва хўжалик юритишда мустақилликка эга бўлган хўжалик бирликлари киради.

Институцион бирликларни аниқлаш ва уларни сектор ҳамда тармоқлар бўйича гуруҳлаштириш асосан секторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўрсатиш, республика иқтисодий аҳволини тўлиқ тасвирлаш мақсадида амалга оширилади. Институцион бирликларини секторлар бўйича гуруҳлашдан мақсад, даромад ва харажатлар оқими, шунингдек, молия-кредит, актив ва пассивларни ўрганишдир.

Чет давлатлар тажрибасини умумлаштириш ва иқтисодий фаолият турларини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон республикасидаги институционал бирликларни иқтисодиётнинг қуйидаги секторлари бўйича гуруҳлаштириш мумкин.

1. Номолиявий корпорациялар сектори (товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корпорациялар сектори). Номолиявий корпорациялар секторининг асосий вазифалари молиявий бўлмаган товар маҳсулоти ва хизмат кўрсатишдан иборат бўлади. Ушбу институцион бирликларнинг ресурслари асосан маҳсулот, хизмат, сотиш ва айирбошлаш эвазига вужудга келади.

Бу сектор ўз ичига турли-туман мулкга асосланган корхоналарни олади:

— давлатга тегишли бўлган номолиявий корхоналар;
— хусусий корхоналар;
— жамоа корхоналар;
— ҳиссадорлик корхоналар;
— кооператив корхоналар;
— хорижий кишилар тасарруфидаги номолиявий корхоналар ва бошқалар.

2. Молиявий корпорациялар сектори.

Молиявий корпорациялар сектори — бу тижоратга асосланган молия операциялари билан шуғулланувчи институцион бирликлар (тижорат кредит муассасалар)ни ўз ичига олади:

— марказий банк муассасалари;
— бошқа депозит корпорациялар;
— суғурта корпорациялари ва б.

Кредит муассасалари ўз ичига тижорат банкларини, кредит берувчи ассоциация ва жамиятларни олади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тақсимлаш ва сақлаш, пул маблағларни сақлаш ва корхоналар ҳамда уй хўжаликларига кредитлар бериш ва бошқалардан иборат. Суғурта муассасалари институцион бирлиги асосан ҳаётни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш, бундан ташқари уй хўжалигини ва корхоналар мулкини суғурталаш учун хизмат қилади.

Бу секторни ресурслари олинадиган (бериладиган) фоизлар фарқи эвазига вужудга келади.

3. Давлат корхоналари сектори

Давлат корхоналари сектори — бунга жамоа истеъмоли учун бозорга мувофиқ бўлмаган хизмат кўрсатиш, миллий даромад ва бойликларни қайта тақсимлашда иштирок этадиган ташкилотларга қуйидагилар киради:

— марказий ҳокимият;
— худудий ҳокимият;
— маҳаллий ҳокимият;
— ижтимоий таъминлаш фондлари;
— соғлиқни сақлаш;
— халқ таълими ва ҳоказо.

Умуман бюджет корхоналарининг ҳаммаси давлат корхоналари секторига киради ва уларнинг ресурслари асосан бюджетдан олиб ташкил қилинади.

4. Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) муассасалар сектори. Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий муассасалар секторига аҳолининг якка талабларини қондирувчи ижтимоий ташкилотлар (фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, дам олиш ва санаторий), шунингдек, уларнинг коллектив истеъмолини қондирувчи (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ва бошқалар) ижтимоий корхоналар киради.

Унинг ресурслари асосан кўнгилли бадаллардан, уй хўжаликларининг хайр эҳсонларидан ва мулкдан олинган даромаддан иборат бўлади.

5. Уй хўжалиги секторига аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари, деҳқон (фермер) хужаликлари хамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланувчилар (нонвойлар, ҳунардмандлар, косиблар, этикдўзлар, тикувчилик, электр аппаратларни тузатиш ва бошкалар) нинг иктисодий фаолияти киради.

6. "Ташқи иқтисодий алоқалар" (Ташқи дунё) сектори асосан, чет давлатлар ва мамлакат институцион бирликлари (резидентлари) ўртасидаги операцияларни ҳисобга олишда қаралади. Бу сектор ҳисоблари ёрдамида миллий иқтисодиёт билан ташқи дунё ўртасидаги муносабатни умумлашган ҳолда кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёни, товар ресурслари, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муносабатни тавсифлаш мақсадида МҲТда институцион бирликлар тармоқлар бўйича ҳам гуруҳланади.

Тармоқлар бўйича гуруҳлаш товар ишлаб чикариш, хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги оқимларни таҳлил қилишда қўл келади.

Шундай қилиб, МҲТда иқтисодий агентлар ўзларининг асосий иқтисодий функцияларига қараб йирик институционал секторларга ажратилади:

— номолиявий корпорациялар;
— молиявий муассасалар ва ташкилотлар;
— давлат бошқарув органлари;
— уй хўжалиги;
— ташқи дунё.

Биринчи гуруҳнинг энг муҳим иқтисодий функцияси бўлиб ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бу гуруҳга товар яратувчи ва хизматлар кўрсатувчи ҳамма иқтисодий ячейкалар киритилиб,

улар ўзларининг ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот сотиш билан қоплайдилар. Ушбу секторнинг кузатиш бирлиги қилиб корхона қаралади.

Бу гуруҳга қуйидагилар киради:

– нокооператив хусусий корхоналар, фирмалар, ҳар хил дўконлар, ҳунарманд устахоналар;

— хусусий корпорациялар (корпорация асосида ташкил қилинган корхоналар);

— давлат корхоналари, фаолияти давлат томонидан текширилиб туриладиган корхоналар.

Иқтисодиёт секторларида асосий ресурсларнинг келиб чиқиши ва асосий принципиал фаолияти

№	Сектор бўлими	Принципиал фаолияти	Принципиал ресурслар
1.	Номолиявий корпорациялар.	Маҳсулот ва номолиявий бозорга оид хизматлар кўрсатиш.	Сотувдан тушган тушум.
2.	Молиявий корпорациялар.	Молиявий, яъни йиғилган, ўтказилган ва тақсимланган молия ресурслари, мулк ва суғурталар.	Молиявий мажбуриятлар (пассивлар, фоизлардан суғурта тўловларидан келган даромад.
3.	Давлат корхоналари	Жамоа истеъмол учун бозорга оид бўлмаган хизматлар кўрсатиш ва миллий даромад ҳамда бойликларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш.	Бевосита ва билвосита олинадиган солиқлар.
4.	Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий нотижорат корхоналар.	Уй хўжаликларига хизмат кўрсатадиган ижтимоий нотижорат корхоналар	Хизматдан фойдаланувчи уй хўжаликларининг хайрия тўловлари, мулк даромади.
5.	Уй хўжаликлари.	Истеъмол, маҳсулот ва номолия бозорга оид хизматларни яратиш.	Иш ҳақи, мулк даромади ва бошқа секторлардан трансфертлар, маҳсулот сотувдан тушум.
6.	«Ташқи» иқтисодий алоқалари.	Бу сектор хорижий давлатларнинг резидентларини гуруҳлаб, бизни резидентлар билан иқтисодий операцияларни амалга оширади.	

Иқтисодий агент "Молиявий муассасалар ва ташкилотлар" секторига қуйидагилар киради:

— миллий ва тижорат банклари;

— ихтисослашган молиявий институтлар, қарз берувчи ташкилотлар, омонат кассалари, ҳудудий ривожланиш инвестиция жамиятлари;

— суғурта жамиятлари.

Давлат пул кредит институтлари орқали (давлат қимматли қоғозлари, қарз фоизи даражаси, давлат кредитлари ва заёмлари, банк резервлари миқдори ва ҳ.к.) пул бозорига, у орқали эса ишлаб чиқариш, истеъмол ва тақсимлашга таъсир қилади.

МҲТ концепцияси бўйича иқтисодий агент "ҳукумат, маъмурий муассасалар ва ташкилотлар" гуруҳига ишлаб чиқаришда яратилган даромадларни қайта тақсимлаш функциясини бажарувчилар киритилган.

Ушбу гуруҳга киритилган иқтисодий бирликларнинг асосий белгиси шундан иборатки, улар кўрсатадиган хизматларга муқобил бўлган хизматлар ҳеч бир бозор, ҳеч бир киши ва жамиятга тааллуқли эмас. Бу гуруҳга турли фондлардан молиялаштирилган муассасалар ҳам киради. Улар:

— маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари;

— ижтимоий таъминот органлари;

— чет эл ва халқаро муассасалар (чет эл элчихоналари, консулликлари ва ҳ.к.).

Маъмурий муассасалар гуруҳи фаолиятини тадқиқ этиш шундан иборатки, улар алоҳида ажратилган категория кўринишида эмас, балки иқтисодиётнинг бир таркибий қисми сифатида қаралади. Ушбу гуруҳ орқали миллий ҳисобларда ифодаланган иқтисодий жараёнлар билан давлат бюджети орасидаги муносабатлар боғланилади. Бу, ўз навбатида, давлат бюджети билан моддий ишлаб чиқариш жараёни, аҳоли истеъмоли ва моддий ишлаб чиқаришдан ташқаридаги доира алоқаларини аниқлаш имконини беради. Бу гуруҳга давлат даромадлари манбалари ва давлат харажатлари йўналишлари ҳақидаги тўлақонли маълумотлар йиғилади. Бу, ўз навбатида, давлатни мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри ва фаол аралашиши имконини беради.

1.5. Иқтисодий амаллар ва МҲТ нинг асосий кўрсаткичлари

МҲТда иқтисодиёт агентлари фаолияти хусусиятларини аниқлаш учун улар бажарадиган иқтисодий операциялар (амаллар) таснифи ишлатилади. Таснифлашда бош мезон қилиб муайян иқтисодий агентнинг ўзига хос бўлган асосий иқтисодий

функциялари: ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва тақсимлаш ҳисобга олинган.

Уларни янада аниқлаштириш учун қўшимча мезонлар киритилади. Биринчидан, амал объекти аниқланади: моддий бойлик, хизмат, ҳуқуқ. Иккинчидан, иқтисодий агентнинг халқ хўжалигидаги ўрнини аниқловчи (фойда, фоиз, дивидентлар, иш ҳақи тўловчи ва олувчи) "Иқтисодий амал табиати" тушунчаси киритилади.

Иқтисодий амаллар икки аспектда - реал ва молиявий томондан қаралади. Бошқача айтганда нима ишлаб чиқарилади: товарми ёки хизматми, пул кўринишида ифодаланадими ёки бозорда турли хил тўлов воситаларига алмаштириладими? Шунга қараб иқтисодий амаллар табиати аниқланади.

Иқтисодий операцияларни аниқлаш ва уларни гуруҳлаштириш МҲТда ҳисоб бирлигини аниқлаш жараёнидан иборат. Операциялар миллий ҳисоблар ва иқтисодий фаолиятни ҳисобга олувчи бирликдир. Иқтисодий операциялар амалга оширилишига қараб бир томонли ва икки томонли бўлади. Икки томонли операцияларга мисол қилиб, деярли барча маҳсулот етказиш ва хизмат кўрсатиш операцияларини келтириш мумкин.

Иқтисодий операциялар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) товар ва хизматлар операциялари;

б) тақсимлаш операциялари;

в) молиявий операциялар.

Товар ва хизматлар операцияси тармоқ ҳамда секторларда ишлаб чиқариш, алмашиш, истеъмол қилиш жараёнларини ўз ичига олади.

Тақсимлаш операциялари даромад ва мулкларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнига тааллуқлидир.

Молиявий операциялар иқтисодиётнинг секторларида молиявий активлар, пассивлар ва фондлар ўзгаришини тавсифлайди.

Трансфертлар бир томонлама операция бўлиб, бир институцион бирлик ўз товарини, хизматларини ёки активини бошқа институцион бирликка бериб, бунинг эвазига ҳеч қандай муқобил (товар, хизмат ва актив) олмайди.

Биринчи гуруҳ операцияларга ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини қамраб оладиган амаллар киритилади. Унинг асосий категориялари: ишлаб чиқариш, охирги истеъмол, жамғарма ва ташқи дунё. Бундан кўриниб турибдики, бу амаллар ЯИМ ни ишлаб чиқаришга, шахсий ва ижтимоий жамғармага, янги капитал маблағларга, импорт ва экспортларга тааллуқли операциялардир.

Иккинчисига институционал секторлар орасида даромадларнинг тақсимлаш амаллари киритилган. Унинг фарқли хусусияти шундан иборатки, бир агентнинг сотиб олишлик имконияти иккинчи агентга алмашиш йўли билан тўғридан-тўғри берилади. Тақсимлаш амали миллий даромаднинг шаклланиши, уни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш иқтисодий жараёнларини ўзида ифодалайди. Унга иш ҳақини олиш ва тўлаш, нафақа, ижтимоий суғурта бадаллари, фоизлар, дивидентлар, солиқлар ва йиғимлар, турлича трансфертлар ҳамда суғуртага, ташқи даромад ва харажатларга, индивидуал тадбиркорларнинг ялпи даромадларига тааллуқли амаллар киради.

Учинчиси соф молиявий амаллардир. Улар агентлар орасида молиявий маблағлар қандай ҳаракатланишини кўрсатади. Уларнинг асосини омонатлар ташкил қилиб, жамғарма манбаи ҳисобланади. Молиявий амаллар, иқтисодий агентларни актив ва пассивларининг вақт ичидаги ўзгаришларини, яъни нақд пул ва молиявий мажбурият(қарз)ларнинг ўзгаришини аниқлайди. Молиявий амаллар туркумини ишлаб чиқишда қуйидаги икки категория ҳисобга олинади: молиявий вазифа талаби ва ликвидлик даражаси талаби. Чет давлатлар билан ҳисоб воситалари (олтин ёки чет эл валютаси)га бўладиган талаблар алоҳида ҳисобга олинади.

Юқорида кўрсатилган белгиларга кўра, маблағларни жойлаштириш инструментлари қуйидагичадир:

1) нақд пуллар, банк билетлари ва муддатли қўйилмалар;
2) турлича қўйилмалар;
3) қисқа муддатли қимматли қоғозлар;
4) акциялар, қарзлар ва заёмлар;
5) облигациялар;
6) қисқа муддатли кредитлар;
7) ўрта муддатли кредитлар;
8) узоқ муддатли кредитлар;
9) олтин ва валюта амаллари.

1.6. МҲТда ҳисоб-китоб категориялари

МҲТ да иккита асосий ҳисоб категориялари мавжуд: агентлар ҳисоблари ва операциялар ҳисоблари.

Булардан асосийси агентлар ҳисобланади. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: ишлаб чиқариш ҳисоблари, тақсимлаш ҳисоблари, даромадлар ва улардан фойдаланиш ҳисоблари, капитал пайдо қиладиган ва фойдаланиш ҳисоблари, капитал харажатларни молиялаш ҳисоблари (капитал ресурслар харажатининг молиявий жиҳатини ифодалайди), ташқи дунё ҳисоблари (тўлов баланси, ташқи дунё жамғармаси капитал субҳисоби - давлатнинг капитал тўлов баланси даромадини ифодалайди).

Агентлар ҳисобларининг асосий масаласи ҳар бир иқтисодий гуруҳда моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатини ифодалаш ва сектор ички алоқаларини аниқлашдир. Шунинг билан бирга, ҳар бир иқтисодий агентлар гуруҳида ресурслар ҳаракати айланма (кругооборот) кўринишда, иқтисодий операциялар характеридаги турлича босқичларда (ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимлаш), амалга ошиш назарда тутилади.

Қуйида ҳисоблар турлари билан танишамиз.

Товарлар ва хизматлар ҳисоби (СО). Бу ҳисоб-китоб бутун миллий иқтисодиёт бўйича ресурслар (маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот солиғи ва маҳсулотга берилган субсидия, импорт), товарлар ва ҳизматлар (оралиқ истеъмол, охирги истеъмол, асосий фондларнинг ялпи жамғармаси, экспорт)дан фойдаланишни кўрсатади. Ушбу ҳисоб "тарифга кўра", агарда ҳисобланган кўрсаткичлар тўғри бўлса, "автоматик" балансланувчи бўлгани учун унда қолдиқ ёки баланслантирувчи кўрсаткич йўқ.

Ишлаб чиқариш ҳисоби (С1). Бу ҳисоб ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли амалларни кўрсатади. У тармоқлар ва секторлар бўйича тузилади. Ресурслар қисми ишлаб чиқарилган маҳсулотни, фойдаланиш қисми эса - оралиқ истеъмолни ўз ичига олади. Ялпи ички маҳсулот қийматнинг бозор нархида ифодаланганлиги баланслантирувчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Бу кўрсаткичдан асосий фондлар истеъмолини айириб, бозор нархидаги соф ички маҳсулот қийматга эга бўламиз.

Даромаднинг ҳосил бўлиш ҳисоби (С2). Бу ҳисоб ишлаб чиқаришда банд бўлган, институционал бирликларнинг бирламчи даромадлари ҳосил бўлиши жараёнини ифодалайди. Ресурслар - бозор нархидаги ялпи ички маҳсулот қиймат, ишлаб чиқариш ва импортга берилган субсидиялардан, фойдаланиш қисми эса ҚҚС дан ташқари ишлаб чиқаришга солинадиган солиқлар ва иш ҳақидан иборат. Баланслантирувчи кўрсаткич - ялпи фойда. Ундан асосий капитал истеъмолини айирсак соф фойдага эга бўламиз. У ўз навбатида ишлаб чиқариш ва тадбиркорликдан келадиган аралаш даромадга тенг.

Даромаднинг тақсимот ҳисоблари (С3). Бу ҳисобда резидент институционал бирликларнинг ишлаб чиқаришдан ва мулкдан олган бирламчи даромадларининг секторлар ўртасидаги тақсимоти ҳамда мамлакатдаги бир йиллик тушумлар ва жорий трансфертлар натижасида даромад ҳосил бўлиши жараёни акс эттирилади. Баланслантирувчи кўрсаткич бўлиб ихтиёрдаги ялпи даромад кўрсаткичи қатнашади.

Даромаддан фойдаланиш ҳисоби (С4). Бу ҳисобда мавжуд даромадларни пировард истеъмол ва жамғаришга тақсимлаш амаллари акс эттирилади. Даромаддан фойдаланиш ҳисобининг баланслантирувчи кўрсаткичи ялпи жамғармадир. Ундан асосий капитал истеъмолини айириб соф жамғарма аниқланади.

Капитал сарфлар ҳисоби (С5). Бу ҳисобда резидент институционал бирликларнинг йил давомида сотиб олган номолиявий активлари (асосий фондлари) ва мавжуд асосий фондлар жамғарилиши ва капитал трансфертлар ҳисобига ўзгариши жараёнлари акс эттирилади. Баланслантирувчи кўрсаткич соф кредитлар (+) ёки соф қарздорлар(-)дир.

Молия ҳисоби (С6). Бу ҳисобда секторлар ўртасидаги молия- кредит муносабатларининг ўзгариши акс эттирилади. Уни баланслантирувчи кўрсаткичи "Молия активлари ва пассивларининг соф ўзгариши", деб номланувчи кўрсаткич бўлиб, капитал сарфлар ҳисоби баланслантирувчи кўрсаткичга тенг бўлиши керак. Аммо улар ҳар доим ўзаро тенг бўлмай, капитал сарфлар ҳисоби билан молия ҳисоби фарқини боғловчи сальдо кўрсаткичини киритишга тўғри келади.

1.7. БМТ нинг миллий ҳисоблар тизими ва айрим миллий тизимларнинг хусусиятлари

БМТ 1993 йили қабул қилган янги МҲТ нинг даромад асосидаги ҳамма кўрсаткичларида янгича концепция ётади. Бу концепция инглиз иқтисодчиси Хикснинг таълимотларига асосланган бўлиб, унинг мазмуни қуйидагича: даромад, деб маълум бир вақт давомида истеъмолга сарфланиши мумкин бўлган энг юқори суммани, ҳамда давр охирида давр бошидаги сармояни сақлаб қоладиган миқдорга айтилади. Бошқача қилиб айтганда, даромадни аниқлаш одамлар камбағаллашмасдан қанча харажат қилиш мумкинлигини кўрсатиб туриши керак. Шунга кўра Хикс даромадни икки категорияга бўлади. Биринчи категорияга мунтазам бир текис келиб турадиган, аввалдан маълум бўлган даромад киритилиб, уни лотинчасига ex-ante дейилади. Иккинчи категорияга эса хақиқий келиб тушган даромад киритилиб, ex-port дейилади. Хикс фикрича, кўпинча мақсадларда биринчи категория даромадлар кўпроқ миқдорда хўжалик субъектларининг хулқини ифодалайди.

Шунинг учун даромадни аниқлашда иккинчи категория даромаддан тасодифий пайдо бўлган, кутилмаган (мисол учун инфляция туфайли ҳосил бўлган даромад) холдинг фойдаларини чиқариб ташлаш керак.

Худди шунга кўра, БМТ нинг янги 1993 йилдаги МҲТда ялпи маҳсулот қиймати қўйидагича хисобланади:

Ялпи маҳсулот қиймати = маҳсулотнинг реализация қиймати + маҳсулотнинг захирага қўяётган пайтдаги жорий қиймати - маҳсулотни захирадан олаётгандаги жорий қиймати.

Ушбу айният маҳсулот қийматини холдинг фойдасиз ҳисоблаш имконини беради. Янги МҲТ да даромаднинг турлича хусусиятларини ҳамда тақсимлаш жараёнининг ўзаро боғлиқ фазаларини ҳисобга олган ҳолда тузилган даромадларнинг кўрсаткичлар тизими назарда тутилган. Бу тизим қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

— дастлабки даромадлар;
— пул шаклидаги жорий трансфертлар;
— ихтиёрдаги даромадлар;
— натурал шаклдаги жорий ижтимой трансфертлар;
— ўзгартирилган ихтиёрдаги даромад, миллий даромад;
— ихтиёрдаги миллий даромад.

Дастлабки даромадларга хўжалик субъектларига қўшилган қийматларни бирламчи тақсимлаш билан тўғридан-тўғри келиб тушган даромадлар киради.

Улар меҳнат ҳақи, фойда, аралаш даромад, мулкдан олинадиган даромад, ишлаб чиқариш ва импорт солиқларидир. Охирги кўрсаткич давлат бошқарув органларининг даромадлари бирламчи даромадларни характерлайди. Бирламчи даромадлар мазкур давлатнинг хўжалик субъектлари- резидентларига, нодавлат ҳудудида ва бошқа давлатларда ҳам ҳосил қилинган қўшилган қийматнинг бир қисми ЯИМ ишлаб чиқаришда қатнашган норезидентларга ҳам тўланади.

Пул шаклидаги жорий трансфертларга даромад ва мулкдан олинадиган жорий солиқлар, давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар ва ҳ.к. лар кўринишида амалга ошириладиган жорий характердаги тўловлар киради. Қайта тақсимлаш ва жорий трансфертлар суммаси (сальдоси) ҳар бир иқтисодий сектор **ихтиёридаги даромадни** ташкил қилиб, ўз навбатида, охирги истеъмол ва жамғармага ажралади. Қайта тақсимлаш жараёни фақат пул шаклида эмас, балки бепул ижтимоий-маданий хизматлар шаклида (тиббий, маориф, маданий ва ҳ.к. соҳаларда бепул хизматлар сифатида) ҳам бўлиши мумкин. Бу кўринишдаги даромадлар оқими учун МҲТ да натурал шаклдаги жорий ижтимоий трансферт кўрсаткичлари кўзда тутилган бўлиб, ушбу даромад уй хўжалигига хизмат қиладиган нотижорат ташкилотлардан келиб тушади.

Ихтиёрдаги натурал ва ижтимоий шаклдаги трансферт кўринишида олинган (берилган) **даромадлар** йиғиндиси секторнинг **ўзгартирилган ихтиёрдаги даромад** кўрсаткичини беради. Охирги кўрсаткич, ўз навбатида, ҳақиқий охирги истеъмол ва жамғармага ажралади.

Шундай қилиб, МҲТда пировард истеъмол билан ҳақиқий истеъмол харажатлари концепцияси орасида фарқи бор.

Уй хўжалигининг ҳақиқий пировард истеъмоли унинг харажатлардан натурал шаклдаги ижтимоий трансферт миқдорига, яъни давлат корхоналари ва нотижорат ташкилотларининг уй хўжалигига кўрсатадиган бепул хизматлари миқдорига кўпроқдир. Ўз навбатида, давлат бошқарув органлари секторининг ўзгартирилган ихтиёрдаги даромади унинг ихтиёрдаги даромадидан натурал шаклдаги ижтимоий трансфертлар тўлови миқдорига камроқдир. Миллий даромад кўрсаткичи ялпи ва соф шаклда, яъни унда капитал истеъмоли миқдорини айиргангача ва айиргандан сўнгги миқдорлари билан ҳисобланади.

II БОБ. МҲТ ДА АНИҚЛАНАДИГАН АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

2.1. МҲТ нинг асосий агрегатлари

Миллий ҳисоблар тизимидаги секторлар ҳисоблари ҳамда иқтисод тармоқлари ҳисобларидаги ахборотлар қуйидаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни - агрегатларни аниқлаш имконини беради:

- ялпи ички маҳсулот (ЯИМ);
- соф ички маҳсулот (СИМ);
- ялпи миллий даромад (ЯМД);
- соф милий даромад (СМД);
- ялпи ихтиёрдаги даромад (ЯИД);
- ихтиёрдаги ялпи миллий даромад (ИЯМД);
- пировард истеъмол (ОИ);
- ялпи жамғарма (ЯЖ);
- ялпи фойда (ЯФ);
- соф фойда (СФ);
- ташқи савдо сальдоси (ТСС);
- миллий жамғарма (МЖ);
- соф кредитлашлар, соф қарз (СКҚ);
- миллий бойлик (МБ).

Ялпи ички маҳсулот МҲТ даги энг асосий кўрсаткич бўлиб, мамлакат резидентларининг у ёки бу вақт давомидаги пировард товарлар ва хизматлари қийматини характерлайди. ЯИМ пировард истеъмолни бозор баҳоларида ҳисоблайди, яъни сотиб олувчи тўлаган баҳо, маҳсулотга қўйиладиган барча савдо, транспорт ва солиқ (ҚҚС, ҚҚСсиз ва бошқалар) ҳисобга олинади.

ЯИМ ишлаб чиқариш устамалари натижаларини характерлашда, иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлашда, иқтисодий ўсиш суръатини ҳисоблашда, иқтисодда меҳнат унумдорлигини таҳлил қилишда ҳам ишлатилади. Кўпинча, бу кўрсаткич бошқа кўрсаткичлар билан биргаликда ишлатилади, масалан, бюджет дефицити ЯИМ миқдори нисбати билан таҳлил қилинади.

Маълумки, ЯИМ ялпи кўринишда ҳисобланади, яъни унинг таркибидан асосий капитал истеъмоли айириб ташланмаган бўлади. Тўғри, ЯИМ дан асосий капитал истеъмоли айирилса, соф ички маҳсулот келиб чиқади. Лекин ҳаётда асосий капитал истеъмоли ҳақидаги аниқ маълумотларни ҳар доим ҳам топа олиш қийин. Шунинг билан бирга МҲТ, макроиқтисодиётда миллий иқтисод даражасини аниқроқ ифодаловчи кўрсаткич - соф ички маҳсулот эканлигини эътироф этади.

Ялпи миллий даромад мамлакат резидентларининг у ёки бу вақт давомида олган бирламчи даромадлари йиғиндисидир.

ЯМД билан ЯИМ ҳам сифат жиҳатидан, ҳам миқдор жиҳатидан ўзаро фарқ қилади.

ЯИМ билан ЯМД сифат жиҳатидан фарқи шундан иборатки, биринчи кўрсаткич пировард товар ва хизматлар оқимини ёки янги яратилган қўшилган қийматларни ифодаласа, иккинчи кўрсаткич мамлакат резидентлари ўз мамлакати ҳамда чет давлатларнинг ЯИМ ини яратишда қатнашганлиги натижасида оладиган бирламчи даромадлари сальдо йиғиндисидир.

Миқдор жиҳатидан ЯМД билан ЯИМ фарқи чет давлатлардан олинган ва чет давлатларга тўланган бирламчи даромадлар фарқидир.

МҲТ да бирламчи даромадларга меҳнат ҳақи, фойда, хусусий мулкдан келадиган даромадлар, ҳамда ишлаб чиқариш ва импортга тўланадиган солиқлар киритилган. Чет давлатлардан келадиган ёки чет давлатлар резидентларига тўланадиган бирламчи даромадларга эса, одатда, меҳнат ҳақи, хусусий мулкдан фоиз ёки дивидент кўринишида олинадиган даромадлар, ҳамда чет эл инвестицияларидан келадиган даромадлари киради.

Ихтиёрдаги ялпи миллий даромад (ИЯМД) ЯМДдан чет давлатларга берилган ва чет давлатлардан олинган жорий трансфертлар билан фарқланади. Бу трансфертларга гуманитар ёрдамларни, чет давлатлардаги қариндош-уруғлардан олган совғаларни, резидентлар томонидан чет давлатларда тўланган жарималарни, лениялар ва шунга ўхшашларни киритиш мумкин. Шундай қилиб, ИЯМД мамлакат резидентлари даромадларининг бирламчи ва иккиламчи тақсимланиши натижасида олган барча даромадларини ифодалайди. ИЯМД иқтисоднинг бешта секторлари эгалигидаги ялпи даромадлар йиғиндиси кўринишида ҳам аниқланиши мумкин. ИЯМД пировард истеъмол харажатлари ва миллий жамғармага ажралади.

Пировард истеъмол уй хўжалиги, давлат бошқарув органлари, уй хўжалигига хизмат қилувчи нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмол харажатларини ўз ичига олади. Давлат бошқарув органлари, уй хўжалигига хизмат қилувчи нотижорат ташкилотларининг пировард истеъмол харажатларини ушбу ташкилот ва муассасалар кўрсатадиган бепул хизматлар қийматига тенгдир.

Ялпи жамғарма асосий капитални, моддий айланма маблағларнинг захирасини ҳамда соф олинадиган қимматбаҳо буюмлар (заргарлик буюмлари, антиқий, ноёб нарсалар ва бошқалар) ни ўз ичига олади.

Экспорт ва импорт ЯИМ нинг муҳим элементидир. Экспорт ФОБ услубида баҳоланса, импорт — СИФ услубида баҳоланади.

Пировард истеъмол, экспорт ва импорт, ҳамда ялпи жамғармалар йиғиндиси ЯИМ нинг охирги фойдаланиш усули билан ҳисобланганига, яъни барча иқтисодий секторлар ёки тармоқларнинг ялпи кўшилган қийматларини жамлаш йўли билан ҳосил бўлган миқдорига тенгдир. Таъкидлаб ўтиш жоизки, кўшилган қиймат асосий баҳоларда аниқланади, яъни ушбу баҳода маҳсулотга берилган субсидиялар ҳам ҳисобга олиниб, маҳсулотга тўланган солиқлар ҳисобга олинмаган. Шунинг учун қўшилган қийматлар йиғиндисидан ЯИМ га ўтиш учун унга (яъни йиғиндига) маҳсулот солиқларини қўшиб, субсидияларни айириш керак. ЯИМ тақсимлаш усули билан ҳам аниқланиши мумкин, яъни мамлакат корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларига (шу мамлакат резиденти бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар) тўланган меҳнат ҳақи, солиқлар, ялпи фойда ва ялпи аралаш даромадлар йиғиндисидан ишлаб чиқариш ва импортга берилган субсидияларни айириш керак.

Миллий жамғарма — МҲТ нинг муҳим кўрсаткичидир . У ИЯМД дан пировард истеъмол миқдорини айириш йўли билан аниқланади. Жамғариш — бу, инвестицияни молиялаш манбаидир, бошқача айтганда, асосий фондларнинг ўсиши, моддий айланма воситалар заҳирасининг ортиши, бойликларнинг кўпайишидир.

Соф кредит (+) ёки соф қарз (-) — бирор давлат(сектор) бошқа давлатга(секторга) кредит бериш имконияти бор ёки олиши молиявий ресурслар ҳажмини(қарзини) ифодалайдиган кўрсаткич.

Миллий бойлик — мамлакатнинг барча хўжалик субъектларига тегишли капиталлар йиғиндиси. Бошқача қилиб айтганда, миллий бойлик мамлакатнинг барча молиявий ва номолиявий активларидан молиявий мажбуриятларини айирганига тенг. Резидентларнинг ўзаро молиявий талаблари бир-бири билан ейишиб, охирги натижада, миллий бойлик номолиявий активлар билан бирга чет давлатларга бўлган молиявий талаблардан бошқа давлатларга тааллуқли молиявий мажбуриятлар миқдори айирилганига тенгдир.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган барча кўрсаткичлар бир-бири билан боғлиқ. Улар ўзаро бир-бирларини тўлдириб, иқтисодий жараёнларнинг турли томонларини акс эттиради.

МҲТ ни асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик қўйида келтирилди.

А	Ялпи ички маҳсулот
Б	Асосий капитал истеъмоли
В	Соф ички маҳсулот (А-Б)
Г	Чет давлатлардан олинган бирламчи даромадлар сальдоси
Д	Ялпи миллий даромад (А + Г)
Е	Соф миллий даромад (Д - Б)
Ж	Чет давлатлардан олинган жорий трансфертлар сальдоси
З	Ихтиёрдаги ялпи миллий даромад (Д+Ж)
И	Охирги истеъмол
К	Миллий жамғарма (З - И)
Л	Чет давлатлардан олинган капитал трансфертлар сальдоси
М	Инвестицияни молиялаштириш манбаи (К + Л)
Н	ЯИМ нинг элементи кўринишидаги ялпи жамғарма
О	Ишлаб чиқаришдан ташқари, номоддий, номолиявий активларга эга бўлиш
П	Соф кредит (соф карз) (М-Н-О)

МҲТда ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланади. Улар ишлаб чиқариш, даромадни тақсимлаш ва якуний истеъмоллар йиғиндиси усулларидир. Уч ҳил усул билан ЯИМни ҳисоблашни шартли масалаларда кўриб чиқамиз.

1-масала.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)ни ҳисоблашни қуйидаги берилган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқамиз (шартли бирликда):

Ялпи махсулот ва хизматлар (ЯМХ) қиймати (асосий баҳода):

Товарлар ишлаб чиқариш ЯМХт = 1092.6 бирлик;

Кўрсатилган хизматлар қиймати ЯМХх = 900.2 бирлик;

Ялпи маҳсулот ва хизмат ишлаб чиқариш учун ишлатилган товарлар ва хизмат қиймати - оралиқ истеъмол қиймати (ОИ) бозор баҳода:

Товар ишлаб чиқариш учун (ОИт) - 546.3 бирлик;

Кўрсатилган хизмат учун (ОИх) - 474.4 бирлик;

Бевосита кўрсатилган молиявий воситачилик хизмати (МВХ)- 6.5 бирлик

Маҳсулот солиғи - (МС) =122.4 бирлик

Маҳсулотга берилган субсидия (СУБМ) = 123.8 бирлик

Масалани ечими:

I. Ишлаб чиқариш усули

Ишлаб чиқариш усули билан қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаймиз:

1. Товар ишлаб чиқарувчи тармоқлардаги ялпи қўшилган қиймат :

ЯҚҚ т = ЯМХт - ОИт = 1092.6-546.3=546.3 (бирлик)

2. Хизмат кўрсатувчи тармоқлардаги ялпи қўшилган қиймат

ЯҚҚ х = ЯМХх - ОИх = 900.2-474.4 = 425.8(бирлик)

3. Бутун иқтисодиётдаги ялпи қўшимча қиймат :

ЯҚҚиқ = ЯҚҚт + ЯҚҚ х - МВХ =546.3+425,8-6.5=965.6 (бирлик)

4. Бутун иқтисодиётни ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ва хизматлар қиймати, асосий баҳода қуйидагича бўлади:

ЯМХиқ = ЯМХт + ЯМХ х =1092.6+900.2=1992.8 (бирлик)

5. Бутун иқтисодиётдаги оралиқ истеъмол қуйидагича бўлади(молиявий воситачиликни хизматини ҳисобга олиб) :

ОИиқ=ОИт +ОИх+МВХ=546.3+474.4+6.5=1027.2(бирлик)

6. Маҳсулот ва импорт соф солиқлари (СС):

СС = МС -СУБм+ СИС=122.4-123.8+0=- 1.4 (бирлик)

Бунда: СИС - соф импорт солиғи

7. ЯИМ бозор нархларида:

ЯИМ = ЯҚҚ + Қ СС = 965.6 + (-1.4) = 964.2 ёки

ЯИМ=ЯМХиқ-ОИиқ+ҚСС=1992.8-1027.2+(-1.4)=964.2 (бирлик)

II. Даромадларни тақсимлаш усули.

Иқтисодиётни ЯИМ ни тақсимлаш услуби билан ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотлардан фойдаланамиз (шартли бирликда):

— ялпи фойда ва ялпи аралаш даромад (ЯФ+АД)=433.3
— ёлланган ишчиларнинг иш ҳақи (ИҲ) = 430.8
— ишлаб чиқариш ва импорт учун солиқлар (СИЧ)=187.9

— ишлаб чиқариш ва импорт учун берилган субсидия СУБм=123.8

Масаланинг ечими:

Ялпи ички маҳсулотни "тақсимлаш" қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

ЯИМ = ЯФ + АД + ИҲ + Сич - СУБм

ЯИМ=433.3 + 430.8 + 187.9 - 123.8 = 964.2

III. Пировард истеъмол харажатлар йиғиндиси усули:

ЯИМ ни пироварий истеъмол харажатлар йиғиндиси услубида ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланамиз (шартли бирликда):

Пировард истеъмол харажатлари (ЯИ) - 653.7

Ялпи жамғарма (ЯЖ) - 316.2

Товар ва хизматлар экспорти (Э) - 65.2

Товар ва хизматлар импорти (И) - 70.8

Масаланинг ечими:

ЯИМни пировард истеъмол харажатлар йиғиндиси услуби билан қуйидагича ҳисобланади:

ЯИМ = ЯИ + ЯЖ + Э −И, яъни:

ЯИМ=653.7 + 316.2 + 65.1 - 70.8 = 964.2

2.2. МҲТ нинг муҳим иқтисодий кўрсаткичлари орасидаги муносабатлар

МҲТ ҳисобларида иқтисодий операцияларни қайд этиш баъзи бир иқтисодий кўрсаткичлар орасидаги муҳим боғлиқликларни келтириб чиқариш имкониятларини беради. Ушбу қонуниятларни математик тенгликлар кўринишида ифодалаш мумкин. Қуйидаги баъзи муҳим тенгликларни келтирамиз.

1) **GDP = C + I+ E**

бунда:

GDP - ялпи ички маҳсулот;

C - пировард истеъмол;

I - инвестиция (асосий фондларнинг ялпи жамғармаси, моддий айланма воситалари захирасининг ўсиши, олинган соф қимматбаҳо буюмлар);

E - соф экспорт.

2) **GDP= W + Q + R + P + T,**

бунда:

W — мамлакат резиденти ёки норезиденти бўлишидан қатъий назар, мамлакат корхона ва ташкилотларида ишчи ва хизматчи бўлиб ишлаганларга бериладиган иш ҳақи;

Q — ижтимоий суғурта фондига ажратма;

R — ялпи фойда;
P — аралаш фойда;
T — соф ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар (субсидияни айириб ташланганда).

3). **GDP = D + N - U,**

бунда,

D — иқтисоднинг барча тармоқлари қўшилган қиймати (асосий баҳода);

N — маҳсулотларга солинган солиқлар;

U — маҳсулотларга берилган субсидиялар;

4). **GNI = GDP + L - M,**

бунда,

GNI — ялпи миллий даромад;

L — мамлакат резидентларининг чет давлатлардан олган бирламчи даромадлари (меҳнат ҳақи, фоизлар, дивидентлар, чет эл инвестицияларидан келадиган даромадлар);

M — мамлакат норезидентларига тўланган бирламчи даромадлар.

5) **GNDI = GNI + B - G,**

бунда GNDI - ихтиёрдаги ялпи миллий даромад;

B — мамлакат резидентлари чет давлатлардан олган жорий трансфертлар;

G — мамлакат резидентлари чет давлатларга берган жорий трансфертлар,

6) **GNDI = C + S,**

бунда, C - охирги истеъмол;

S — миллий жамғарма.

7) **S + K = I + Z + J - O**

бунда:

K — чет давлатлардан олинган капитал трансфертлар сальдоси;

I-кўпайтирилган активлар жамғармаси;

Z-ишлаб чиқарищдан ташқари ва номоддий активлар жамғармаси (патентлар, лицензиялар ва шунга ўхшашлар);

J — соф кредитлаштириш / соф қарздорлик;

O — асосий капитал истеъмоли.

8) **J = F - Y,**

бу ерда, F — норезидентлардан олинган молиявий активлар;

Y — норезидентлар олдидаги молиявий мажбуриятлар.

III БОБ. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДАГИ ҲИСОБЛАР ТАРКИБИ

3.1. Иқтисодий секторлар ҳисоблари

Ҳисоблар (счетлар) МҲТни энг муҳим элементларидир. Улар институционал бирликлар, яъни мамлакат резидентлари бўлмиш корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, уй хўжалиги ва хакозолар томонидан ҳосил қилинган иқтисодий амаллар бўлиб, уларга мамлакат резидентлари ва ташқи дунё резидентлари орасидаги амаллар (операциялари) ҳам киради.

Ҳисоб рақамлардаги ёзувлар ҳар қандай иқтисодий амалларга тааллуқли бўлмай, балки гуруҳий иқтисодий амаллар (масалан, истеъмол, жамғарма, экспорт)нинг миқдорий тавсифидир. Баъзи бир ёзувлар ҳеч қандай иқтисодий амалларга тааллуқли бўлмай, балки фавқулодда ҳодисалар (ёнғинлар, табиий офатлар, урушлар ва бошқалар) натижасида активлар ва пассивлар ўзгаришини ифодалайди. Бошқа бир ёзувлар иқтисодий жараёнларнинг турли қирраларини ифодаловчи умумлашган аналитик кўрсаткичларга тааллуқлидир. Кўрсаткичларнинг кўпчилик қисми, масалан, қўшилган қиймат, жамғарма, бирламчи даромад кабилар баланс усули билан ҳисобланади, яъни ресурслар миқдори йиғиндиси билан ресурслар фойдаланиши йиғиндиси орасидаги фарқ орқали аниқланади.

МҲТ ҳисоб рақамларида икки томонни: ресурслар ва фойдаланишни фарқлайдилар. Таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар қандай ҳисобда ресурсларга тааллуқли ёзувлар йиғиндиси ўзаро тенгдир.

МҲТда ҳисобларнинг аниқ таснифи мавжуд ва улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

— иқтисодий секторлар бўйича ҳисоблар;
— иқтисодий тармоқлар бўйича ҳисоблар;
— алоҳида иқтисодий амаллар бўйича ҳисоблар;
— тўлиқ миллий иқтисод бўйича ҳисоблар (консолидланган ҳисоблар).

Иқтисодий секторлар бўйича ҳисоблар, ўз навбатида, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

— жорий ҳисоблар;
— жамғарма ҳисоблари;
— активлар ва пассивлар балансларн.

Жорий ҳисобларга қуйидагилар киради:

— ишлаб чиқариш ҳисоби;
— даромаднинг шаклланиш ҳисоби;
— даромаднинг бирламчи тақсимланиш ҳисоби;
— даромаднинг иккиламчи (пул кўринишида қайти) тақсимланиш ҳисоби;
— ихтиёрдаги даромаднинг пул кўринишида фойдаланиш ҳисоби;
— даромаднинг натурал кўринишида қайта тақсимланиш ҳисоби;
— тузатиш киритилган (корректировка қилинган) ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш ҳисоби.

Жамғарма ҳисобларига қуйидагилар киради:

— капитал устида амаллар ҳисоби;
— молия ҳисоби;

Активлар ва пассивлардаги бошқа ўзгаришлар ҳисоблари:

а) актив ва пассивдаги бошқа ўзгаришлар ҳисоби;
б) актив ва пассивларни қайта баҳолаш ҳисоби.

Активлар ва пассивлар балансига қуйидагилар киради.

— активлар ва пассивларнинг давр бошидаги баланси;
— активлар ва пассивларнинг давр охиридаги баланси.

Ҳар бир жорий ҳисобни батафсил кўриб чиқайлик.

1. Ишлаб чиқариш ҳисоби:

Фойдаланиш	Ресурслар
2. Оралиқ истеъмоли 3. Ялпи қўшилган қиймат (1-2)	1. Ялпи маҳсулот ва хизматлар
Жами фойдаланиш	Жами ресурслар

Бу ҳисоб ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳосил бўлишини ифодалайди. Ялпи маҳсулот ва хизматлар қиймати ишлаб чиқариш натижаларини ҳисоблашда бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади. Ушбу кўрсаткич, кенг маънода барча ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни пул қийматидир. Уни

ҳисоблаётганда сарфланган товар ва хизматлар қиймати чиқариб ташланмайди. Шунинг учун ушбу кўрсаткич таркибида қиймат ҳисобининг такрор миқдори мавжуд.

Ялпи маҳсулотларга қуйидагилар киради:

1. Реализация қилинган маҳсулотлар;
2. Тугалланмаган ишлаб чиқаришлар хажмларининг ўзгариши;
3. Корхоналарнинг ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари;
4. Курилиш мақсадлари учун ишлатилган маҳсулотлар;
5. Бартер учун ишлаб чиқарган маҳсулотлар (корхона натура ҳолида алмаштириш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар);
6. Захирадаги тайёр маҳсулотларнинг ўзгариши.
7. Уй хўжаликларининг ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (вино, пиво, мусаллас, ўсимлик ёғи ва хоказо);
8. Яширинча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар.

2- масала.

Товар ишлаб чиқарувчи А корхона ҳисобот даврида сотилган маҳсулотдан Р=600 шартли бирликда ялпи тушим олди, шундан қўшилган қиймат солиғи ҚҚС=120 шартли бирликни ташкил қилади. Шу жумладан корхона экспорт солиғи ЭС=10 тўлади шартли бирликда. Давлат бюджетидан (сотиш баҳосининг фарқидан олинган зарарни қоплаш учун) СУБМ=5 шартли бирликда субсидия олди. Ҳисобот даврининг бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми ТИЧ=10 шартли бирликда, ҳисобот даврининг охирида ТИЧ=12, тайёр маҳсулотларнинг захираси ТМЗ эса ўз навбатида 60-70 шартли бирликни ташкил қилади.

Бозорга оид номолиявий хизмат кўрсатувчи Б корхона, ЯХ=200 шартли бирликда ялпи хизмат кўрсатди, шундан қўшилган қиймат солиғи ҚҚС=40 шартли бирликни ташкил қилади.

Юқоридаги маълумотлар асосида - товар ишлаб чиқарувчи ва бозорга оид номолиявий хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ялпи маҳсулот ва хизматлар қийматларини (ЯМХ) асосий ва ишлаб чиқарувчи баҳоларда ҳисоблаб, ҳамда ялпи маҳсулот ва хизмат қийматини ишлаб чиқарувчи баҳодан асосий баҳога ўтишини кўриб чиқамиз.

Масаланинг ечими:

Ялпи маҳсулот ва хизматлар қиймати, масаланинг шарти бўйича қуйидагича ҳисобланади:

Ялпи маҳсулот ва хизмат қиймати = товар ва хизматни сотишдан олинган даромад - маҳсулот учун солинган солиқ (ҚҚС ва ЭС) + маҳсулотга берилган субсидия (сотиш баҳосини фарқидан олинган зарарни қоплаш учун) + ҳисобот даврида тугалланмаган ишлаб чиқариш хажмининг ўзгариши + ҳисобот даврида тайёр маҳсулотлар заҳирасининг ўзгариши.

Институцион бирликларни ялпи маҳсулот ва хизматлар қийматини асосий баҳода ҳисоблаймиз:

А корхона учун ЯМХ=600-120-10+5+(12-10)+(70-60)=487(шартли бирлик).

Б корхона учун ЯМХ = 200-40=160(шартли бирлик).

Шундай қилиб, номолиявий секторга тегишли институцион бирликларнинг (А+Б) ялпи маҳсулот ва хизматлар қиймати, ишлаб чиқарувчининг баҳосида 647 (487+160) га тенг бўлади.

Ялпи маҳсулот ва хизматлар кўрсаткичининг ишлаб чиқарувчи баҳосидаги қиймати асосий баҳода қуйидаги *миқдорга тенг бўлади:*

ЯМХ (асосий баҳода) = ЯМХ (ишлаб чиқарувчининг баҳосида)-экспорт солиғи + маҳсулотга берилган субсидия = 647 – (-10) + 5 = 642.

Маҳсулот ишлаб чиқариш қийматини ҳисоблашда иқтисоднинг турли сектор ва тармоқларида турлича фарқ мавжуд. Масалан, номолиявий корхоналар маҳсулоти қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$P = R + S,$$

бунда, P - маҳсулот ишлаб чиқариш;

R - реализация қилинган маҳсулот қиймати;

S - тайёр ва тугалланмаган, лекин сотилмаган маҳсулотлар захирасининг ортиши. У қуйидагича аниқланади:

$$S = S\,1 - S0,$$

бунда, S 1 - давр охиридаги заҳира қиймати;

S0 - давр бошидаги заҳира қиймати.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, МҲТ да жуда муҳим қоида мавжуд бўлиб, бу қоидага кўра маҳсулот қиймати сотилаётган вақтдаги баҳо билан эмас, балки ишлаб чиқарилган вақтдаги баҳо билан ўлчаниши керак. Инфляция даражаси юқори бўлган пайтда бу баҳолар орасидаги фарқ жуда катта бўлиши мумкин. Ушбу номувофиқликдан қутилиш учун сотилмаган тайёр маҳсулотлар захирасининг ортиши , инфляция даражаси юқори бўлганда, қуйидаги формула билан аниқланади:

$$S/ = L - M,$$

бунда, L-маҳсулотни заҳирага қўяётган пайтдаги қиймат;

М-маҳсулотни заҳирадан олаётган вақтдаги қиймат.

Мисол (рақамлар шартли). Фараз қилайлик, корхона 100 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва маҳсулот ишлаб чиқарилган вақтда ҳар бир маҳсулот нархи 5 сўм бўлсин. Маҳсулот кейинроқ, яъни уни нархи икки баробар ортган пайтда сотилди, сотилиш нархи :

R=100 x 10 = 1000 сўм.

Таъкидлаб ўтамиз, мисолимизда давр боши ва охирида маҳсулот захираси йўқ, деб фараз қилинади.

Энди маҳсулот ишлаб чиқариш қиймати (Р) ни S орқали аниқлайлик:

S/ = 500 - 1000 = -500

P = 1000 + (500 - 1000) = 500

Шундай қилиб, сотилмаган тайёр маҳсулот захирасининг ортиши бизнинг мисолимизда (S орқали аниқланганда) манфий қийматга эга.

Ҳақиқатдан ҳам, корхона омборга 500 сўмлик маҳсулот қўйди ва омбордан 1000 сўмлик маҳсулот олди, чунки унинг нархи икки баробар ошган эди. Бошқача қилиб айтганда, сотилмаган тайёр маҳсулот заҳирасининг ортиши - S, маҳсулот омборда ётган пайтда ортган қийматнинг тескари ишорасига тенг. Ҳосил бўлган қиймат ортиши холдинг фойда дейилади. Мисолимизда унинг миқдори 500 сўм, маҳсулот ишлаб чиқарилган вақтдаги баҳода ўлчаш учун уни (500 сўм) маҳсулот сотилгандаги баҳодан (1000) айириб ташланиши керак.

Сотилмаган тайёр маҳсулот заҳирасининг ортишини S орқали аниқласак қандай бўлади? Бу ҳолда заҳиранинг ортиши 0 га тенг, чунки маҳсулот заҳираси давр боши ва охирида кўзда тутилмаган. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш Р=1000 сўм. Бироқ ушбу сумма холдинг фойда (500 сўм) ни ҳам ўз ичига олади, лекин уни МҲТ кўрсатмасига кўра, маҳсулот ҳисобидан чиқариб ташлаш керак.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, агар баҳо йил бўйи ўзгармаса, сотилмаган тайёр маҳсулот заҳирасининг ортиши S/ билан ҳам, S билан ҳам аниқланса, бир хил натижа беради.

3- масала.

Корхона маҳсулотнинг бир донаси 5 шартли бирликда бўлган пайтда 100 дона маҳсулот ишлаб чиқариб, уни бир донасининг баҳоси уч баробар ошган пайтда сотган, натижада

1500 (100х5х3) шартли бирлик ялпи даромад олди. (Ҳисобот даврини боши ва охирида заҳирада тайёр маҳсулот йўқ эди).

Корхона ишлаб чиққан ялпи маҳсулот қиймати қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

ЯМ=Сотилган маҳсулотнинг қиймати (Р)+Тайёр маҳсулот заҳираси ўзгаришининг (ЗҚ) қиймати, яъни ЯМ = Р+ЗҚ.

Бунда Р =1500 шартли бирликка тенг.

ЗҚ - тайёр маҳсулотлар заҳирасининг ўсиши (камайиши). ЗҚ қуйидагича ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар заҳирасининг ўсиши (камайиши) ялпи маҳсулот қийматидан унинг заҳирага тушган пайтидаги қиймати (100х5х3) айирмасига тенг бўлади, яъни:

ЗҚ=100 х 5 - 100 х 5 х 3 = 500-1500 = (-1000)

У ҳолда ЯМ қуйидаги қийматга бўлади:

ЯМ=Р + ЗҚ = 1500 + (-1000) = 500 (шартли бирликда).

Товар заҳирада турган вақтда, баҳони уч мартаба ортиши натижасида унинг умумий қиймати 1000 шартли бирликка ошди. Буни (1000ни) холдинг фойда дейилади. Шу сабабли сотилган товар қийматидан (1500 шартли бирликдан) холдинг фойдани олиб ташлаш керак сабаби ялпи маҳсулотни баҳолашда маҳсулот ишлаб чиқарилган пайтдаги қиймат (500)ни олиш керак.

Юқоридаги тенглама (Р ни ҳисоблаш тенгламаси) билан давлат бошқарув органлари ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг бепул хизматлари қийматини ҳисоблаб бўлмайди. Сабаби шундан иборатки, юқорида номи келтириган секторларда сотиладиган маҳсулот ҳам, захирага қўядиган тайёр маҳсулот ҳам йўқ. Шунинг учун ушбу секторнинг "маҳсулотлари" харажатлар йиғиндиси сифатида аниқланиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

— оралиқ истеъмолга ишлатиш учун олинган товар ва хизматлар қиймати;

— меҳнат ҳақи;

— "ишлаб чиқариш" солиқлари;

— асосий капитал истеъмоли.

Бепул хизмат кўрсатувчи муассаса ва ташкилотлар баъзи ҳолатларда ўз мижозларидан қисман тўловлар олиши ёки уларга унчалик катта бўлмаган миқдорда бошқа товарларни сотиши мумкин, Масалан, мактабгача муассасалар ота-оналардан болаларига кўрсатилган хизматлар учун қисман тўловлар олади ёки баъзида музейларда откриткалар сотилади.

Бари бир ушбу, ташкилот ва муассасаларнинг "маҳсулоти" қилган харажатлари йиғиндисига тенг. Бу ҳолда бепул хизматлар қиймати сарфланган харажатлар йиғиндисидан товар ва хизматларга бўлган тўловлар қийматини айирганга тенг.

4- масала.

Давлат корхоналарининг бюджетидан фойдаланиш харажатининг бажарилиши туғрисидаги ҳисоботи қуйидаги маълумотлардан иборат (шартли бирликда):

Меҳнат ҳақи 450.

Қўшимча ҳақ 100.

Таъминлов буюмлари ва материаллар харажати 50.

Транспорт хизмати ҳақи 40.

Алоқа хизмати ҳақи 30.

Коммунал хизмат ҳақи 35.

Амортизация ажратмалари 25.

Юқоридаги маълумотлар асосида давлат корхоналарининг кўрсатган ялпи хизмат қийматини аниқлаймиз.

Масаланинг ечими: Давлат корхоналарининг кўрсатган ялпи хизмат қиймати жами қилинган жорий харажатлар йиғиндисидан иборатдир. У оралиқ истеъмоллар харажати (таъминлов буюмлари ва материаллар харажати, транспорт, алоқа, коммунал хизматлар ҳақи), меҳнат ҳақи (ойлик маош, қўшимча ҳақ, мукофот пуллари), бошқа ишлаб чиқариш солиғи, асосий капитал истеъмоли (амортизация ажратмалари) харажатлари йиғиндисига тенг бўлади.

Шундай қилиб давлат бюджет корхоналарининг кўрсатган ялпи хизматнинг қиймати қуйидаги тенг бўлади:

ЯМХ = 450 +100 + 40 + 50 + 30 + 35 + 25 = 730

5- масала.

Уй хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти қуйидаги рақамлар билан ифодаланади (шартли бирликларда): ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган тушум 150, ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг истеъмоли 60, ўз уйида яшаш хизмат ҳақи 20 шартли ҳисобланган.

Уй хўжалигига қарашли нокорпоратив корхонанинг ялпи маҳсулот ва хизмат қийматини ҳисобланг.

Масаланинг ечими: Уй хўжалигига қарашли нокорпоратив корхонанинг ялпи маҳсулот ва хизматлар (ЯМХ) қиймати қуйидагича аниқланади:

ЯМХ = сотишдан олинган тушум (150) + ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти қиймати (60) + Шартли ҳисобланган ўз уйида ялпи хизмат ҳақи (200) = 150 + 60 + 20 = 230

Шундай қилиб "Уй хўжалик" секторининг ялпи маҳсулот ва хизмат қиймати 230 шартли бирликдан иборат.

6-масала. Давлат корхоналарининг ҳисоботида қуйидаги маълумотлар берилган(шартли бирликда): хомашё, материаллар, ёқилғи ва қувватларга сарфлар-230; қўшимча қиймат учун солиқ 27; ускуналар учун ижара тўлови 8; рекламага сарфлар-9; алоқа хизмати ҳақи-6; суғурталаш хизмати ҳақи-2. Энди шу маълумотларга асосланиб оралиқ истеъмолни ҳисоблайлик..

Масаланинг ечими:

Оралиқ истеъмол қуйидагича ҳисобланади:

Оралиқ истеъмол=хомашё, материаллар, ёқилғи ва қувватларга сарфлар (230)-Қўшилган қиймат солиғи (27) + Ускуналар учун аренда тўлови (8) + Рекламага сарфлар (9) + алоқа хизмати ҳақи (6) + Суғурталаш хизмати ҳақи (2)=230-27+8+9+6+2=228

Шундай қилиб номолиявий корхоналарнинг оралиқ истеъмоли 228 шартли бирликни ташкил қилади.

Молия муассасалари "маҳсулоти" ҳам алоҳида усул билан аниқланади. Банк "маҳсулоти" қиймати қуйидагича ҳисобланади.

$P = T_1 - T_0$

Бунда, Р - банк "маҳсулоти" қиймати;

T_1 - жалб қилинган ресурслар жойлаштирилгани учун банклар томонидан олинган фоизлар;

T_0 - бўш молиявий ресурслар жалб қилинганлиги учун банклар томонидан тўланадиган фоизлар.

Эслатиб ўтамиз, юқоридаги тенгламада банклар ўз ресурсларидан берган қарзлари учун оладиган фоизлар хисобга олинмайди. Сабаби "тарифга кўра" молиявий муассасалар "маҳсулоти"ни баҳолашда банкларнинг воситачилик фаолияти баҳоланади. Бу фаолият - бўш молиявий ресурсни топиш ва уни инвестициялашдир. Шундай қилиб, банклар ресурсларни жамлама қилувчилар билан уларни инвестиция қилувчилар орасидаги воситачидир. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, молиявий муассасалар "маҳсулот"ига қимматбаҳо нарсаларни сейфларда сақлаганлик, инвестициялаш масаласида маслаҳатлар бериш, валюталар алмашиш ва шу каби хизматлар учун олган тўловлари ҳам киради.

Суғурта компанияларининг "маҳсулоти" қуйидаги тенглама орқали ҳисобланади:

$$P = R - K + Q - N,$$

бунда, R-суғурта компанияларига тўланган суғурта мукофоти;

K-суғурта компаниялари томонидан тўланган, зарарни қоплайдиган суғурта тўловлари;

Q-суғурта компанияларининг суғурта техник заҳираларини қимматли қоғозларга ва бошқа ликвидли молиявий инструментларга инвестиция қилиш ҳисобига олган фоизлари;

N- суғурта техник резервларининг ўсиши.

Оралиқ истеъмол - бу, ишлаб чиқариш жараёнида харажат қилинган товар ва хизматлар қиймати. Масалан, ишлаб чиқаришга сарфланган хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асбоб-ускуна, ҳамда реклама агентлиги, юридик маслахат, транспорт агентлиги ва шунга ўхшашларнинг хизматларига тўланган тўловлар қийматидир. Оралиқ истеъмол харажатларининг асосий кўрсаткичларига бино, машина ва асбоб- ускуналарнинг ижара тўловлари хам киради. Асосий капитал истеъмоли оралиқ истеъмолга кирмайди.

Шундай қилиб оралиқ истеъмолнинг таркибига қуйидагилар киради:

— моддий харажатлар;
— номоддий хизматлар ҳақи;
— сафар харажатлари (егулик харажатларисиз).

Оралиқ товарлар қиймати савдо - транспорт устамаларини қўшган ҳолда, охирги истеъмол баҳоларида ифодаланади. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), агар корхона сотаётган маҳсулот қиймати ҳисобланганда ҚҚС йиғиндиси айириб ташланса, у ҳолда оралиқ истеъмолига киритилмайди. Лекин баъзи ишлаб чиқарувчилар ҚҚС дан озод этилганлар. Бу ҳолда оралиқ истеъмол харажатлари ҚҚСни ҳам ҳисобга олган баҳода ҳисобланади.

Яна шуни таъкидлаш зарурки, оралиқ истеъмол қийматини ҳисоблашда харажат қилинган товарларни уларни сотиб олган вақтдаги баҳоларда эмас, балки уларни ишлаб чиқаришда ишлатилаётгандаги чинакам баҳоларда ҳисобга олиш керак. Инфляция даражаси жуда юқори бўлган пайтларда ушбу баҳолар орасидаги фарқ анча катта бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда 1992 йилларда баҳони эркинлаштириш (либераллаштириш)дан олдин кўпгина корхоналар хомашё ва материалларни арзонгина нархларда йиғиб олдилар. Кейинчалик, баҳони эркинлаштириш натижасида уларнинг нархлари 2-3

мартадан ошиб кетди. Натижада корхоналар ушбу товарлардан нархлари ошганда фойдаланганлиги учун баҳолар фарқи ҳисобига холдинг даромад олишди. Маълумки, МҲТ кўрсаткичларига биноан корхона фаолиятини баҳолашда холдинг даромадларни чиқариб ташлаш керак.

7- масала.

Товар ва бозорга оид номолиявий хизмат кўрсатувчи корхонанинг, ишлаб чиқариш харажатлари қуйидагидан иборат (шартли бирликда):

Хомашё, материал, ёқилғи ва электр энергия харажати	250
Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)	
Меҳнат ҳақи	40
Ускуналар ижара ҳақи	220
Реклама харажати	20
Алоқа хизмати ҳақи	15
Суғурта хизмати ҳақи	10
Амортизация	5
Сафар харажатлари	90
Йўл харажати	35
Меҳмонхона ҳақи	20
Кундалик озиқ-овқат харажати	15
	10

Корхонанинг оралиқ истеъмол харажатлари қиймати (ОИ) қуйидагича ҳисобланади:

ОИ = Хомашё, материал, ёқилғи ва электр энергия харажати (250) - ҚҚС(40) + Ускуналарнинг ижара ҳақи (20) + реклама харажати (15) + Алоқа хизмати ҳақи (10) + суғурта хизмат ҳақи (5) + Сафар харажати (35) + йўл харажати (20) + меҳмонхона ҳақи (15)=250-40+20+15+10+5+35+20+15=330.

Шундай қилиб номолиявий корхонани оралиқ истеъмол харажати 330 шартли бирликдан иборат.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) - иқтисодий фаолиятнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб ишлаб чиқариш ҳисобини баланслаштиради. Чунки у маҳсулот ишлаб чиқариш қиймати билан оралиқ истеъмол харажатлари орасидаги фарқ кўринишида аниқланади. Агар маҳсулот қиймати асосий баҳоларда аниқланган бўлса (маҳсулот қийматидан сарфланган оралиқ истеъмол қиймати айирилган, лекин маҳсулотга берилган субсидиялар қўшилган), ЯҚҚ ҳам ишлаб чиқарувчи баҳоларида аниқланган ҳисобланади, лекин субсидиялар ҳисобга олинмаган бўлса, ЯҚҚ ишлаб чиқарувчи баҳоларида аниқланган ҳисобланади.

Кенг маънода, миллий иқтисодиётнинг барча секторлари ёки тармоқларидаги ЯҚҚ йиғиндиси ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) га тенг, Лекин амалда ЯҚҚ ва ЯИМ ни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги туфайли улар орасидаги муносабат қуйидаги тенглама орқали ифодаланади:

$VA + N - S = GDP$

бу ерда, GDP — ялпи ички маҳсулот;

VA — иқтисодиёт барча секторларининг асосий баҳодаги ялпи қўшилган қиймати;

N — барча солиқлар йиғиндиси;

S — субсидиялар йиғиндиси.

Агарда ЯҚҚ ишлаб чиқарувчи баҳода аниқланган бўлса, ЯҚҚ ва ЯИМ орасидаги муносабат қуйидаги кўринишни олади:

$VA + ҚҚС + Y = GDP$

бунда, VA — иқтисодиёт барча секторларининг ишлаб чиқарувчи баҳосидаги ялпи қўшилган қиймат;

ҚҚС — қўшилган қиймат солиғи;

Y — импорт субсидиясини айирган ҳолдаги импорт солиғи.

ЯҚҚдан асосий капиталнинг истеъмол харажати (амортизация) ажратилмаган. Назарий жиҳатдан капиталнинг истеъмол харажатини ҳисобга олиш зарур эди, лекин амалда МҲТ талабларини ҳисобга олган ҳолда уни аниқлаш имконияти ҳар доим бўлавермайди. Эслатиб ўтамиз, бухгалтерия ҳисобидаги асосий капитал истеъмоли асосий фондларнинг дастлабки қийматлари асосида аниқланса, МҲТда қайта тиклаш қийматлари воситасида аниқлаш талаб қилинади.

8- масала.

Иккинчи ва етинчи масалаларнинг натижаси асосида номолиявий секторга тегишли институцион бирликларни ишлаб чиқариш ҳисобини тузинг.

Масаланинг ечими:

Бизга маълумки, 2- масаланинг ечими натижасида ялпи маҳсулот ва хизматлар қиймати (ЯМХ) 657 шартли бирликка тенг эди. 7- масаланинг ечими натижасида эса оралиқ истеъмол харажати (ОИ) 330 шартли бирликдан иборат эди.

Булардан фойдаланиб номолиявий секторнинг ялпи қўшилган қиймати (ЯҚҚ) қуйидагича ҳисобланади:

ЯҚҚ = ЯМХ - ОИ = 657 - 330 = 327(шартли бирлик)

Соф қўшилган қиймат (СҚҚ) қуйидагига тенг бўлади.

СҚҚ = ЯҚҚ - амортизация = 327 - 90 = 237(шартли бирлик)

Шундай қилиб "Номолиявий корхоналар" секторини "Ишлаб чиқариш ҳисоби" қуйидагидан иборат.

Фойдаланиш	Ресурслар
Оралиқ истеъмол харажатлари = 330 Ялпи қўшилган қиймат =327 Асосий фондлар истеъмоли= 90 Соф қўшилган қиймат=237	Ялпи маҳсулот ва хизматлар қиймати, асосий баҳода=657
Жами 657	**Жами 657**

II. Даромаднинг шаклланиш ҳисоби

Фойдаланиш	Ресурслар
3. Меҳнат ҳақи 4. Ишлаб чиқариш солиқлари 5. Ялпи фойда (1+2-3-4) 6. Асосий капитал истеъмоли 5. Соф фойда / аралаш даромад (1+2-3-4-6)	1. Ялпи қўшилган киймат (ЯҚҚ) 2. Ишлаб чиқаришга берилган субсидия жумладан: - маҳсулотга берилган субсидия; - ишлаб чиқаришга берилган субсидия;
Жами фойдаланиш	**Жами ресурслар**

Бу ҳисоб ишлаб чиқаришда банд бўлган институционал бирликларнинг бирламчи даромадлари қандай ҳосил бўлишини ифодалайди. Бошқача айтганда, ушбу ҳисоб ЯҚҚ таркибий элементларга тақсимланишини ифодалашга мўлжалланган. ЯҚҚ нинг асосий элементлари ҳисобнинг "Фойдаланиш" қисмида келтирилган. Меҳнат ҳақи икки компонентдан ташкил топган: иш ҳақи ва ижтимоий суғурта. Меҳнат ҳақига ЯҚҚ ни ҳосил қилишда қатнашган барча резидентларга ва норезидентларга берилган тўловлар киради (масалан, мамлакатда вақтинча ишлаётган чет эл ишчиларига тўланган иш ҳақи). Ишлаб чиқариш солиқларига, ишлаб чиқариш омилларига (ер, бино, транспорт воситалари, иш ҳақи фонди ва ҳ.к.) тўланадиган солиқлар киради. Ушбу кўрсаткич соф солиқ ҳолда, яъни, ишлаб чиқаришга берилган субсидияларни солиғидан айирган ҳолда қайд этилади. Асосий фондларни (капитал) ҳисобот даври мобайнида ишлаб чикаришда унга жисмоний, маънавий ва бехосдан шикаст етказиш натижасида қиймати камайишини билдиради ва асосий фондлар (капитал)нинг истеъмоли қиймати қуйидаги элементлар қийматлари йиғиндиси асосида ҳисобланади:

а) емирилиш (амортизация ажратмалари);

б)муддатидан олдин тугатилган асосий фондлар (амортизация даврини ўтаб бўлмаган, қиймати);

в) молга теккан ўлат туфайли мажбурий сўйиш (баланс қийматидан гўштни сотиш қийматини айирмаси) натижасидаги қолдиқ.

Асосий капитал истеъмоли капитал емирилиши йиғиндисини ифодалаб, қайта тиклаш қийматларида баҳоланади.

Ялпи фойда (ЯФ) - корпорациялар учун баланслантирувчи кўрсаткич бўлиб, у молиявий ва номолиявий корпорациялар даромадлари шаклланадиган ҳисобларда учрайди. Яхлит иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (ЯФ), секторнинг (СЯФ) ва тармоқларнинг ялпи фойдасини (ТЯФ) йиғиндиси орқали ҳисоблаш мумкин:

ЯФ = СЯФ + ТЯФ

У уй хўжалиги сектори таркибига кирувчи ва уй ҳўжалиги мулкчилигидаги нокорпоратив корхоналар (кичик фермерлар, кичик устахоналар, баъзи оилаларга қарашли ва уларни ўзлари ҳам ишлайдиган ресторан ва дўконлар ва шунга ўхшашлар) даромадлари шаклланадиган ҳисобларда учрайди.

III. Даромаднинг бирламчи тақсимланиши

Фойдаланиш	Ресурслар
5.Мулкдан олинадиган даромадлар (тўланадиган) 6. Бирламчи даромадлар фарқи (сальдо) (1 + 2 + 3 + 4 -5)	1. Ялпи фойда / ялпи аралаш даромад 2. Мулкдан олинадиган даромадлар (олинган) 3. Ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар 4. Меҳнат ҳақи
Жами фойдаланиш	**Жами ресурслар**

Даромаднинг бирламчи тақсимланиш ҳисобида резидент институционал бирликлар ишлаб чиқаришдан ва мулкдан олган бирламчи даромадларнинг секторлар ўртасидаги тақсимоти ифодаланади. Ушбу ҳисоб секторлар ишлаб чиқарувчилари ҳосил қилнган ялпи фойдадан ташқари олинган бирламчи даромадлар (мулкдан) кўринишида кўрсатишга мўлжалланган. Ҳисобнинг ўнг томонида олинган бирламчи даромадларнинг асосий турлари, чап томонида - мулкдан тўланган даромадлар ва ҳисобни баланслантирувчи кўрсаткич - бирламчи даромадларнинг сальдоси келтирилган.

Фойда/аралаш даромадига молиявий ва номолиявий корпорацияларнинг, ҳамда кичик нокорпоратив корхоналарнинг бирламчи даромадлари киради.

Мулкдан олинадиган даромадларга иқтисодиёт барча секторлари оладиган фоиздан, дивидентдан, рентадан, чет эл инвестицияларидан олинадиган даромадлар киради. Уй-жой ва бошқа бинолардан олинадиган ижара ҳақи мулкдан олинадиган даромад ҳисобланмай, хизматлар учун тўлов ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар — давлат бошқарув органларининг бирламчи даромадидир. Шуни таъкидлаш керакки, даромад ва мулк солиқлари бирламчи даромад ҳисобланмай, қайта тақсимланган тўловлар деб ҳисобланади.

Меҳнат ҳақи — мамлакат резидентларига, мамлакат ичида ва чет элларда ЯИМ ишлаб чиқаришда қатнашганлиги учун тўланадиган иш ҳақи. Умумий ҳолда, бу ҳисобдаги меҳнат ҳақи даромадларни шаклланиши ҳисобидаги меҳнат ҳақи билан тўғри келмайди, чунки иккинчи ҳолда мамлакат ичида яратилган ЯИМда қатнашган резидентлар ва норезидентлар иш ҳақи кўзда тутилади. Шунинг учун, даромадлар шаклланиши ҳисобидаги меҳнат ҳақи оқими билан бирламчи даромадлар тақсимланиши ҳисобидаги қайд қилинган меҳнат ҳақи тасодифан бир-бирига тенг келиб қолиши мумкин.

Иқтисодиёт барча секторлари бирламчи даромадларининг йиғиндиси (сальдо) МҲТ нинг муҳим агрегати - миллий даромадни ҳосил қилади.

Миллий даромад — мамлакат резидентлари оладиган бирламчи даромадлар йиғиндисидир. Миллий даромад ялпи ва соф кўринишда, яъни асосий капитал истеъмолини айиргунгача ва айиргандан кейин аниқланиши мумкин. Ялпи асосда ҳисобланган миллий даромад — ялпи миллий даромад (ЯМД), соф асосда ҳисобланган миллий даромад — соф миллий даромад (СМД) дейилади.

Маълумки, ЯМДдан ЯИМ мамлакат резиденлари чет давлатлардан олган бирламчи даромадлари сальдоси билан фарқ қилади. Кўпинча, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг ЯМД уларнинг ЯИМидан юқори, ривожланаётган мамлакатларда эса, аксинча бўлади. Бунинг сабаби шундан иборатки, ривожланган мамлакатларда четга кўпроқ инвестиция чиқариб, улар ҳисобидан ортиқроқ даромад оладилар.

9-масала.

Юқоридаги 2-, 7- ва 9- масалалар маълумотларига қўшимча қилиб қуйидаги маълумотлар асосида номолиявий корхоналарнинг "Даромадларнинг бирламчи тақсимлаш" ҳисоби тузинг.

— ердан фойдаланганлиги учун тўланган ижара ҳақи (рента) -10 .
— олинган кредит учун тўланган фоиз - 4 .
— корхона ходимларга тўлаган дивидендлар - 5.

— банкга қўйилган маблағдан олинган фоиз - 10.

Масаланинг ечими:

Корхонанинг мулкдан олган даромади 10 шартли бирликга тенг (банкга қўйилган маблағдан олинган фоиз-10), фойдаланганлиги учун тўланган мулк даромади тенг=ердан фойдаланган учун тўлаган рента(10)+кредит учун тўланган фоиз(4)+тўланган дивидентлар (5)=10+4+5=19 шартли бирлик.

Шундай қилиб, номолиявий корхона даромадининг бирламчи тақсимлаш ҳисоби қуйидаги кўринишда бўлади.

Фойдаланиш	Ресурслар
3.Мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган даромад-19 4.Бирламчи даромадлар сальдоси=362.3	1. Ялпи фойда - 371.3 2.Мулкдан олинадиган даромад-10
Жами (3+4)=381.3	**Жами(1+2)=381.3**

Агар даромаднинг бирламчи тақсимланиш ҳисоби бутун иқтисодиёт бўйича тузиладиган бўлса, ҳисобда ресурс ва фойдаланиш қисмларида чет элдан мулкдан олинган даромад ва чет элга мулкдан фойдаланганлиги учун тўланган мулк даромадини кўрсатиши керак. Бу маълумот "Ташқи дунё" секторини жорий операциялар счетидан олинади. Мамлакатимизнинг резидентлари мулкидан олинган даромадларидан, норезидентларга мулкидан берилган доромадлари айирмаси, ташқи дунёдан олинган бирламчи даромад сальдоси дейилади.

Шундай қилиб бутун иқтисодиёт даромадининг бирламчи тақсимлаш ҳисобини баланслаштирувчи элементни ялпи миллий даромад (ЯМД) ташкил қилади, яъни:

ЯМД = ЯИМ+бирламчи даромад сальдоси (чет элдан олинган ва берилган даромад айирмаси).

10-масала.

Қуйидаги шартли бирликда келтирилган маълумотлар асосида бутун иқтисодиёт учун даромаднинг бирламчи тақсимлаш ҳисобини кўрсаткичларини ҳисобланг.

Иқтисодиётни ялпи фойдаси ва аралаш даромадлар (9- масаладан олинган)	= 371.3
Ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақи (резиндент ва норезидентлар)	=1050,5
Бошқа ишлаб чиқариш солиғи	= 125,5
Ишлаб чиқаришга берилган субсидия	= 25,5
Маҳсулот солиғи	= 250,5
Маҳсулот ишлаб чиқарувчи резидентлари давлат бюджетидан маҳсулот учун олинган субсидия	= 50,5

Чет элдан олинган бирламчи даромадлар	= 31,0
шу жумладан: меҳнат ҳақи	= 10,5
мулк даромади	= 20,5
Чет элга берилган бирламчи даромадлар	= 36,0
шу жумладан: меҳнат ҳақи	= 12
мулк даромади	= 23,6

Масаланинг ечими:

Даромаднинг бирламчи тақсимлаш ҳисобини ресурс қисмида резидентлар олган бирламчи даромадлардан иборат. Улар қуйдагилар йиғиндисидан иборат:

Ялпи фойда ва аралаш даромад (371.3) + (резидентлар меҳнат ҳақи-норезидентларни меҳнат ҳақини айрмаси (1050-50.5) + Чет элдан резидентлар олган меҳнат ҳақи (10.5) + бошқа ишлаб чиқариш соф солиғи (125.5-25.5) + маҳсулот соф солиғи (250.5-50.5) + мулкдан олинган даромад (20.5);

Даромаднинг бирламчи тақсимлаш ҳисобини фойдаланиш қисмида мулкдан фойдаланилганлиги учун берилган, даромадлар 23,6 ва ҳисобини баланслантирувчи моддаси ялпи миллий даромаддан (ЯМД) иборат ва у тенг:

ЯМД = 371.3 + (1050.5-50.5) + 10.5 + (125.5-25.5) + (250.5-50.5) + 20.5 = 1702.3.

IV. Даромаднинг иккиламчи тақсимланиш ҳисоби

Фойдаланиш	Ресурслар
3. Жорий трансфертлар (тўланган) 4. Ихтиёрдаги даромад (1 + 2 + 3)	1. Бирламчи даромадлар сальдоси 2. Жорий трансфертлар (олинган)
Жами фойдаланиш	**Жами ресурслар**

Даромадларни пул кўринишида қайта тақсимлаш ҳисоби мамлакатга келган тушумлар ва жорий трансфетлар натижасидаги даромаднинг ҳосил бўлиши ва пул шаклида қайта тақсимланиш жираёнини ифодалайди.

Ҳисобнинг бошланғич кўрсаткичи-аввалги ҳисобни баланслантирувчи кўрсаткичи, яъни бирламчи даромадлар сальдосидир. Даромадлар МҲТда трансфертлар деб аталмиш қайта тақсимлаш тўловлари воситасида қайта тақсимланади.

Трансфертлар — иқтисодий амал бўлиб, бир институционал бирлик бошқа институционал бирликка товарлар, хизматлар, активлар ёки ҳуқуқларни текинга беради.

Бошқача қилиб айтганда, трансфертлар шундай амалки, унинг натижасида товарлар, хизматлар, активлар ёки мулкий

ҳуқуқлар оқими бир томонга ҳаракатланиб, уларнинг ўрнини қоплайдиган эквивалент қиймат ва оқим тескари йўналишда бўлмайди.

Трансфертлар жорий ва капитал, натурал ва пул шаклида бўлади. Даромадларнинг пул кўринишида тақсимланиш ҳисобида қуйидаги пул шаклдаги жорий трансфертлар қайд қилинади:

— даромадлар ва мулкга жорий солиқлар;
— ижтимоий суғуртага ажратмалар;
— ижтимоий тўловлар;
— суғурта пули ва товонлар;
— бошқа қайта тақсимлаш тўловлари (жарималар, пенялар, хайриялар ва шу кабилар).

Ҳисобни баланслантирувчи кўрсаткич — ихтиёридаги даромаддир. Бу кўрсаткич ялпи ёки соф кўринишда яъни, асосий капитал истеъмолини айирмаган ёки айирган ҳолатда аниқланиши мумкин. Барча иқтисодий секторлар олган ихтиёрдаги даромадлари йиғиндиси миллий ихтиёрдаги даромадга (ялпи ёки соф) тенгдир. Ушбу кўрсаткич ЯИМ ва ЯМД лар каби МҲТ нинг муҳим агрегатидир.

Ялпи миллий ихтиёрдаги даромад (ЯМИД) ЯМД дан чет элларда олинган жорий трансфертлар сальдоси миқдоридан катта-дир.

11- масала.

2-, 7-, 9- ва 10- масалалардаги маълумотларга қўшимча қуйидаги маълумотлар асосида "Номолиявий корхоналар" сектори учун "Даромаднинг иккиламчи тақсимлаш ҳисобини тузинг. Маълумотлар шартли бирликларда берилган.

1. Корхоналарнинг ундирилган суғурта товони –10.
2. Ундирилган жарима –8.
3. Суғурта мукофоти пули – 12.
4. Суғурта хизмати ҳақи – 4.
5. Корхонанинг даромад солиғи – 20.
6. Тўланган жарима – 6.

Ечими:

Бизни шартли мисолимиздаги маълумотлар бўйича олинган жорий трансферт қуйдагилардан ташкил топади: Суғурта товони + ундирилган жарима + шартли ижтимоий суғуртага ажратма=10+8+2=20.

Бунда: Шартли ижтимоий суғурта ажратмаси = суғурта мукофоти - ундирилган суғурта товон = 12-10 = 2.

Суғурта мукофоти даромадни иккиламчи тақсимлаш ҳисобининг фойдаланиш қисмидаги берилган жорий трансферт бўлади. Шу сабабли унинг қийматидан суғурта компанияси ходимларининг иш ҳақи айириб ташланса, соф суғурта мукофоти қиймати қолади. Соф суғурта мукофоти = суғурта мукофоти — суғурта хизмат ҳақи = 12-4 = 8.

Шундай қилиб, бу масалада берилган жорий трансферт қуйидагича ҳисобланади: Соф суғурта мукофоти + фойда солиғи + шартли ижтимоий суғурта ажратмаси + тўланган жарима = 8+20+2+6=36.

Шундай қилиб номалиявий корхонанинг "Даромадни иккиламчи тақсимлаш ҳисоби қуйидаги кўринишда бўлади:

Фойдаланиш	Ресурслар
Берилган жорий трансфертлар =36 Ялпи ихтиёрдаги даромад = 346.3	Ялпи бирламчи даромад сальдоси = 362.3 Олинган жорий трансфертлар=20
Жами (3 +4)=382.3	**Жами (1+2) =382.3**

12- масала.

9- масаладаги ялпи миллий даромадни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги маълумотлар асосида ялпи миллий ихтиёрдаги даромадни ҳисобланг (маълумотлар шартли бирликда).

Ташқи дунёдан олинган жорий трансферт — 4.5

Ташқи дунёга берилган жорий трансферт — 2.5

Ечими:

Ялли миллий ихтиёрдаги даромад қуйидагича ҳисобланади:

ялпи миллий ихтиёрдаги даромад = ялпи миллий даромад + ташқи дунёдан олинган жорий трансферт — ташқи дунёга берилган жорий трансферт =1702.3 +4,5-2,5 =1704.3

Шундай қилиб ялпи миллий ихтиёрдаги даромад (ЯМИД)тенг: 1704.3

V. Пул шаклдаги ихтиёрдаги даромадлардан фойдаланиш ҳисоби

Фойдаланиш	Ресурслар
2. Охирги истеъмолга харажатлар 3. Жамғарма (1-2)	1. Ихтиёрдаги даромад
Жами фойдаланиш	Жами ресурслар

Ихтиёрдаги даромадлардан фойдаланиш ҳисобида мавжуд даромадларни охирги истеъмолга ва жамғаришга тақсимлаш

амаллари акс эттирилади. Бу ҳисобда ихтиёрдаги даромадлардан фойдаланишга доир операциялар қайд қилинган.

Маълумки, охирги истеъмол харажатларига қуйидагилар киради:

а) уй хўжалигининг пировард истеъмолга харажатлари;

б)давлат бошқарув органларининг пировард истеъмол харажатлари:

в) уй хўжалигига хизмат қилувчи нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмол харажатлари.

Барча харажатлар мос секторларнинг ҳисобида қайд қилинади ва улар бир хил кўрсаткичларга (моддаларга) эгадир.

Жамғарма ҳисобини баланслантирувчи моддадир, Иқтисодиётнинг барча секторлари жамғармалари йиғиндиси МҲТ нинг яна бир агрегати — **миллий жамғармани** ҳосил қилади. Шуни таъкидлаш керакки, даромадлар фақат пул шаклидаги трансфертлар эмас, балки натурал шаклдаги трансфертлар кўринишида ҳам қайта тақсимланади, яъни, бепул ижтимоий маданий хизматлар кўрсатиш ёки товарлар бериш шаклида (масалан, ногиронларга бепул дорилар, аравачалар, автомашиналар ва ҳ.к. бериш).

13- масала.

12- масаладаги маълумотлар асосида номолиявий корхоналарни "даромаддан фойдаланиш" ҳисобини тузинг.

Бизга маълумки "Номолиявий корхоналарда" пировард истеъмол харажатлари қилинмайди. Шунинг учун "ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш" ҳисобидаги ялпи ихтиёрдаги даромад кўрсаткичининг қиймати, ялпи жамғариш кўрсаткичининг қийматига тенг бўлади. Шундай қилиб ҳисоб қуйдагича тузилади:

Фойдаланиш	Ресурслар
Пировард истеъмол харажатлар Ялпи жамғариш= 346.3	Ялпи ихтиёрдаги даромад= 346.3

14- масала.

13- масаладаги ялпи жамғариш кўрсаткичи билан бирга қуйидаги маълумотлар асосида ялпи миллий жамғариш кўрсаткичини ҳисобланг(шартли бирликда).

Пировард истеъмол харажатлари:

— уй хўжалигининг=900.4

— давлат бошқарув идораларининг=650.6

Бундан:

— индивидуал товар хизматлар истеъмол харажатлари=275.5

— жамоа хизматлар истеъмол харажатлари=375.0

— уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар харажатлари=75.5

Ечими:

Бутун иқтисодиётни пировард истеъмол харажатлари ғенг=уй ҳўжалигининг пировард истеъмол харажатлари + давлат бошқарув идораларнинг истеъмол харажатлари + уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорий ташкилотларни пировард истеъмол харажатлари = 900.4 + 650.6 + 75.5 = 1626.5

Шундай қилиб ялпи жамғарма = ялпи миллий ихтиёрдаги даромад-иқтисодиётнинг пировард истеъмол харажатлари =1704.3-1626.5 = 77.8, яъни Ялпи жамғарма = 77.8.

Натурал шаклдаги даромадларни қайта тақсимлаш жараёни МҲТнинг алоҳида ҳисобида акс эттирилади. Унинг тархи қуйидагича:

V. Натурал шаклда даромадларни қайта тақсимланиш ҳисоби

Фойдаланиш	Ресурслар
3. Натурал шаклдаги ижтимоий трансфертлар (тўланган) 4. Тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромад (1+2+3)	1. Ихтиёрдаги даромад 2. Натурал шаклдаги ижтимоий трансфертлар (олинган)
Жами фойдаланиш	**Жами ресурслар**

Маълумки, иқтисодиёт секторларининг барчаси натурал шаклдаги трансфертларни олувчи ёки тўловчиси эмаслар. Ижтимоий трансфертларни олувчи - уй хўжалиги сектори бўлса, тўловчилари давлат бошқарув органлари сектори билан уй хўжалигига хизмат қилувчи нотижорат сектордир. Корпорациялар (молиявий ва номолиявий) натурал шаклдаги ижтимоий трансфертларни олувчиси ҳам, тўловчиси ҳам эмасдир.

Агар уй хўжалиги ихтиёрдаги даромадга натурал шаклдаги ижтимоий транфертларни қўшсак, МҲТ нинг яна бир муҳим агрегати-тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромад ҳосил бўлади. Бу оқим уй хўжалигига келадиган барча тушумларни ифодалаб, уларни (уй хўжалигининг) истеъмол қилиш имкониятини ҳам, жамғарма қилиш имкониятини ҳам акс эттиради. Шундай қилиб, **тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромад** кўрсаткичи аҳолининг турмуш даражаси ўзгаришини таҳлил қилишда катта аҳамиятга эга. Айниқса, иқтисодиёт тижорат-

лашган пайтда аҳолига кўрсатилган бепул ижтимоий – маданий хизматлар камая бориши натижасида, ихтиёрдаги даромад (пуллик) динамикаси турмуш даражасини баҳолашда нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин.

Давлат бошқарув органлари секторининг тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромади уларнинг ихтиёридаги пуллик даромади билан уй хўжалиги секторига берадиган натурал шаклдаги ижтимоий трансфертлар фарқига тенг. Худди шу тарх орқали уй хўжалигига хизмат қиладиган нотижорат муассасалари секторининг тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромади аниқланади.

Шундай қилиб, иқтисодиёт барча секторларнинг тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромади, уларнинг пул шаклидаги ихтиёрдаги даромадлари йиғиндисига тенг. Тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш алоҳида ҳисобда қайд этилади. Қуйида шу ҳисоб тархини келтирамиз.

VII. Тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш ҳисоби

Фойдаланиш	Ресурслар
2.Ҳақиқий пировард истеъмол 3. Жамғариш (1-2)	1. Тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромад
Жами фойдаланиш	**Жами ресурслар**

Ҳақиқий пировард истеъмолга пировард истеъмол ва натурал шаклдаги ижтимоий трансфертларга (олинган - берилган) кетган харажатлар киради.

Уй хўжалигининг ҳақиқий пировард истеъмоли уларнинг пировард истеъмоли харажатлари билан давлат бошқарув органлари ва уй хўжалигига хизмат кўрсатадиган нотижорат муассасалардан олинган натурал шаклдаги ижтимоий трансфертлар йиғиндиси орқали аниқланади.

Давлат бошқарув органларининг ҳақиқий пировард истеъмоли уларнинг пировард истеъмол харажатларидан уй хўжалигига берган натурал шаклдаги ижтимоий трансферт харажатларини айирганига тенг. Бошқа сектор ҳақиқий пировард истеъмолга эга эмасдир. Молиявий ва номолиявий корпорациялар, умуман, пировард истеъмол харажатларига эга эмаслар (бу уларни функцияси эмас). Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат муассасаларининг пировард истеъмол харажатлари

мавжуддир, уларни индивидуал пировард истеъмол, деб қаралади. Шунинг учун бу муассасаларнинг ҳақиқий пировард истеъмоли нольга тенг бўлади.

Яна шуни эслатиб ўтамизки, уй хўжалиги ва давлат бошқарув органлари секторларининг ҳақиқий пировард харажатлари йиғиндиси билан уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат муассасалари пировард истемол ҳаражатлари йиғиндиси ўзаро тенг бўлади. Бошқача қилиб айтганда, миллий иқтисодиёт учун пировард харажатлар йиғиндиси билан ҳақиқий пировард истеъмол харажатлари йиғиндиси ўзаро тенгдир.

Ҳисобни баланслаштирувчи модда – жамғарма. У пул шаклидаги "ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш ҳисобининг баланслантирувчи моддаси" билан мос келади.

15- масала.

15- масаладаги маълумотлардан фойдаланиб уй хўжалиги ва давлат бошқарув идораларининг хақиқий охирги истеъмол харажатлар қийматини ҳисобланг.

Ечими:

Уй хўжалиги ҳақиқий пировард истеъмол харажатлари уй хўжалигининг пировард истеъмол харажатлари (1200.4), натура ҳолида жорий ижтимоий трансфертлар, яъни, давлат бошқарув идораларининг индивидуал товар ва хизматлар истеъмол харажатлари (275.5), уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг жами харажатлари (75.5) йиғиндисидан иборатдир.

Шундай қилиб, уй хўжалигини ҳақиқий пировард истеъмол харажати тенг: 1200.4+275.5+75.5=1551.5 (шарт. бирлик.)

Давлат бошқарув идораларининг ҳақиқий пировард истеъмол харажатлари, ўзининг жамоа хизматлари харажатига тенг (375.0).

Шундай қилиб бутун иқтисодиётни ҳақиқий пировард истеъмол харажати тенг (1551.5+375)=1926.5, яъни бутун иқтисодиётнинг пировард ҳақиқий истеъмол харажатлари 1926.5 шартли бирликка тенг бўлади.

3.2. Жамғарма ҳисоблари

Энди жамғарма ҳисобларини кўриб чиқайлик. Бу гуруҳнинг биринчи ҳисоби - капитал устида амаллар ҳисобидир. Унинг схемаси қуйидагича келтирилган.

Капитал устида амаллар ҳисоби

Ресурслар	Фойдаланиш
4. Асосий капитал ялпи жамғармаси 5. Моддий айланма маблағлар захирасининг ўсиши 6. Соф олинган қимматбаҳо нарсалар 7. Ер ва бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари активларни сотиб олиш 8. Соф кредитлаш/соф қарздорлик (1+2-3-4-5-6-7)	1. Жамғарма 2. Капитал трансфертлар (олинган (+)) 3. Капитал трансфертлар (тўланган (-))
Жами фойдаланиш	**Жами ресурслар**

Бу ҳисобда олинган номолиявий активларнинг (асосий фондлар) ва мавжуд асосий фондларнинг жамғариш ва капитал трансфертлар ҳисобига ўзгариши акс эттирилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳисоби капитал харажатларнинг молиялаш манбаларини ва уларнинг турли хил сарфлашларда ишлатилишини кўрсатишга мўлжалланган. Капитал харажатларни молиялашнинг асосий манбаи-жамғарма (ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш ҳисобини баланслантирувчи моддаси). Бошқа манба - капитал трансфертлар, яъни бир бора тақсимланадиган тўловлардир. Масалан, давлат бюджетидан корхоналарга бериладиган капитал маблағ кўринишидаги ёрдам, хусусийлаштириш жараёнида бериладиган капиталлар ва бошқа асосий фондларнинг қийматлари киради.

Моддий айланма маблағлар заҳирасининг ўсиши(камайиши) - бу хом-ашё, материаллар, ёқилғи, асбоблар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр, лекин сотилмаган маҳсулотлар ва шу кабилар заҳирасининг ўсишидир.

Соф олинган қимматбаҳо буюмларга сотиб олинган (сотилганларни айирган ҳолда) қимматбаҳо предметлар - зргарлик буюмлари, санъат асарлари, ноёб буюмлар, тилла ва бошқа қимматбаҳо металлар ва шуларга ўхшаш, ўз қийматини узоқ вақтгача сақлай оладиган нарсалар киради. Қимматбаҳо нарсалар ҳам юридик шахслар, ҳам физик шахслар томонидан, уларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол учун эмас, балки активларини инфляциядан сақлаш учун сотиб олинади.

Ер ва ишлаб чиқаришдан ташқари активларни сотиб олишга, ер участкаларини сотиб олишдан ташқари номоддий ноиш-

лаб чиқариш активлари - патентлар, лицензиялар, муаллифлик ҳуқуқи ва шу кабиларни сотиб олиш киради.

Соф кредитлаш/ соф ўзлаштириш қарздорлик - ҳисобининг балансланлантирувчи моддаси бўлиб, харажатларини молиялаштириш учун бир секторни башқа секторга қайтариш шарти билан берадиган, молиявий ресурслар ҳажмини акс эттирувчи кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич капитал харажатларни молиялаштириш учун, қайтариб бериш шарти билан, секторнинг бошқа секторларидан олган (ўзлаштирган) молиявий ресурслар ҳажмини ҳам кўрсатиши мумкин.

Бу гуруҳнинг иккинчи ҳисоби - молиявий ҳисобидир. Ҳисобнинг ўнг томонида молиявий мажбуриятларга тааллуқли амаллар қайд қилинса, чап томонида молиявий активларни олганлик билан боғлиқ амаллар қайд қилинади. Молиявий ҳисобининг схемаси қуйидагича:

16- масала.

Қуйидаги бирликда берилган маълумотлар асосида "Номолиявий корхоналар" секторининг «Капитал билан операциялар" ҳисобини тузинг:

Давлат бюджетида капитал қурилишга олинган маблағ-75.0;

Капитал қурилиш харажати - 25.0;

Асбоб ускуналар сотиб олиш харажати - 50.0;

Ишлаб чиқариш хомашё заҳирасининг ҳисобот давирдаги ўзгариши (боши ва охирида) 10 ва 12;

Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажати ўзгариши - 5;

Тайёр маҳсулотларни ҳисобот даврдаги заҳирасининг ўзгариши (боши ва охирида) 10 ва 20;

Ечими:

Асосий капитал(фондлар)нинг ялпи жамғармаси қуйидагича ҳисобланади:

Капитал қурилиш харажати (25) + асбоб ускуналар сотиб олиш харажати (50) = 25 + 50 =75.

Шундай қилиб, асосий капитални ялпи жамғармаси 75 шартли бирликка тенг бўлди.

Моддий ишлаб чиқариш айланма маблағлари заҳирасининг ўзгариш қиймати қуйидагиларнинг йиғиндисидан иборат:

Ишлаб чиқариш хомашё заҳирасининг ўзгариши (12-10) + тугалланмаган ишлаб чиқариш хажмининг ўзгариши (5) + тайёр маҳсулотларни ҳисобот даврдаги заҳираси ўзгариши (20-10)= =2+5+10=17.

Асосий капиталнинг ялпи жамғармаси = 75 + 17 = 92.

"Номолиявий корхоналар" секторининг ялпи жамғармаси 346.3 шартли бирликка тенг (14- масаладан олинади).

Ҳисобни балансланттирувчи кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

Ялпи жамғарма (346.3) + Олинган капитал трансферт (75) - асосий капиталнинг ялпи жамғармаси (92) = 329.3.

Юқорида ҳисобланган кўрсаткичлар асосида номолиявий корхонанинг "Капитал билан операция" ҳисобини тузамиз.

Фойдаланиш	Ресурслар
3. Асосий капитал жамғармаси=2 4. Асосий (фондлар) ялпи жамғармаси=75 5. Моддий ишлаб чиқариш айланма маблағлар заҳирасининг ўзгариши=17. 6. Соф кредит=329.3	1. Ялпи жамғарма=346.3 2. Олинган капитал трансферт=75
Жами (3 + 5) = 421.3	**Жами (1 + 2) = 421.3**

17- масала.

Соф кредит ёки соф қарз кўрсаткичларини қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб ҳисоблашни кўриб чиқамиз (шартли бирликда)

Ялпи асосий капитал жамғариш = 316.2

Моддий айланма маблағларни заҳирасини ўзгариши= -19.1.

"Ташқи дунё"дан олинган капитал трансфертлар=16.8

"Ташқи дунё" га берилган капитал трансфертлар =15.7.

14- масалада ялпи миллий жамғариш 346.3 шартли бирликка тенг эди.

Ечими:

Ялпи миллий жамғариш (346.3) + "Ташқи дунёдан олинган капитал трансферт (16.8) - "Ташқи дунёга берилган капитал трансферт (15.7) - Моддий айланма маблағлар заҳирасининг ўзгариши (17.0) – Асосий фондлар ялпи жамғармаси (75)

Юқоридаги арифметик амалларни ҳисоблаймиз, натижа мусбат (+) бўлса, у ҳолда соф кредит бўлади, агар манфий (-) бўлса, соф қарз бўлади.

346.3+16.0-15.7-75-17=+254.6

Шундай қилиб соф кредит кўрсаткичи 254.6 га тенг бўлади.

18- масала.

Номолиявий хизмат кўрсатувчи корхона уй хўжалигига хизмат кўрсатиб 750 шартли бирликда тушим олди. Бу опера-

цияни МҲТнинг ҳисобларидан бўладиган операциялар орқали кўриб чиқамиз.

Ечими:

Номолиявий корхоналарда ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот қийматининг ишлаб чиқариш ҳисобини ялпи маҳсулот ва хизматлар қийматида ифодаланса, моддий айланма маблағлар заҳирасининг ўзгариш қиймати эса капитал операция ҳисобида, уй хўжалигини пировард истеъмол учун сотиб олган товар ва хизматлари қиймати эса, уй хўжалиги секторини даромаддан фойдаланиш ҳисобини пировард истеъмол кўрсаткичида ифодаланади. Товар ва хизматларни мулк мақомига эгалик қилиш операцияси молия ҳисоби билан корреспонденсиялашади.

Шундай қилиб, масаланинг талаби МҲТнинг счетларида қуйидагича ёзилади :

19- масала.

Молия корхоналарининг шартли кўрсатган хизматларини (МКШХ) қуйидаги маълумотлар асосида ҳисобланг:

Жалб қилинган депозитлар ва бериладиган ссудалар ресурси 5000 шартли бирликда (Р)

Жалб қилинган депозитлар фоиз ставкаси 8% ($Т_1$)

Бериладиган ссудаларнинг фоиз ставкаси 12% ($Т_2$)

Ечими:

Молия корхоналарининг шартли кўрсатган хизматларини берилган ссудалар фоиз ставкасидан ($Т_2$), жалб қилинган депозитлар фоиз ставкаларининг ($Т_1$) фарқи орқали қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

Кўрсаткичлар	Номолиявий корхоналар сектори		Уй хўжалиги сектори	
	Фойдаланиш	Ресурслар	Фойдаланиш	Ресурслар
1. Ишлаб чиқариш счети: 1.1 Ялпи маҳсулот ва хизматлар 1.2. Ялпи қўшилган қиймат	750	750		
2. Даромаднинг шаклланиш счети: 2.1. Ялпи қўшилган қиймат 2.2. Ялпи фойда	750	750		
3. Даромадни бирламчи тақсимланиш ҳисоби: 3.1. Ялпи фойда		750		

Кўрсаткичлар	Номолиявий корхоналар сектори		Уй хўжалиги сектори	
	Фойдаланиш	Ресурслар	Фойдаланиш	Ресурслар
3.2. Бирламчи даромад қолдиғи	750			
4. Даромадни иккиламчи тақсимланиш ҳисоби: 4.1. Бирламчи даромад қолдиғи 4.2. Ихтиёрдаги даромад	750	750		
5. Даромаддан фойдаланиш счети: 5.1. Ихтиёрдаги даромад 5.2. Пировард истеъмол харажат 5.3. Ялпи жамғарма	750	750	750 750	
6. Капитал билан операция ҳисоби: 6.1. Ялпи жамғарма 6.2. Соф кредит (+) (соф қарз) (-)	750	750	750	750
7. Молия ҳисоби: соф кредит (+) (соф қарз) (-) 7.1. Мавжуд пуллар ва депозитлар	750	750	750	750

Молия ҳисоби

Фойдаланиш	Ресурслар
8. Монеталар олтин ва махсус қарз олиш ҳуқуқи	1. Соф кредитлаш/соф ўзлаштириш қарздорлик
9. Депозитлар ва нақд пуллар	2. Депозитлар ва нақд пуллар
10. Қимматбаҳо қоғозлар (акциядан ташқари)	3. Қимматбаҳо қоғозлар (акциядан ташқари)
11. Акциялар	4. Акциялар
12. Заёмлар ва қарзлар	5. Заёмлар ва қарзлар
13. Суғурта компанияларининг техник резервлари	6. Суғурта компанияларининг техник резервлари
14. Бошқа дебиторлик ва кредиторлик қарзлари	7. Бошқа кредиторлик ва дебиторлик қарзлари
Жами фойдаланиш	**Жами ресурслар**

$$МКШХ = \frac{(T_1 - T_2)}{100} = \frac{(12-8)\cdot 5000}{100} = \frac{60000-40000}{100} = \frac{20000}{100} = 200$$

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, молиявий ҳисобларда молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг ўзи эмас, балки уларнинг маълум вақт давомида ўзгариши қайд қилинади. Молиявий инструментлар устидаги баъзи бир амаллар ресурсларнинг

ва фойдаланишнинг турлича моддаларида акс эттирилади. Масалан, ҳисобнинг ўнг томонида қайд қилинувчи олинган заём чап томонидаги "Депозит" моддасиниг кореспондент ёзуви ўзгариши (ўсиши)га олиб келиши мумкин. Чунки, баъзи бир амаллар молия ҳисобларининг бир томонидаги моддаларида акс эттирилиши ҳам мумкин. Масалан, чап томонда қайд қилинувчи заёмни бериш амали шу томондаги модда - депозит камайиши ҳақидаги корреспондент ёзувида ифодаланади.

Ниҳоят, бу гуруҳнинг учинчи ҳисоби - актив ва пассивдаги бошқа ўзгаришлар ҳисоби - актив ва пассивлар қиймати тавсифлари ғайри оддий ҳодисалар: ҳалокатлар, урушлар, ёнғинлар ва шу кабилар натижасида ўзгаришини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Ушбу ҳисоб тархи қуйидагича:

Актив ва пассивлардаги бошқа ўзгаришлар

Фойдаланиш	Ресурслар
2. Фавқулодда ҳодисалар туфайли пассивлар қийматининг ўзгариши	1. Фавқулодда ҳодисалар туфайли активлар қийматининг ўзгариши
Жами фойдаланиш	**Жами ресурслар**

Энди, активлар ва пассивлар баланси ҳисоби схемасини кўриб чиқайлик. Бу ҳисоб қаралаётган давр боши ва охирида тўлдирилиб, мавжуд ресурслар (активлар), молиявий мажбуриятлар, ҳамда соф шахсий капиталнинг қиймати ва таркибини тавсифлайди.

Актив ва пассивларнинг давр бошидаги баланси

Пассивлар	Активлар
3.Молиявий мажбуриятлар 4.Шахсий капиталнинг соф қиймати (1+2-3)	1.Номолиявий активлар 2.Молиявий активлар
Жами пассивлар	**Жами активлар**

Шахсий капиталнинг соф қиймати — ушбу ҳисобнинг балансловчи моддадир. Агар барча иқтисод секторларининг шахсий капиталининг соф қийматини қўшсак, МҲТ нинг яна бир агрегати - миллий бойликка эга бўламиз. Йил боши ва охирида актив ва пассивлар балансини тузиш миллий бойлик кўпайганини (камайганини) аниқлаш имконини беради, ҳамда активлар ва пассивларнинг

ташкилий ўзгаришини кўрсатади. Масалан, ушбу маълумотлар номолиявий ва молиявий активларнинг умумий хажмдаги улуши қандай ўзгарганини кўрсатади.

Маълумки, иқтисодиётда бирор секторнинг активи бошқа бир секторнинг молиявий мажбуриятларидир (монитар олтиндан ташқари). Агар бошқа мамлакатлар билан алоқани назарга олмасак, миллий иқтисод даражасида ушбу моддалар бир-бирларини ейишади. Лекин ҳақиқатда баъзи бир молиявий активлар норезидентларнинг пассиви бўлиши мумкин ва аксинча, резидентларнинг баъзи бир мажбуриятлари норезидентларнинг молиявий активлари бўлиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, миллий бойлик номолиявий активлар устига молиявий активлар (бошқа давлатларнинг мажбуриятлари бўлган) билан резидентларнинг бошқа давлатлар резидентлари олдидаги молиявий мажбуриятлари фарқини (орттирмасини) қўшиш натижасида аниқланади.

3.3. Иқтисодий тармоқлар ва амаллар ҳисоблари

Юқорида айтиб ўтганимиздек, МҲТда секторнинг ҳисобларидан ташқари, иқтисодиёт тармоқлари учун ҳам ҳисоблар кўзда тутилган. Ҳар бир тармоқ учун иккита ҳисоб тузилади: ишлаб чиқариш ҳисоби ва даромадларнинг шаклланиш ҳисоби. Уларни тузилиши секторларнинг мос ҳисоблари тузилиши билан бир ҳолдир.

Ва ниҳоят, МҲТ да энг муҳим иқтисодий амаллар учун ҳам ҳисоблар гуруҳи кўзда тутилган, булар - товарлар ва хизматлар ҳисоби. Ташқи дунё (ташқи иқтисодий алоқалар) ҳисоблари.

Ушбу ҳисобнинг бир томонида товар ва хизматларнинг барча ресурслари (маҳсулот ишлаб чиқариш ва импорт) қайд қилинса, бошқа томонида ресурслардан турли мақсадларда фойдаланиш акс эттирилади.

Товарлар ва хизматлар ҳисоби

Фойдаланиш	**Ресурслар**
4. Оралиқ истеъмол	1. Маҳсулот ишлаб чиқариш
5. Пировард истеъмол	2. Импорт
6. Ялпи жамғарма	3. Маҳсулотга соф солиқлар
7. Экспорт	
Жами фойдаланиш	**Жами ресурслар**

Товарлар ва хизматлар ҳисоби ЯИМ ни икки хил усулда ҳисоблаш имконини беради: пировард фойдаланиш усули ва ишлаб чиқариш усули.

Пировард фойдаланиш усули билан ЯИМ пировард фойдаланишнинг барча моддаларининг йиғиндиси билан импорт фарқи натижаси орқали аниқланади, яъни, пировард истеъмол ялпи жамғарма ва экспортлар йиғиндисидан импорт айирилади.

Ишлаб чиқариш усули билан аниқланган ЯИМ, маҳсулот ишлаб чиқариш билан оралиқ истеъмол фарқига, маҳсулотга берилган соф солиқлар миқдорини қўшганга тенг. Ҳисобда маҳсулот ишлаб чиқариш асосий баҳода баҳоланган, деб фараз қилинади. Агар маҳсулот ишлаб чиқариш ишлаб чиқарувчи баҳосида баҳоланса 3-модда "Қўшилган қиймат солиғи ва импорт солиғидан импортга субсидия айирилган" деган шаклни олади. Бу ҳолатда ишлаб чиқариш усули билан аниқланган ЯИМ ишлаб чиқариш (ишлаб чиқарувчи баҳосида) билан оралиқ истеъмол фарқига ҚҚС ва импорт солиғидан импортга субсидия айирмаси қўшилганига тенг бўлади.

Ташқи операциялар ҳисоби (счети)
(«Ташқи дунё»)

Ташқи иқтисодий алоқалар – бу халқаро муносабатлар миқёсида пайдо бўлувчи иқтисодий муносабатлар бўлиб, товар ва хизматлар экспорти ва импорти, интелектуал мулк ҳуқуқи, шу давлатнинг иқтисодий худудида юридик шахслар (норезидентлар) билан, ҳамда чет эл резидентлари билан ҳамкорликда қўшма тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолиятларини ифодалайди.

МХТда ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти натижалари қуйидаги счетларда тавсифланади: товар ва хизматлар счети; бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар счети; капитал операциялар счети, молиявий счет ва активлардаги бошқа ўзгаришлар счетларидан ташкил топган ташқи жамғарма счети. Замонавий босқичда МХТ унсурларини жорий қилишда товар ва хизматлар, бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар, капитал билан операциялар ҳисобларини шакллантиришнинг умумий услубий тамойиллари ишлаб чиқилган.

«Ташқи дунё» сектори мамлакат резидентлари институционал бирликлари билан операцияларни амалга оширувчи норезидентлар бирлигидан ташкил топади. Унинг счетлари шу мамлакат миллий иқтисодиётини «Ташқи дунё» иқтисодиёти билан боғловчи

иқтисодий муносабатларнинг умумлашган ҳолатини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, МХТ нинг «Ташқи дунё» сектори счетларида шу мамлакат резидентлари ва норезидентлари ўртасидаги барча операцияларни акс эттиради.

«Ташқи дунё» секторининг барча счетлари норезидентларнинг нуқтаи назаридан ташкил этилади. Шунинг учун бу счетларнинг «Ресурслар» томонида норезидентларнинг резидентлардан олган, «Фойдаланиш» томонида норезидентларнинг резидентларга ўтказадиган иқтисодий қиймати кўрсатилади.

Шу мамлакат норезидентлари ва резидентлари ўртасидаги жорий операциялар товар ва хизматларнинг ташқи иқтисодий счетида ҳамда бирламчи даромадлар ва жорий трансфертларнинг ташқи иқтисодий счетида акс эттирилади.

Товар ва хизматлар билан ташқи операциялар ҳисоби схемаси

Фойдаланиш	Ресурслар
Товар ва хизматлар экспорти Товар ва хизматлар сальдоси	Товар ва хизматлар импорти

«Ресурслар» қисмида шу мамлакат товар ва хизматларнини импорт қилганлиги натижасида бошқа мамлакатларнинг олган жорий даромадлари операцияси кўрсатилади. «Фойдаланиш» қисмида товар ва хизматларни экспорт қилиш натижасида бошқа мамлакатларнинг шу мамлакатга даромадларни ўтказганлиги акс эттирилади.

Товар ва хизматларнинг экспорт ва импорти қуйидагилардан ташкил топади:

— «мавжуд» товарларни экспорт ва импорти;

— моддий ва номоддий хизматлар экспорт ва импорти.

«Мавжуд» товарларга тижорат битимлари натижасида амалга ошириладиган тўғридан тўғри товар айирбошлаш ва бошқа етказиб бериш турлари мансубдир. Бундан ташқари бу қисмга тўлов воситаси сифатида фойдаланилмайдиган номонетар олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металлар; БМТ техник ёрдам фондига беғараз ёрдам тариқасида етказиладиган товарлар; қувурлар орқали етказиб бериладиган электр энергияси, сув, нефть, газлар; муомалада бўлмаган қимматли қоғоз, банкнот ва тангаларни олиб чиқиш ҳамда айрим бошқа товарлар киради.

Хизматлар экспорти ва импорти қуйидагиларни ўз ичига олади:

— транспорт, қишлоқ хўжалиги ва алоқа хизматлари;

— автомобиль ва мотоцикларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;

— ҳисоблаш техникаси, ноширлик ишлари хизмати;

— қурилиш хизматлари;

— суғурта соҳасидаги хизматлар;

— молиявий хизматлар;

— дам олиш, туризм, санъат ва спорт соҳасидаги тадбирлар учун хизматлар.

Экспорт ва импорт товарлар баҳоси фоб нархлари бўйича ишлаб чиқарилади. «Мавжуд» товарлар экспорти миллий моддий бойликлар заҳирасини камайтиради. «Мавжуд» товарлар импорти эса мамлакат моддий заҳирасини оширувчи восита сифатида қаралади.

Хизматлар ва товарларни ташқи иқтисодий ҳисоблар бўйича баланслаштирувчи модда бу - «хизматлар ва товарлар сальдоси» ҳисобланади. Ижобий баланслаштирувчи модда «Ташқи дунё» учун ижобий сальдо ва шу мамлакат учун эса салбий сальдони билдиради.

Бирламчи ташқи даромадлар ва жорий трансферт ҳисоби схемаси

Фойдаланиш	Ресурслар
Ташқи дунёдан олинади шу жумладан: иш берувчи норезидентларнинг ёлланма ишчи резидентларга иш ҳақи тўлаш ишлаб чиқаришга солиқлар (+) ишлаб чиқаришга субсидиялар (-) «Ташқи дунё» мулкидан олинган даромадлар «Ташқи дунё»дан олинган жорий трансфертлар	Хизматлар ва товарлар балансининг ташқи сальдоси «Ташқи дунё»га ўтказилади шу жулмадан: иш берувчи резидентларнинг ёлланма ишчи норезидентларга иш хақи тўлаш ишлаб чиқаришга солиқлар (+) ишлаб чиқаришга субсидиялар (-) мулк даромадларини «Ташқи дунё»га ўтказиш «Ташқи дунё»га ўтказилан жорий трансфертлар
Жорий операциялар бўйича сальдо	

Ушбу ҳисобнинг ресурслар қисмида қуйидаги операциялар ўз аксини топади:

— ёлловчи резидентларнинг ёлланма ишчи норезидентларга иш хақи тўлови;

— «Ташқи дунё»га ўтказилган (шу мамлакат резидентларнинг бошқа мамлакатларга қурилиш, транспорт воситалари, ер,

ишлаб чиқаришга тўлайдиган солиқлари) ишлаб чиқаришга солиқлар;

— «Ташқи дунёга ўтказилган» мулк даромадлари ўз ичига қуйидагиларни олади: шу мамлакатнинг хорижий давлатлардан ва хорижий фирмалардан олинган тижорат кредитлари; фоизлар тўлови счётида товарлар экспорти; акционерлик маблағлари учун норезедентларга тўланадиган дивидентлар ва бошқа даромадлар; Бошқа мамлакатларда ердан фойдаланганлиги учун соф рента тўлови; хорижий компаниялар даромадини қайта инвестиция қилиш.

Айрим моддаларнинг ресурслар қисмида «Ташқи дунё»га бериладиган трансферт тўловлари акс эттирилган. Уларга норезедентларнинг суғуртавий бадаллари, суғурталаш бўйича чет эл ташкилотларининг тўловлари; мулк ва даромад солиқлари тўлови; норезедетларга ижтимоий суғурта ажратмалари; норезедентларга тўланадиган ижтимоий таъминот кўмаги; уй хўжаликлари тўлайдиган мажбурий тўловлар ва йиғимлар киради.

Фойдаланиш бўлимида мавжуд операциялар тескари йўналишдаги молиявий оқимлар бўлиб, унда «Ташқи дунё» дан ундириладиган жорий трансферт ва мулкдан олинадиган даромадлар ҳамда ёлловчи норезедентларни ёлланма ишчиларга тўлайдиган иш ҳақи тўлови акс эттирилган.

Ушбу ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси бўлиб, уни кейинги ҳисоб (капитал операциялари ҳисоби) билан боғловчи «жорий операциялар сальдоси» моддаси ҳисобланади. Ижобий сальдода харажатлар бўйича жорий операциялар норезидентлар даромадлари ошганлигини кўрсатса, салбий сальдода эса бунинг акси намоён бўлади. «Жорий операциялар сальдо» си моддаси капиталлар билан операциялар ҳисоби орқали изоҳланади.

Капитал билан операциялар ҳисоби схемаси

Активлардаги ўзгаришлар	Мажбуриятлар ва соф хусусий капиталнинг ўзгариши
Соф ишлаб чиқариш номолиявий активларни эгаллаш	Жорий операциялар сальдоси
Соф кредитлаш (+) ёки соф ўзлаштириш (-)	«Ташқи дунё» дан олинган капитал трансфертлар (+) «Ташқи дунё»га ўтказилган капитал трансфертлар (-)

Капитал билан операциялар ҳисобининг ресурс қисмига «Ташқи дунё»га ўтказилган («минус» белгиси билан) ва ундан

олинган («плюс» белгиси билан) капитал трансфертлар жорий операцияси сальдоси киради. «Ташқи дунё»га ўтказилган капитал трансфертлар бошқа мамлакатлардан олинган инвестицияларга субсидияларни, капитал ва мулкга қўйилган номунтазам солиқ ва божларни, хорижий фуқаролардан меросга солиқ ва бошқа трансфертларни ўз ичига олади.

«Ташқи дунё»га ўтказилган капитал трансфертлар бошқа мамлакатларга беғараз ёрдам сифатида таклиф қилинган инвестиция учун субсидияларни, капиталга солиқларни (капитал ва мулкка номунтазам солиқлар ва божлар ва бошқалар), бошқа асосий фондлар ва тўловларни беғараз ўтказишни ўз ичига олади.

Олинган ва ўтказилган капитал трансфертлар даромад ва мулкка мунтазам солиқларни (улар жорий операциялар счетида жорий трансфертларга алоқадор) ва бошқа мамлакатлардан олинган ҳамда бошқа мамлакатларга ўтказилган капитал қўйилмаларнинг кредит суммасини (молиявий ҳисобда акс этади) ўз ичига олади.

«Фойдаланиш» қисмида («Активлардаги ўзгаришлар») соф ишлаб чиқариш, номолиявий активларни ўзлаштириш, ерни соф сотиб олиш ва патентлар, савдо белгилари, муаллифлик хуқуқи, ўрмон бойликлари сингари номоддий активларда ўз аксини топади.

Ушбу ҳисобнинг баланслаштирувчи қисми бўлиб «Соф кредитлаш (+)/ Соф ўзлаштириш (-)» ҳисобланади. Улар ресурслар ва фойдаланиш ўртасидаги фарқни акс эттиради ва ташқи жамғармага кирувчи молиявий ҳисобнинг бошланғич қисмини ташкил қилади.

Ташқи дунё сектори (ташқи иқтисодий алоқалар)

Масала 20.

Қуйидаги маълумотлар асосида «Ташқи дунё секторини тузинг.

Маълумотлар шартли бирликда;

импорт товарлари 1200

импорт хизматлари 400

экспорт товарлари 1200

экспорт хизматлари 600

Норезидентлар мамлакатимиз резидентларига қуйидагиларни берди:

бирламчи даромадлардан:

ёланган хизматчиларни меҳнат хақи - 10
ишлаб чиқариш ва импорт солиғи - 4
мулк даромади - 1200
бойлик ва даромад солиғи - 60
ижомоий суғурта ажратмаси - 10
ижтимоий нафақа - 10
бошқа жорий транфертлар - 60
капитал трансфертлар - 500

Мамлакат резидентлари норезидентларга қуйидагиларни берган:

бирламчи даромадлардан иш хақи кўринишида - 30
ишлаб чиқариш ва импорт солиғи - 4
мулк даромади - 200
бойлик ва даромад солиғи - 100
ижтимоий суғурта ажратмаси - 4
ижтимоий нафақа - 6
бошқа жорий трансфертлар - 90
капитал трансфертлар - 100

Ечилиши:

Резидентларнинг олган товарлари ва хизматлари импорти «Ташқи дунё» секторини товарлар ва хизматлар ҳисобини ресурс қисмида норезидентларни олган даромадлари деб қаралади. У вақтида резидентларни товарлар ва хизматлари экспорти норезидентларига берилган жорий даромади деб қараб товар ва хизматлар ҳисобини фойдаланиш қисмига ёзилади, сабаби (МХТ) да «Ташқи дунё» сектори ҳисоблари норезидентлари нуқтаи назаридан тузилади.

Шундай қилиб, «Ташқи дунё» секторини товарлар ва хизматлар ҳисоби қуйидаги кўринишда бўлади.

Фойдаланиш		Ресурслар	
Товарлар ва хизматлар экспорти	— 1800	Товарлар ва хизматлар импорти	— 1600
шу жумладан:		шу жумладан:	
товарлар экспорти	— 1200	товарлар импорти	— 1200
хизматлар экспорти	— 600	хизматлар импорти	— 400
товарлар ва хизматлар қолдиғи	— (-200)		

Норезидентларни мамлакат резидентларидан олган бирламчи даромадлари ва жорий трансфертлари «ташқи дунё» секторини «Бирламчи даромад ва жорий трансфертлар» ҳисобини ресурслар қисмида ифодаланади, резидентларни берган бир-

ламчи даромадлари ва жорий трансфертлари ҳисобини фойдаланиш қисмида кўрсатилади.

Шундай қилиб «Ташқи дунё» секторини бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлари ҳисоби қуйидаги кўринишда бўлади:

Фойдаланиш	Ресурслар
Норезидентлар резидентларни меҳнатига берилган ҳақи - 10	Товар ва хизматлар қолдиғи - (-200)
Резидентларни норезидентларга берган ишлаб чиқариш ва импорт солиғи - 4	Норезидентларни меҳнат ҳақи — 30
Резидентларни норезидентларга берган мулк даромади -1200	Норезидентларни олган ишлаб чиқариш ва импорт солиғи - 4
Резидентларни норезидетларга берган жорий трансфертлари (даромад ва мулк соли\и, ижтимоий суғурта ташкилотлари, ижтимоий халта ва бошқалар - 140	Норезидентларни олган мулк даромади —200
Жорий операциялар қолдиғи — (-1120)	Жорий трансфертлар (даромад ва бойлик солиғи, ижтимоий суғурта ажратмалари, ижтимоий ва бошқалар нафақаларини олган норезидентлар —200

Ташқи дунё секторини капитал операциялар ҳисобини «Мажбуриятларлардаги ўзгаришлар ва соф хусусий капитал қисмида норезидентларни олган ва берган капитал трансфертлар қийматлари мусбат (+) ёки манфий (-) ҳолда ифодаланилади. Норезидентларни олган соф тикланмайдиган номолиявий активлари ҳисобни «активлардаги ўзгаришлар қисмида» ифода этади.

Шундай қилиб «Ташқи дунё» секторини «Капитал операция ҳисоби» қуйидаги кўринишга эга.

Активлардаги ўзгаришлар	Мажбуриятлардаги узгаришлар ва соф хусусий капитал
Тикланмайдиган номолиявий активларни соф ўзлаштириши — 50 соф кредитлаш (+) соф қарз (-) (-1570)	Жорий операиялар қолдиғи (—1120) норезидентларни олган капитал трансфертлари — 100 норезидентларга берилган капитал трансфертлар — (-500) хусусий капитал қийматидаги ўзгариш — (-1520)

Миллий ҳисоблар тизимидаги атамалар қисқача луғати

1.Умумий атамалар

Бозор нархидаги ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — Мамлакадаги барча ишлаб чиқарувчилар бирлигининг ишлаб чиқариш фаолияти бўйича пировард натижасини ўзига акс эттиради. Бу кўрсаткич бутун иқтисодиёт бўйича умумий ишлаб чиқарилган ва ундан оралиқ истеъмол чегириб ташланган қўшилган қиймат солиғидан ташқари мамлакатлар маҳсулот импортига солинган соф солиқ қўшилган кўрсаткичдир.

Даромадлардан фойдаланиш ҳисоби — Мавжуд ялпи миллий даромад пировард миллий истеъмол ва ялпи миллий жамғариш учун қайтарзда ишлатилишини кўрсатади.

Даромадларни тақсимлаш ҳисоби — Даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ барча операцияларни ўз ичига олади (фоизлар, тақсимланадиган фойдалар, жорий трансфертлар). Бу ҳисоб иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасида рўй берадиган операцияларни ўз ичига олади.

Даромадларнинг шаклланиши ҳисоби — Ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тармоқлар ва секторлар доирасида гуруҳлаш имконияти бўлган операцияларни ифодалайди. Ресурслар-бозор баҳосида шаклланган ялпи қўшилган қиймат ва ёрдам пуллари (субсидиялар) дан иборат бўлади; Фойдаланиш эса — ишлаб чиқариш солиғи (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) ва иш ҳақини ўз ичига олади.

Жорий операциялар ҳисоби — Товарлар ва хизматларни харид қилиш ва сотиш, трансферт тарзидаги ўтказишлар, инвестиция билан боғлиқ фоизлар, дивидентлар ва бошқа даромадларни ҳамда нафақалар, иш ҳақи, элементларни ўтказиш сингари бошқа операциялардан келадиган даромадларни мамлакатлараро ҳаракатини акс эттиради.

Иқтисодий манфаат маркази — Турар жой, ишлаб чиқариш ёки бошқа бинолар жойлашган ҳудудда институцион бирлик ўзининг иқтисодий манфаат марказига эга бўлади. Бу ерга жойлашган марказ муаян аниқ ёки ноаниқ муддат давомида, ёки узоқ давр ичида кенг миқёсдаги иқтисодий фаолият ва операцияларда иштирок этиши ёки иштирок этиш ниятида бўлиши мумкин.

Институцион бирлик — Активларига мустақил мулкдорлик қилиш қобилиятига эга бўлган, ўз зиммасига мажбуриятлар ола

биладиган, бошқа шахслар билан иқтисодий фаолиятда ва операцияларда иштирок эта олувчи иқтисодий шахслар.

Ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ҳисоблашнинг "ишлаб чиқариш" услуби — кўрсаткич тармоқлар бўйича қўшилган қиймат, маҳсулотга соф солиқлар (яъни субсидиялар чегириб ташлангандан сўнг) ва импорт қилинган маҳсулот соф солиқлари қўшилган қиймат йиғиндиси сифатида белгиланади. Тармоқ қўшилган қиймати ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот билан оралиқ истеъмол ўртасидаги тафовутдан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш ҳисоби — бевосита ишлаб чиқариш жараёнига алоқадор операция (ҳаракат)ларни кўрсатади. Бу ҳисоб тармоқлар ва секторлар миқёсида олиб борилади. Ишлаб чиқариш ҳисобининг ресурс қисми маҳсулот ишлаб чиқаришни, фойдаланиш қисми эса оралиқдаги истеъмол ҳолатини ўз ичига олади.

ЯИМни ҳисоблашнинг "пировард истеъмол элементлари" услуби — уй хўжаликлари, давлат муассасалари, уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи хусусий ташкилотлар, пировард истеъмол билан боғлиқ сарф-харажатлар йиғиндиси ҳамда ялпи жамғармалар, маҳсулот ва хизматлар экспорти ва импортининг қолдиқлари йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

Квазикорпорация (ўткинчи корпорация) — Квазикорпорация: 1) институцион бирлик резидентига қарашли бўлиб, корпорациялашмаган корхонага ўхшайди, у алоҳида корхона шаклида бошқарилади ҳамда ўз мулкдорлари билан ўзаро муносабатда аслида (де факто), корпорация билан акциядорлар муносабатига ўхшайди; 2) институцион бирлик резидентига қарашли бўлмаган ва корпорациялашмаган корхона институцион бирлик тасарруфида бўлади, зеро у муаян иқтисодий ҳудудда узоқ ёки ноаниқ давр ичида ишлаб чиқариш билан банд бўлади.

Корпорация (бирлашма) — Корпорация юридик шахс бўлиб, бозор учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилади. Корпорация ўз эгаси (эгалари) учун фойда ва бошқа турдаги молиявий манфаат манбаи бўлиши мумкин. Корпорация акционерларнинг жамоа мулки бўлиб, умумий бошқарув кафолатига эга бўлган директор тайинлаш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Маҳсулотлар ва хизматлар ҳисоблар — иқтисодиёт бўйича жами ва тармоқлар доирасида умумий ресурслар (ишлаб чиқариш ва импорт) ҳамда товар ва хизматлардан фойдаланиш (икки давр ўртасида фойдаланиш, пировард истеъмол, асосий

фондларни ялпи жамғариш, моддий материаллар заҳирасининг ўзгариши, экспорт) ҳолатини кўрсатади.

Маблағ (капитал) сарф-харажатлар ҳисоби — Асосий ва айланма фондлар, номоддий активлар сотиб олиш сарф-харажатлари ҳамда уларнинг шаклланиш манбаига оид ташқи иқтисодий операцияларни ўзида акс эттиради.

Маблағ (капитал) харажатлари ҳисоби — Асосий оборот (айланма) фондлар, номоддий ва молия активларининг жамғарилиш жараёнини тавсифлаш ҳамда уларга сармоя ажратиш манбаларини ҳисобга олишга мўлжаланган.

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) — Макродаражада ўзаро боғланган, муайян ҳисоблар йиғиндиси ва баланси тарзида тузилган жадвал; иқтисодий фаолият, иқтисодиёт таркиби ва миллий хўжаликлардаги муҳим ўзаро алоқалар натижасини тавсифлайдиган ҳамда бозор иқтисодиётига мос келадиган кўрсаткичлар йиғиндиси.

Молия ҳисоби — Секторлардан турли молия активлари ва пасивларининг ўзгариш жараёнини қайд этади. Мамлакатнинг турли турдаги молия активлари ва пассивларининг "ташқи дунё" га нисбатан бўлган ўзгаришларини ифодалайди.

Номолиявий корпорация - Номолиявий ёки квазикорпорацияларнинг асосий фаолияти молиявий воситачилик ёки молиявий воситачилик бўйича ёрдамчи фаолиятдангина иборат бўлиб қолмайди.

Нотижорат ташкилотлар (НТТ) — Нотижорат ташкилотлар, ёки НТТ, юридик ва жамоатчи шахслардан иборат бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилади. Бу ташкилотлар ўз мақоми (статуси)га кўра, уларни ташкил этган назоратчи ва молия берувчи бирликлар учун даромад, фойда ёки бошқа турдаги молия манфаати манбаи бўла олмайдилар.

Резидентлик — Иқтисодий манфаатлар маркази у ёки бу мамлакат ҳудудига жойлашганда институцион бирлик ўз мамлакатининг ана шу мамлакатдаги резиденти ҳисобланади.

"Ташқи дунё" ҳисоби — Ташқи иқтисодий фаолият шаклида рўй берувчи ва фаолият натижаси қуйидаги тўрт ҳисобда — товарлар ва хизматлар ташқи ҳисоби; бирламчи даромадлар ва жорий трансфертларни ташқи ҳисоби; жамлашни ташқи ҳисоби (капитал ҳисоби, молия ҳисоби, активларда бошқа ўзгаришларни ҳисоби, қанча баҳолаш ҳисоби) активлар ва мажбуриятларни ташқи ҳисобларда ўз ифодасини топади ва турли мамлакатларнинг иқтисодий алоқасини тавсифлайди.

Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи тижорат ташкилотлар — бу ташкилотлар уй хўжалигига бепул ёки унча иқтисодий аҳамиятига эга бўлмаган нархларда маҳсулот етказиб берадиган ва хизмат кўрсатадилар.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) — ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулот (ялпи ички маҳсулот). Бундан четга чиқарилувчи соф маҳсулот чегириб ташланади ва унга четдан келтирувчи маҳсулотнинг бир қисми қўшилади.

2. Секторларга бўлишга боғлиқ асосий атамалар

Бошқа депозит корхоналар — ушбу кичик сектор марказий банкдан ташқари барча резидентлик молиявий корпорациялар ва квазикорпорацияларни ўз ичига олади. Бу корпорацияларни асосий фаолияти молиявий воситачилик бўлиб уларнинг пассивлари омонат шаклидаги қисқа муддатли депозит сертификатларидан иборатдир. Бу сертификалар кенг маънода пул массаси кўрсаткичи таркибига қўшилувчи омонатлар ўрнини босади.

Бошқа турдаги депозит корпорациялар -Бундай корпорациялар бошқа турдаги барча резидентлик депозит корпорациялар ва квазикорпорацияларни ўз ичига олади. Уларнинг пассивлари омонатлари, қисқа муддатли депозит сертификатларидан таркиб топади: омонатларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ҳамма вақт тезкорлик билан пул ўтказиш предмети бўла олмайди, қисқа муддатли депозит сертификатлар эса кенг маънода пул массаси кўрсаткичига киритилиб, омонатларнинг ўрнини босувчи восита саналадилар.

Давлат муассасалари сектори — Давлат муассасалари сектори қуйидаги резидент институцион бирликлар гуруҳидан иборат бўлади: марказий, регионал (ҳудудий) ва маҳаллий давлат бошқаруви бирликлари, бошқарувнинг барча даражасига мансуб ижтимоий таъминот жамғармалари, бозор муносабатларига алоқаси бўлмаган барча нотижорат ташкилотлар (НТТ). Бу ташкилотлар асосан давлат назоратида ва молиявий таъминотида бюджетдан таркиб топади.

Давлат номолиявий корпорациялари — тегишли давлат идоралари томонидан назорат остига олиниши зарур бўлган резидентлик номолиявий корпорациялар ҳамда квазикорпорациялар ана шундай корпорациялар таркибига киради. Корпорациялар устидан назорат деганда тегишли директорлар тайин-

лаш орқали корпорациялар сиёсатини белгилаш имконияти тушунилади.

Депозит пул корпорациялари — резидент депозит корпорациялар ва квазикорпорациларни ўз ичига олади. Бу корпорациялар биринчи талабга биноан тўланувчи омонатлар, чек ёки бошқа тўлов воситасида ўтказилувчи операциялар билан шуғулланади.

Ёрдамчи молия корпорациялар — бу кичик сектор фаолияти молиявий воситачилик билан яқиндан боғлиқ, аммо уларнинг ўзлари воситачи сифатида иштирок эта олмайдиган барча резидентлик корпорациялар ва квазикорпорациялардан таркиб топади.

Маҳаллий давлат муассасалари — Маҳаллий давлат муассасалари кичик сектор алоҳида институцион бирлик ҳисобланган маҳаллий давлат муассасаларидан ҳамда маҳаллий давлат муассасалари тамонидан назорат қилинувчи ва молия билан таъминланувчи нотижорат ташкилотлардан таркиб топади.

Марказий банк — Пул муассасаси ва айрим ҳолларда майда тангалар чиқарадиган ҳамда мамлакатнинг жами пулини ёки халқаро резервининг бир қисмини сақлайдиган, пул муомаласини ташкил этадиган ташкилот яъни давлат молия корпорацияси.

Марказий давлат муассасалари — кичик сектор марказий ҳукумат институцион бирликлари ҳамда марказий ҳукумат назорат қилувчи ва асосан молия билан таъминловчи нотижорат ташкилотлардан (НТТ) шаклланади.

Миллий хусусий номолиявий корпорациялар — бундай корпорациялар таркибига тегишли давлат идоралари томонидан назорат остига олинмайдиган резидентлик барча номолиявий ва квазикорпорациялар киради.

Молия корпорациялари сектори — кўпроқ молиявий воситачилик ёки молиявий воситачилик билан яқиндан боғланган молиявий фаолият билан шуғулланадиган барча резидент корпорациялари ва квазикорпорациялар молиявий корпорациялар секторини ташкил этади.

Молиявий воситачилик — бозордаги молия операцияларидан бирор молиявий манфаатга эга бўлиш мақсадида институцион бирликлар ўз устига олган муайян мажбурий ишлаб чиқариш фаолиятига тенглаштирилган фаолият.

Молиявий корхоналар — тизимда молия воситачилиги билан қаттиқ боғланган ҳолда, асосан молиявий воситачилик ёки ёрдамчи молиявий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар.

Номолиявий корпорациялар сектори — институцион бирликлар резидентларининг қуйидаги йиғиндисидан иборат: Ре-

зидентлик ва мулкдорлик шаклидан қатъий назар, барча резидентлик номолиявий корпорациялар; муайян иқтисодий ҳудудда узоқ муддатга мўлжаллаб тузилган барча хорижий номолиявий корхоналарнинг бўлинмалари ҳамда барча резидентлик номолиявий квазикорпорациялар; асосий фаолияти бозор учун маҳсулот чиқариш бўлган ёки номолиявий хизмат кўрсатадиган резидентлик нотижорат ташкилотлар (НТ).

Регионал (ҳудудий) давлат муассасалари — кичик сектор, алоҳида институцион бирликларни ташкил этувчи давлат регионал (ҳудудий) муассасалари ҳамда давлат муассасалари тамонидан назорат қилинувчи ва молия билан таъминланувчи регионал давлат муассасаларидан таркиб топади.

Суғурта корпорациялари ва нафақа жамғармалари — кичик сектор, резидент суғурта корпорациялари, квазикорпорациялар ва мухтор нафақа жамғармаларидан таркиб топади.

Суғурта корпорациялари ва нафақа жамғармаларидан ташқари бошқа молия воситачилари — кичик сектор, депозит корпорациялар, суғурта корпорациялар ва нафақа жамғармаларидан ташқари асосан молиявий воситачилик билан шуғулланувчи барча резидент корпорациялари ва квазикорпорацияларни ўз ичига олади.

Ташқи дунё — жумласига резидентлик бирликлари билан алоқада бўлувчи ёки турли турдаги иқтисодий алоқага кирувчи норезидент институтцион бирликлар киритилади.

Уй хўжалиги — муайян бир турар жойда истиқомат қилувчи, жами ёки бир қисм даромадлари ёки бойликларини умумлаштириб, муайян турдаги маҳсулот ва хизматларни, асосан уй-жой хизмати ва озиқ-овқат маҳсулотларини биргалида истеъмол қилувчи унча кўп бўлмаган одамлар гуруҳи.

Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар сектори — Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар сектори резидентли барча нотижорат ташкилотлар йиғиндисидан иборат бўлади, аммо бундан бозор учун ишлаб чиқарувчи нотижорат тащкилотлар ҳамда давлат бирликлари тамонидан назорат қилинувчи ва асосан молия билан таъминланувчи бозор муносабатларига алоқадор бўлмаган нотижорат ташкилотлар истисно. Унинг ресурслари асосан кўнгилли бадаллардан, уй хўжалиги хайр-эҳсонларидан ва мулкдан олинган даромаддан иборат бўлади.

Уй хўжаликлари сектори — сектор резидентли барча уй хўжаликларидан таркиб топади. Институцион бирлик деб тан

олинган айрим уй хўжаликлари ўз таркибига уй хўжаликларининг ва уларнинг мулки ажралмас қисми бўлган корпорациялашмаган корхоналарни ҳам киритади. Фақат квазикорпорацияларни ташкил этувчи уй хўжалиги корхоналаригина алоҳида институцион бирлик ҳисобланади.

Хорижий назорат остидаги номолиявий корпорациялар — Давлат идоралари ёки норезидент институцион бирликлар томонидан назорат қилинмайдиган резидентлик барча номолиявий корпорациялар ва квазикорпорациялар ана шундай корпорациялар жумласига киради.

3. Ишлаб чиқаришга боғлиқ асосий атамалар

Асосий капитал истеъмоли — Ишлаб чиқарувчида мавжуд бўлган асосий капитал жорий қийматининг ҳисобот даврида жисмоний ва одатдаги меъёрда маънавий эскириши, бахтсиз ҳодиса туфайли шикастланиши натижасида унинг камайиши асосий капитал истеъмоли деб аталади.

Асосий нарх — маҳсулот ёки хизмат бирлиги учун ишлаб чиқарувчи оладиган нарх. Барча турдаги ва фойдаланиладиган тўланиладиган солиқлар ёки сотиладиган маҳсулот ва хизмат учун олинадиган субсидиялар (молиявий ёрдам) бу нархдан чегириб ташланади. Ишлаб чиқарувчи мол етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш учун алоҳида қўшадиган сарфлар асосий нарх таркибига киритилмайди.

Асосий нархлар бўйича ялпи қўшилган қиймат — асосий нархларда баҳоланган ялпи маҳсулот қийматидан, харидор нархидаги оралиқ истеъмол қиймати чегириб ташланди.

Бозор ва бозорга оид бўлмаган ишлаб чиқарувчилар — Бозорга мўлжалланган маҳсулотнинг кўпгина қисмини ёки ҳаммасини ишлаб чиқарувчи ишхона ёки корхоналар -бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарувчилар деб аталади. Бозорга мўлжалланмаган маҳсулотнинг кўпгина қисмини ёки ҳаммасини ишлаб чиқарувчи ишхона ёки корхоналар - бозорга оид бўлмаган ишлаб чиқарувчилар деб аталади.

Бозор учун ишлаб чиқариш — қуйидагилардан таркиб топади: — айни бир даврда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган ҳамда ўз баҳоси билан айни шу маҳсулотга бўлган талабга катта таъсир кўрсатадиган товарлар ва хизматлар; айни бир даврда бартер усулида бошқа товарларга алмаштириш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар; айни бир пайтда ишлаб чиқарилиб, ўз ходимларига

меҳнат ҳақи ва натура шаклида бериладиган товарлар ва хизматлар; бир корхонада ишлаб чиқарилиб, айни шу корхонага қаровчи бошқа корхонага етказиб берилувчи товарлар ва хизматлар; бу корхонада айни шу пайтда ёки келажакда ишлатилиши мумкин товар ва хизматлар; - муайян бир даврда ишлаб чиқарилган, шу даврга оид тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланган тайёр маҳсулотлар; булар сотилгунга қадар, ёки бартер усулида алмашувга қадар, ходимларга иш ҳақи эвазига берилишдан ёки келгусида корхоналараро мол етказиб бериш режасига мувоффиқ ишлаб чиқарувчида моддий айланма воситалар заҳирасида қолдирилувчи тайёр маҳсулот.

Бозорга оид бўлмаган ишлаб чиқариш — Бозорга оид бўлмаган ишлаб чиқариш қуйидагилардан иборат бўлади: - айни шу даврда ишлаб чиқилган, ишхона ёки корхона соҳибларининг пировард истеъмолга ёки асосий капиталнинг ялпи жамғаришга мўлжаллаб қолдириладиган товарлар ва хизматлар; - уй хўжалиги доирасида ҳақ тўланадиган уй хизматчиси кўрсатадиган хизмат; уй хўжаликлари ва бозорга оид бўлмаган ишлаб чиқарувчилар тамонидан ўз биноларида фойдаланиладиган хизмат; айни пайтда ишлаб чиқиладиган ва пулсиз ёки талабга унча сезиларли таъсир кўрсатмайдиган баҳоларда бошқа институцион бирликларга етказиб бериладиган товар ва хизматлар ҳамда жамиятга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар; айни шу даврда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш; булар бозордан ташқари мақсадларда ишлатиладиган ва ишлаб чиқарувчининг моддий оборот воситалари заҳирасини тўлдиради.

Иқтисодий ишлаб чиқариш — институтцион бирлик назорати остида меҳнат ёки маблағ сарфи, товар ёки хизмат сарфи натижасида бошқа турдаги товар ва хизмат турини етказиб берадиган фаолиятдан иборат.

Ишлаб чиқариш — бозор ва бозорга оид бўлмаган ишлаб чиқариш йиғиндисидан таркиб топади.

Ишлаб чиқариш чегараси. Тизим таркибига қўшиладиган ишлаб чиқариш фаолияти қуйидагича таърифланиши мумкин: индивидуал (якка) ёки жамоа тарзда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш. Бу маҳсулот ва хизматлар уларни ишлаб чиқаришда иштирок этмаган бошқа бирликларга етказиб берилади. Ёки ана шу товар ва хизматлар ана шундай товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ишлатилади; Ишлаб чиқарувчилар ўзининг пировард истеъмолига қолдирилган ёки ишлаб чиқариш моддий оборот захирасини оширишда фойда-

ланиш учун ишлаб чиқариладиган барча товарлар; ўз эҳтиёжи йўлида пировард истеъмол талабини қондириш учун кўрсатиладиган хизмат. Бунинг таркибига уйда кўрсатиладиган ёки шахсий хизмат киритилмайди, чунки уй хўжалиги шароитида бундай хизматлар ўз истеъмоли учун яратилади. Аммо хизмат ишлаб чиқариш таркибига муайян хақ эвазига уй хизматчиси бажарган ишлар ҳамда ўз истиқомат жойига, яъни ўз турар жойига қилинган хизмат хажми қўшилади.

Ишлаб чиқарувчи нархи — етказиб берилиши мумкин бўлган маҳсулот ва хизмат сифатида ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарувчи тамонидан олинадиган товар ва хизмат бирлигининг нархи. Тўланиши зарур бўлган турли маҳсулот солиқлар (қўшилган қиймат учун олинадиган солиқдан ташқари), сотилган ва фойдаланилган маҳсулот учун олинган субсидиялар ҳам ишлаб чиқарувчи нархи таркибига киритилади. Ишлаб чиқарувчи мол етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш учун алоҳида қўшадиган чиқим-сарфлар у ишлаб чиқарувчи нархига қўшилмайди.

Ишлаб чиқарувчи нархи бўйича ялпи қўшилган қиймат — ишлаб чиқарувчи нархида баҳоланган ва ундан сотиб олувчи нархидаги оралиқ истеъмол қиймати чегириб ташлангач ҳосил бўладиган нарх.

Оралиқ истеъмол — ҳисобот даврида ўз шаклини ўзгартирган (трансформацияланган) ёки ишлаб чиқариш харажати сифатида бутунлай истеъмол қилинган товар ва хизматлар қиймати.

Сотиб олувчи нархи. Бу нарх сотиб олувчи томонидан тўланади, аммо ҚҚС ёки ана шунга ўхшаш солиқлар бундан истиснодир. Сотиб олувчи нархи барча транспорт ҳаражатларини ўз ичига олади. Сотиб олувчи томонидан алоҳида тўланадиган бу чиқим ҳарид қилинган нарса шартлашилган фурсатда белгиланган жойга етказиб берилишини кўзда тутади.

Товарлар — мулкчилик хуқуқи қўлланиши мумкин бўлган физик предмет (буюм)лар. Товарлар айни пайтда турли турдаги субъектларда эгалик қилиш хоҳишини уйғатувчи, талаб хиссини туғдирувчи предмет шаклида намоён бўлишлари керак.

Хизматлар — буюртма асосида тайёрланадиган турли предметлар бўлиб, ишлов бериш натижасида улар ўз ҳолатини истеъмолчининг талабига мос тарзда ўзгартиради. Бу ишни ишлаб чиқарувчи амалга оширади.

Чегириб ташланадиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) — Бу оралиқ истеъмоли, асосий капитални ялпи жамғариш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган ҳамда товар ва хизматлар сотиб олиш учун

тўланадиган қўшилган қиймат солиғидир. Бу солиқни ишлаб чиқарувчи давлатга тўламаслик ҳуқуқига эга, чунки у ишлаб чиқарувчининг мижози томонидан ҳисобга олинган.

Чегирилмайдиган қўшилган қиймат солиғи — сотиб олувчи томонидан тўланади ва бундай ҳол рўй берганда унинг ҚҚС тўлаш мажбуриятидан чегириб ташланмайди.

Қўшилган қиймат — ялпи қўшилган қиймат ишлаб чиқарилган қийматдан оралиқ истеъмол қийматини чегириб ташлаш натижасида пайдо бўлади. Соф қўшимча қиймат ишлаб чиқарилган маҳсулотдан оралиқ истеъмол қийматини ва ишлатилган асосий капитал қийматини чегириб ташлаш натижасида ҳосил бўлади.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) устига қўшиладиган солиқ — ишлаб чиқарувчи ўз савдосидан тўлаши шарт бўлган солиқ Бу солиқ счет-фактурада алоҳида кўрсатилади ва уни ишлаб чиқарувчи сотиб олувчига беради.

4. Бирламчи даромадларга боғлиқ асосий таърифлар

Бевосита хорижий инвестициядан реинвестиция қилинадиган даромадлар. Бевосита хорижий инвестиция корхонасида ҳосил қилинган омонат ёки тақсимланмаган фойда. Бундай даромадлар ё бўлинган, ёки нақд пулсиз корхона капиталидаги мулкда ўз улушига қараб бевосита чет эл сармоядорларига улуш тарзида бўлиб берилади. Бу маблағ сўнг реинвестиция қилинади.

Бирламчи даромадлар — институцион бирликлар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган активларга эгалик қилиш натижасида оладиган даромадлар.

Бирламчи даромадлар қолдиғи (сальдо) — институцион бирликлар ёки секторлар барча даромаддан тўлаши зарур бўлган тўлов суммаси чегириб ташлагандан сўнг қолган даромад йиғиндисидан иборат.

Дивиденд (фойда)лар — мулк даромаднинг бир тури. Акционерлар муайян мулкни корпорациялар тасарруфига бериш натижасида ана шундай дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ёлланма ходим — маълум шартлар асосида ёлланиб ишловчи. Корхона билан шахс ўртасида расмий ёки норасмий келишув мавжуд бўлган ҳолларда ёлланма ходим муносабати пайдо бўлади. Бундай келишув ҳар икки томон учун ихтиёрий

ҳисобланади ва ёлланувчи шахс муайян пул ёки натура шаклидаги ҳақ эвазига корхона учун меҳнат қилиши зарур.

Ёлланма ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш — корхона томонидан ёлланган меҳнат ходимларига ҳисобот даврида улар қилган иш эвазига пул ва натура шаклида кўрсатиладиган барча рағбатлантириш.

Ёлловчилар ва ўзи учун ишлайдиган шахслар — Муайян ҳақ эвазига ишлайдиган ёлланма ходимлар билан ўзини ўзи банд этувчи шахслар ёлловчилар деб аталади, муайян ҳақ эвазига ишламайдиган ва ёлланма ходимлари бўлмаган шахслар эса ўзи учун ишлайдиган шахслар деб аталади.

Ер ости бойликлари рентаси — шахслар ва давлат бирликларига қарашли конлардан маълум вақт давомида муайян хақ эвазига бошқа институцион бирликлар фойдаланиши учун берилган рухсатнома (лицензия) га тўланадиган хақ.

Ер рентаси — Ижарачи ихтиёрига берилган ердан фойдаланиш учун заминдор оладиган даромад.

Ижтимоий суғурта учун ишга ёлловчилар ажратмаси. Ижтимоий суғуртага ажратма ишга ёлловчилар томонидан аслида рўй берган ёки шартли тарзда ёлловчи тўлайдиган (ажратадиган) ижтимоий суғурта маблағидан иборат бўлади.

Импорт солиқлари қуйидагилардан таркиб топади: товар аслида худудий ёки божхона чегарасидан ўтиб, иқтисодий маконга етиб келганда маҳсулотга (қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно) солинадиган солиқ; хизматдан фойдаланувчи резидент бирлиги бўлиб, хизмат кўрсатувчи резидент бирлиги бўлмаганда олинадиган солиқ.

Импорт божи — муайян турдаги маҳсулотлар иқтисодий ҳудудга кирганда улар учун ҳақ тўлаш мақсадида олинадиган божхона божи ёки бошқа турдаги импорт тўловлари.

Импорт учун субсидия — маҳсулот иқтисодий чегарадан ўтганда, ёки резидентли институцион бирликка хизмат кўрсатилганда товар ва хизмат кўрсатиш учун тўланиши шарт бўлган молиявий ёрдам.

Иш ҳақи — ёлланма меҳнат ходимларига ишга ёлловчи тўлаган, лекин ижтимоий суғурта учун чегирув ўтказмаган меҳнат ҳақи.

Ишга ёлловчилар ижтимоий суғурта учун ажратадиган ҳақиқий ажратмалар — ёлланма ходимлар фойдасига учинчи шахслар учун ёлловчилар ўтказадиган маблағдан, масалан, ижтимоий таъминот жамғармаси, суғурта корпорациялари ёки бошқа турдаги мустақил ва ижтимоий суғурта дастурининг бошқарувига масъул бўлган институцион бирликларга ўтказиладиган маблағлар.

Ишга ёлловчилар ижтимоий суғурта учун шартли ҳисоблаб чиқиладиган ажратмалар — ёлланма ходимлар учун шартли ҳисоблаб чиқиладиган рағбатлантириш маблағи. Бу маблағ аслида (де факто) ижтимоий нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ажратиладиган ижтимоий суғурта пули йиғиндисига тенг бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш солиқлари — ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган ва ўзи сотадиган, бошқаларга берадиган ёки бошқача тарзда ўзи фойдаланадиган маҳсулотларга, товар ва хизматларга солинадиган солиқлар. Булар асосан мулк ёки бинолардан, бошқа турдаги активлардан ёки ердан фойдаланганлик солиғи, агар ишлаб чиқаришда ёки ишчи кучи ёллашда ёлланма ишчи кучига иш ҳақи тўлашда фойдаланилган бўлса, бундай сарф-харажат ҳам ишлаб чиқариш солиғи таркибига киритилади.

Ишлаб чиқариш учун бошқа субсидиялар — субсидиялар резидентли корхоналар у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришда иштирок этганлиги учун олган субсидиялардан ташқари барча субсидиялар.

Ишлаб чиқаришдаги бошқа солиқлар — солиқ корхона у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришда иштирок этганлиги учун солинган солиқдан ташқари барча солиқлар.

Касаначи (надомник) — муайян корхона ёки шу корхонага қарашли ишхоналарда ўз иш жойига эга бўлмаган, тахминий келишув ёки шартнома асосида ишлаб, муайян корхонага муайян миқдорда товар етказиб беришга ёки хизмат кўрсатишга рози бўлган шахс.

Квазикорпорациялар даромадидан чегирма — мулкдан келадиган даромаднинг бир тури. Бундай чегирма квазикорпорация эгасига у корхонага ажратган маблағнинг ҳажмига қараб ажратилади.

Корпорацияларнинг тақсимланувчи даромади — корпорациялашган корхоналар тўлайдиган дивидендлар (фойдалар) ва квазикорпорация корхоналарининг даромадларидан олинадиган чегирмалар.

Маҳсулот солиғи — қандайдир товар ёки хизмат бирлигига солинадиган солиқ.

Маҳсулот учун бошқа субсидиялар — резидентли корхоналар ишлаб чиқарган товарлар ва хизматлар учун бериладиган молиявий ёрдам. Бундай субсидия маҳсулот ишлаб чиқарилганда, сотилганда, бошқаларга ижарага берилганда ёхуд ўз истеъмоли ва жамғариш учун ишлатилганда тўланиши зарур.

Маҳсулот учун субсидия — ишлаб чиқарилган товар ёки кўрсатилган хизмат бирлиги учун бериладиган молиявий ёрдамдир.

Миллий даромад — барча секторлар бирламчи даромадининг умумий қолдиғи.

Мулк даромади — маблағ ёки ноишлабчиқариш активини бошқа институцион бирлик ихтиёрига берганлик учун молия активи ёки ноишлабчиқариш активи соҳиби оладиган даромад мулк даромади дейилади.

Рента — Ноишлабчиқариш моддий активлар (ер, ер ости бойликлари) эгаларига бошқа институцион бирликлар ана шу активлардан фойдаланиш рухсати учун тўлайдиган мулк даромади.

Солиқлар — институцион ва давлат бирликлари томонидан давлат бирликларига пул ёки натура шаклида мажбурий тарзда, қайтариб бермаслик шарти билан тўланалиган тўловлар.

Суғурта полиси (ҳужжатли) эгаларига тегишли мулк даромади — ҳаётни суғурталаштириш резервларини инвестициялаштириш натижасида олинадиган мулк даромади. Шу сабабли бу даромад ана шу полисларни сотиб олган уй хўжаликлари ҳисобига ёзилади.

Субсидия (молиявий ёрдам) — қайтариб олинмайдиган жорий тўлов. Бу тўловни давлат бирликлари ва резидентсиз давлат бирликлари корхоналарга молиявий ёрдам сифатида берадилар. Молиявий ёрдам беришда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти даражаси, у ишлаб чиқарган товар ва хизматнинг миқдори ва қиймати, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматнинг сотилиши ёки импорт қилиниши ҳисобга олинади.

Фоизлар — Ўз қарзини камайтирмасдан муайян давр учун дебитор кредиторга тўлаши шарт бўлган маблағ (қиймат)лар. Бу дебитор билан кредитор ўртасида тузилган молиявий келишув асосида рўй беради.

Фойда ва аралаш даромад — даромадни ҳисоблаб олиш ҳисобида баланслантирувчи (мувозанатлаштирувчи) кўрсаткич. Бу кўрсаткич қўшилган қийматдан ёлланма ходимларга тўланган иш хақи ва тўланадиган ишлаб чиқариш солиғи чегириб ташлангач олинадиган субсидияни қўшиш йўли билан ҳосил қилинади.

Экспорт (четга мол чиқариш) солиғи — товар ёки хизмат учун тўланиши шарт бўлган солиқлардан шаклланади ва товарлар иқтисодий худуддан олиб чиқилганда ёки хизмат резидентлардан ташқари истеъмолчиларга кўрсатилганда олинади.

Экспорт учун субсидия — товарлар иқтисодий ҳудуддан олиб кетилганда ёки резидентсиз бирликларга хизмат кўрсатилганда товар ва хизматлар учун тўланиши зарур бўлган барча молиявий ёрдам йиғиндиси.

Қарздорлик — дебиторнинг кредиторга бўлган омонатлар қийматли қоғозлар (акциялар бунга кирмайди), дебиторнинг

қарзга олган маблағлари (ссудалар) ва бошқа турдаги счётларига нисбатдан бўлган мажбурияти. Булар муайян муддат давомида қарз шаклида баҳоланиши ҳам мумкин.

Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) дан ташқари импорт (мол келтириш) солиғи ва импорт божи — У ёки бу товар миллий ёки божхона чегарасидан ўтаётганда ёки миллий чегара ва божхонанинг иқтисодий ҳудудидан ўтаётганда ёки резидентсиз ишлаб чиқарувчилар резидентли институцион бирликларга кўрсатган хизмати учун тўланадиган солиқлар.

Қўшимча қиймат солиғи ҳамда импорт ва экспорт солиқларидан ташқари маҳсулот солиғи — қуйидагилардан ташкил топади: ишлаб чиқариш, сотиш, бошқаларга ижарага бериш учун резидентлар корхоналарида тайёрланган ва солиқ тўланиши шарт бўлган маҳсулот ва хизмат солиқлари. Бундай товар ёки хизмат ўз истеъмолига ва жамғарма шаклида ишлатилган бўлиши ҳам мумкин.

Қўшимча қиймат солиғи ва бождан ташқари импорт солиқлари — солиқ тўланиши шарт бўлган қўшимча қиймат солиғи ва импорт божидан ташқари, агар товар иқтисодий ҳудудга келиб тушганда ёки хизматлар резиденти бўлмаган бирликлар томонидан резидентларга кўрсатилганда олинадиган барча солиқлардан таркиб топади.

Қўшимча қиймат солиғи тарзидаги солиқлар — солиқ товар ва хизматларга солинади, корхона томонидан босқичма-босқич йиғиб олинади, лекин оқибат натижада пировард сотиб олувчилар томонидан тўланади.

Ўзини ўзи банд этувчи шахс. Бундай шахс ўзи меҳнат қиладиган корпорациялашмаган корхоналарнинг шахсий ёки шерик мулкдори ҳисобланади, аммо квазикорпорациялар деб баҳоланувчи корпорациялашмаган корхоналар бундан истисно.

5. Даромадларнинг такрор (иккиламчи) тақсимланишига боғлиқ асосий атамалар

Бошқа жорий трансфертлар — резидент институцион бирликлар ўртасидаги ёки резидент ва норезидентлар ўртасидаги трансфертларни ўз ичига олади. Даромад жорий солиқлари, бойлик учун солиқлар ҳамда ижтиомий суғурта, ижтимоий нафақа ва ижтимоий ёрдам нафақаси ажратмалари истиснодир.

Бошқа жорий трансфертлар — резидент институцион бирликлар ёки резидент ва резидентсиз бирликлар ўртасида рўй берадиган трансфертлар.

Жорий ҳалқаро ҳамкорлик — турли мамлакатлардаги давлат бирликлари ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги пул ёки натура шаклида рўй берадиган жорий трансфертларни ўз ичига олган ҳамкорлик.

Мавжуд даромад — такрор тақсимланувчи даромад ҳисоби (счети)даги баланслантирувчи модда. Бу модда институцион бирлик ёки бирламчи даромади қолдиғига барча жорий трансфертларни (мазкур бирлик ёки секторларнинг натура шаклидаги ижтимоий трансферти бунда мустасно) қўшиш ҳамда бу бирликлар ва секторлар томонидан натура шаклида тўланадиган ижтимоий трансфертларни чегириб ташлаш натижасида ҳосил бўлади.

Мавжуд миллий даромад — ялпи ёки мавжуд соф миллий даромад ялпи ёхуд соф миллий даромадга пул ёки натура шаклидаги барча жорий трансфертларни қўшиш йўли билан чиқарилади. Бу даромад резидент институцион бирликлар томонидан норезидент бирликлардан олинади. Ана шу кўрсаткичдан резидент институцион бирликлар томонидан пул ёки натура шаклида норезидент бирликларга тўланган барча жорий трансфертлар чиқариб ташланади.

Натура шаклидаги трансферт. Товар ёки актив эвазига бевосита мулк берилса, натура шаклидаги трансферт рўй беради. Бу турдаги трансфертда нақд пул иштирок этмайди, кўрсатилган хизмат учун эквивалент сифатида ҳеч нарса қайтарилмайди.

Пул шаклидаги трансферт — бир бирлик томонидан иккинчи бирликка эквивалентсиз пул тўлови, ёхуд ўтказилган омонат пули.

Трансферт — бир институцион бирлик бошқа институцион бирликка эквивалент сифатида бирор турдаги товар, хизмат ёки актив олмасдан товар, хизмат ёхуд актив етказиб бериш.

Умумдавлат бошқарувн сектори ичидаги жорий трансфертлар — турли давлат бирликлари ёки умумдавлат бошқарувининг турли секторчалари ўртасидаги жорий трансфертлар.

Хизмат ҳақи чегирилган ҳаёт суғуртасига боғлиқ бўлмаган суғурта товони — ҳаёт суғуртаси билан боғлиқ бўлмаган, хизмат ҳақи чегириб ташланган, таваккалчилик туфайли рўй берадиган хавф-хатарда суғурта ҳимоясидан фойдаланиш учун тўланадиган ҳақ йиғиндиси. Бу товон учинчи томон мажбурияти, товар ёки мулкнинг шикастланиши, унга зарар етиши, турли тасодифлар туфайли (тўқнашиш, авария, тошқин, сувга чўкиш, ёнғин, касаллик, ўғирлик, зўрлик), ёхуд касаллик, бах-

тсиз ҳодисалар, ишсизлик сингари воқеалар туфайли даромаднинг камайиши оқибати ҳисобланади.

Ҳаёт суғуртасига боғлиқ бўлмаган суғурта тўловлари — жорий хисобот даврида тўланиши лозим бўлган ҳаёт суғуртасидан ташқари суғурта полисини тартибга солиш туфайли тўланадиган тўловлар.

6. Даромадлардан фойдаланишга боғлиқ асосий атамалар

Бошқа жорий солиқлар — вақти билан, одатда бир йилда бир марта тўланадиган турли хил солиқлардан таркиб топади. Бу солиқларнинг энг кўп тарқалган тури қуйидагилардан иборат: жон боши солиғи, буромад (ҳаражат) лар солиғи, олинган айрим рухсатномалар учун уй хўжалиги тўловлари, молия ва капитал маблағ операцияси (муомаласи) солиғи, тўғри герб йиғимлари ва халқаро операциялар солиғи.

Буромадлар (ҳаражатлар) — Товар сотиб олувчилар ёки пуллик хизматдан фойдаланувчилар сотувчиларга ёки харидорларнинг хоҳиши билан бошқа институцион бирликларга товар ёки кўрсатилагн хизмат эгасига тўланадиган ҳақ йиғиндиси.

Даромад солиғи — даромадлар, фойдалар нархлар ўзгариши туфайли кўпайган капитал қийматига солинади. У алоҳида шахслар, уй хўжаликлари, нотижорат ташкилотлари ёки корпорациялар ҳақиқатда олган ёки олиш эҳтимоли бўлган солиқларидан таркиб топади.

Даромад, бойлик ва бошқалар учун жорий солиқлар — асосан уй хўжалиги ва корпорацияларнинг даромадлари, бойликлари сингари бошқа турдаги киримларига солинадиган солиқлар.

Ёлланма ходимларга махсус жамғармасиз (фонд) бериладиган ижтимоий суғурта нафақаси — ижтимоий суғурта бўйича бериладиган нафақа ёлловчилар, ижтимоий суғурта дастури бошқарувчилари томонидан махсус жамғарма ташкил этмасдан, ўз ходимларига, уларнинг боқимандаларига ва ўз бошқарувчисини йўқотган шахсларга тўланадиган нафақалардан иборат бўлади.

Ёлланма ходимларнинг ижтимоий суғурта ажратмаси — ижтимоий таъминот жамгармаларига, суғурта корхоналарига, ёки бошқа турдаги институцион бирликларга фаровон таъминлаш учун ижтимоий суғурта дастури бошқаруви раҳбарларига ёлланма ходимлар тўлайдиган ижтимоий суғурта ажратмаси.

Ёлловчиларнинг ижтимоий суғурта учун шартли тарзда ҳисобланган ажратмаси — ходимлар учун ижтимоий суғуртага тенг миқдорда шартли ҳисоблаб чиқилган рағбатлантириш маблағи. Бу маблағ улар ҳақиқий ҳуқуқий тарзда жамғарадиган ижтимоий ёрдам пули ажратмаси эҳтиёжи учун талаб этилади.

Ёлловчиларнинг ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмалари — суғурта корхоналарига ёки бошқа турдаги институцион бирликларга, ўз ходимларини нафақа билан таъминлаш учун ижтимоий суғурта дастури бошқарувига ёлловчилар томонидан бевосита ижтимоий таъминот жамғармасига ижтимоий суғурта эвазига тўланадиган ажратмалар.

Жамғариш — мавжуд даромаддан фойдаланиш ҳисобида баланслантирувчи модда. Бу модда мавжуд даромаднинг пировард истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар учун ҳали сарфланмаган қисмини кўрсатади.

Жамоа истеъмол хизмати — айни бир вақтда жамиятнинг барча аъзоларига, ёки алоҳида ижтимоий гуруҳ аъзоларига, масалан, муайян туманда яшовчи уй хўжаликларига кўрсатиладиган хизмат.

Ижтимоий ёрдам нафақаси — пул ёки натура шаклида давлат бирликлари ёки нотижорат ташкилотлар томонидан уй хўжаликларига ижтимоий суғурта тарзидаги эҳтиёжларни қондириш учун, лекин ижтимоий суғурта дастуридан ташқари тўланадиган жорий трансфертлар.

Ижтимоий нафақалар — ижтимоий нафақалар ижтимоий суғурта нафақаси ва ижтимоий ёрдам нафақаси.

Ижтимоий суғурта дастури. Ижтимоий суғурталар учун ёлланма ходимлар, бошқа шахслар, ёки ўз ёлланма ходимлар учун ёлловчилар тўлайдиган ажратмалар ва тўловлар. Бу ажратмалар ва тўловлар ходимлар ва бошқа омонатчилар ҳамда уларга боқимонда шахсларнинг, ўз боқувчисини йўқотган кишиларнинг ижтимоий суғуртага бўлган ҳуқуқини маблағ билан таъминлайди.

Ижтимоий суғурта ажратмаси — ёлловчилар, ёлланма ходимлар, ўз-ўзини иш билан банд қилувчи шахслар иш билан банд бўлмаган шахслар ижтимоий суғурта дастури учун тўлайдиган тўловлардан таркиб топади.

Ижтимоий суғурта нафақаси — ижтимоий таъминот фондлари, суғурта корхоналари, ёлловчилар ёки бошқа институцион бирликлар томонидан ижтимоий суғурта дастурига биноан

хуқуқли ҳисобланган уй хўжаликларга пул ёки натура шаклида тўланадиган жорий трансфертлар.

Ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмалар — ажратмалар ёлловчилар, ёлланма ходимлар, ўз-ўзини иш билан банд қилувчи ва иш билан банд бўлмаган шахслар ижтимоий суғурта учун тўлайдиган ажратмалардан таркиб топади.

Индивидуаль товар ёки хизмат — шундай товар ёки хизматки, улар уй хўжаликлари томонидан муайян уй хўжалиги аъзоларининг эҳтиёж ва хоҳишларини қондириш учун харид қилинади.

Истеъмол — товар ёки хизматлардан шахсий (индивидуаль) ва жамоа тарзида инсон эҳтиёжи ва хоҳишини қондириш.

Истеъмол моллари ва хизмат — уй хўдаликлари, нотижорат ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариш жараёнида, тизимда кўрсатилганидек, қўшимча ўзгартиришсиз фойдаланиладиган товар ва хизматлар. Бундай фойдаланиш уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи субъектлар, шахсларни бевосита эҳтиёжи ва хоҳишини ёки жамият аъзоларининг умумий эҳтиёжларини қондирувчи умумдавлат бошқарув бирликлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Капитал жорий солиғи — институцион бирликларнинг мулкига ёки бойлигининг соф қийматига вақт-вақти билан одатда бир йилда бир марта тўланадиган солиқдир. Корхоналарга қарашли ёки улар ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун ижарага олган ерлар ёки бошқа турдаги активларга солинадиган солиқлар бундан мустаснодир. Бундай солиқлар бошқа турдаги ишлаб чиқариш солиғи жумласига киради.

Мавжуд маҳсулот — ўтган ёки жорий йил (давр) да ишлаб чиқарилган ёхуд импорт асосида келтирилиб товардан фойдаланувчига берилган маҳсулот.

Натура шаклидаги асосий трансферт. Агар трансфертда мулк актив учун берилса натура шаклидаги асосий трансферт рўй берган бўлади. Бундан моддий айланма воситалар заҳираси мустаснодир.

Натура шаклидаги ижтимоий трансферт — умумдавлат бошқарувининг индивидуаль истеъмоли, ижтимоий таъмионт ва нотижорат ташкилотларнинг жамғармалари тизими таркибидаги натура тарзидаги ижтимоий трансфертлар.

Натура шаклидаги ижтимоий трансфертдан ташқари ижтимоий нафақалар — ижтимоий таъминотда натура билан бериладиган нафақалар ҳамда нафақа сифатида натура билан бериладиган ижтимоий ёрдамлар. Бу қоидадан ижтимоий таъминотда

натура шаклида бериладиган нафақалар ҳамда ижтимоий ёрдам сифатида натура билан бериладиган нафақалар истиснодир.

Нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмол харажатлари — Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмол харажатлари НТТ нинг истеъмол товарлари ва хизматлар учун қилинган харажат.

Пенсия жамғармаларида активлар соф қиймати ўзгариши туфайли киритиладиган тузатиш. Бу тузатиш ижтимоий суғурта ажратмаси ва пенсия бўйича ижтимоий нафақа ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқилади.

Пировард истеъмол учун уй хўжаликларининг харажатлари. Бу харажатлар резидент уй хўжаликлари товар ва хизматларнинг пировард истеъмоли учун қиладиган харажатлардан таркиб топади.

Пировард истеъмолга умумдавлат бошқаруви харажатлари — умумдавлат бошқаруви секторининг истеъмол моллари ва кўрсатилган хизмат учун қилинган харажатлар.

Пул шаклидаги асосий трансферт — бирор нарса сотиб олиш ёки активларни (моддий айланма воситалар заҳираси бундан мустасно) бошқаларга бериш билан боғлиқ пул шаклидаги трансферт дейилади.

Пул шаклидаги ижтимоий ёрдам нафақаси — уй хўжаликларига давлат бирликлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан нақд пул шаклида бериладиган жорий трансфертлар. Бу нафақа ижтимоий суғурта нафақаси қандай мақсадни кўзда тутса, ўша мақсадни кўзда тутади. Лекин пул шаклидаги ижтимоий ёрдам нафақаси ижтимоий суғурта дастури ҳисобидан берилмайди.

Пул шаклидаги ижтимоий таъминот нафақаси — ижтимоий таъминот жамғармалари томонидан уй хўжаликларига пул шаклида тўланадиган ижтимоий суғурта.

Солиқлар — институцион бирликлар томонидан давлат бирликларига пул ёки натура шаклида мажбурий тарзда бадалсиз тўланадиган тўловлар.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товар — бир йил ёки ундан кўпроқ муддат давомида физик жиҳатдан нормал ёки ўртача даражада фойдаланилганда доим ёхуд кўп марта ишлатиладиган товар.

Узоқ фойдаланиладиган истеъмол моллари — истеъмол эҳтиёжи (мақсади)ни бир йил ёки ундан узоқроқ муддатга кўп марта ёки доимо қондириш учун мўлжалланган товарлар.

Хусусий жамғармаларнинг ижтимоий суғурта нафақаси — суғурта корхоналари ёки бошқа турдаги институцион бирликлар, ижтимоий суғурта хусусий дастури бошқарувчилари томонидан уй хўжаликларига тўланадиган нафақа.

Эгалик қилиш мумкин бўлган даромад (мавжуд даромад) — институтцион бирлик муайян ҳисобот даврида ўзининг нақд пулини активларини камайтирмасдан ёки пассивларини кўпайтирмасдан товар ва хизматларнинг пировард истеъмоли учун сарфлаши мумкин бўлган максимал даромад йиғиндисига эгалик қилиш мумкин бўлган даромад.

Қийматлар — вақт ўтиши билан нурамайдиган (тўзимайдиган), истеъмол ёки ишлаб чиқаришда ишлатилмайдиган, асосан қийматни сақлаш воситаси сифатида харид қилинадиган, узоқ муддат давомида фойдаланиладиган қимматбаҳо товарлар.

Ўзи-ўзини иш билан банд қилувчи ва иш билан банд бўлмаган шахсларнинг ижтимоий суғурта ажратмаси — ёлланма ходим бўлмаган, яъни ўз-ўзини иш билан банд қилувчи ва иш билан банд бўлмаган шахслар томонидан ўз шахсий фаровонлигини таъминлаш учун тўлайдиган ижтимоий суғурта ажратмаси.

7. Натура шаклидаги ижтимоий трансфертларга боғлиқ асосий атамалар

Бозорга носит индивидуал товарлар ва хизматлар — умумдавлат бошқаруви бирлигининг бозорга носит ишлаб чиқарувчилари ёки нотижорат ташкилотлар (НТТ) томонидан ёлғиз уй хўжаликларига бепул ёки унчалик иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган баҳоларда бериладиган товарлар ва хизматлар.

Ижтимоий таъминот нафақаси ва тўловлари — уй хўжаликлари томонидан муайян товар ёки хизмат учун қилинган ва рухсат этилган харажатларнинг ижтимоий таъминот жамғармалари томонидан натура шаклидаги тўловлар.

Натура шаклидаги бошқа ижтимоий таъминот нафақалари. Бу нафақалар натура шаклидаги ижтимоий трансфертларни ўз ичига олади. Ижтимоий таъминот жамғармалари томонидан уй хўжаликларига тўлов сифатида берилган нафақалар бундан мустаснодир.

Натура шаклидаги ижтимоий ёрдам нафақаси — умумдавлат бошқарув бирликлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан уй хўжаликларига натура шаклида бериладиган трансфертлар. Бу

нафақа ўз табиати билан натура шаклидаги ижтимоий таъминот нафақасига ўхшаб кетса-да, ижтимоий таъминот дастури доирасидаги нафақа ҳисобланмайди.

Натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар — умумдавлат бошқаруви бирликлари (ижтимоий таъминот жамғармалари ҳам қўшилади) ва нотижорат ташкилотлар натура шаклидаги трансфертлар сифатида ёлғиз уй хўжаликларига индивидуал товар ва хизмат шаклида етказиб берадиган трансфертлар. Натура шаклидаги бу трансфертлар бозорда сотиб олинган ёки бозорга мўлжалланмаган маҳсулот сифатида умумдавлат бошқарув бирликлари ёки нотижорат ташкилотларда ишлаб чиқарилган бўлиши ҳам мумкин.

Тузатиш киритилган мавжуд даромад — институцион бирлик ёки секторнинг мавжуд даромадига шу бирлик ва сектор олган натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар қийматини қўшиш ва ундан шу бирлик ва сектор берган натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар қийматини чегириб ташлашгандан сўнгги даромад.

Уй хўжаликларининг ҳақиқий пировард истеъмоли. Уй хўжаликларининг ҳақиқий пировард истеъмоли индивидуал уй хўжаликлари ўз харажатлари ҳисобига ёки ижтимоий трансфертлар орқали умумдавлат бошқарув бирликлари ва нотижорат ташкилотлардан натура шаклида оладиган истеъмол моллари ва хизматлар уй хўжаликларининг ҳақиқий пировард истеъмоли саналади.

Умумдавлат бошқарувининг ҳақиқий пировард истеъмоли — Умумдавлат бошқаруви бирликларининг ҳақиқий пировард истеъмолнинг қиймати жамоага кўрсатилган хизмат харажатлари қийматига тенг деб қабул қилинади.

8. Капиталга боғлиқ асосий атамалар

Асосий капитал — ишлаб чиқариш жараёнида бир йилдан ошиқ муддат ичида кўп марта ёки доимий тарзда бевосита ишлатилган капитал.

Жамғариш ва капитал трансфертлар туфайли хусусий капитал соф қийматининг ўзгариши. Капитал муомаласи ҳисобидаги манбаи хусусий капитал ёки бирликнинг соф қиймати ўзгарганлигини кўрсатади. Бу ўзгариш жамғариш ва капитал трансфертлари туфайли рўй беради.

Иқтисодий актив. Бу шундай иқтисодий объектки, унга институцион бирликлари қонун бўйича ёлғиз ёки жамоа тартибида мулкка эгалик қиладилар ва ана шу эгалик ёки ундан фойдаланиш туфайли мулкдор ёки мулкдорлар муайян давр мобайнида иқтисодий манфаат (самара) кўрадилар.

Моддий айланма воситалар заҳираси — келгусида қайта ишлов бериладиган, сотиладиган, бошқа бирликлар ихтиёрига бериладиган ёки бошқа усулда фойдаланиладиган, шунга қадар ишлаб чиқарувчи ихтиёрида турадиган воситалардан ҳамда бошқа бирликлардан сотиб олинадиган ва оралиқ истеъмолда ёки келгусида қайта ишлов бермасдан қайта сотишга мўлжалланган маҳсулот.

Молия активлари ва пассивлари. Бундай молиявий мажбуриятлар кредити учун молиявий активдан ва қарздор учун молиявий пассивдан иборат бўлади. Барча молиявий активлар молиявий мажбуриятдан келиб чиқадилар, аммо монетар олтин ва Халқаро валюта жамғармасининг қарз олиш махсус ҳуқуқи ҳам, гарчанд улар учун тегишли молия манбалари бўлмаса-да, молиявий актив сифатида қаралади. Бундан ташқари корпорацияларининг акциялари ва дериватлар деб номланувчи муайян турдаги молия омиллари (инструментлари) ҳам молиявий актив саналади.

Молиявий мажбурият — бир институцион бирлик бошқа бирликка маблағ берганда ва ана шу маблағга эгалик қилувчи бошқа институцион бирлик (кредитор) бошқа бирликдан, яъни қарздордан, бир қатор тўлов ёки тўловлар олганда рўй беради. Бундай муомалалар ўзаро тузилган шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ноишлабчиқариш активлари (ишлаб чиқарилмаган активлар) — ишлаб чиқариш жараёнининг маҳсули.

Номолиявий активлар — Молиявий активлар йиғиндисига киритилмаган барча иқтисодий активлар.

Соф кредитлар ёки қарзлар. Капитал билан бўладиган муомала ҳисобининг баланслантирувчи моддаси (натижаси) соф кредитлар ёки қарзлардан иборат бўлади; бу модда молия билан таъминлаш манбаининг номолиявий активлар харажатига нисбатан ошиқ ёки камлигини кўрсатади.

Ялпи жамғариш — жорий даврда ишлаб чиқарилган ва ана шу даврда истеъмол қилинмаган товар ва хизматларни резидент бирликлари томонидан фақат сотиб олиниши натижасида шаклланган жамғарма.

Яратилган активлар — Тизимда ишлаб чиқариш доирасида яратилган номолиявий активлар.

Қимматбаҳо товарлар — юксак қийматли товарлар. Бу товарлар асосан ишлаб чиқариш ёки истеъмол мақсадида ишлатилмайди, аммо улардан қийматни узоқ вақт сақлаш восита сифатида фойдаланилади, чунки уларнинг қиймати нархларнинг умумий даражасига нисбатан камаймаслиги назарда тутилади.

Адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида -- Т.: «Ўзбекистон», 1995.
2. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва истиқболининг асосий тамойиллари. — Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.
3. Государственная программа перехода республики Узбекистан на принятию в международной практики систему учета и статистики Экономика и статистика. 1995, №1-2.
4. СНС-инструмент макроэкономического анализа. Учебное пособие под.ред. Ю. Н. Иванова. Москва, «Финстатинформ», 1996, 285 б.
5. Статистика: национальнўе счета, показатели и методў анализа. Справочное пособие. под.ред. И. Е. Теслюка. Мн.: БГЭУ, 1995, 376 б.
6. Набиев Х., Набихўжаев А., Махмудов Б. «Миллий ҳисоблар тизими». Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 1998 г. — 107 б.
7. Экономическая статистика: Учебник/ под. ред. Ю.Н. Иванова М.: ИНФРА - Москва, 1998. 480 б.
8. Национальное счетоводство. Учебник/ под.ред проф. Г. Д. Кулягиной. Москва, «Финансы и статистика», 1997.

МУНДАРИЖА

Сўз боши. 3

I БОБ. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФНОМАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1 Миллий ҳисоблар услубининг умумий тавсифномаси. 4
1.2. Миллий ҳисобларни услубининг шаклланиши, йўналишлари ва предмети. 5
1.3. Баҳолар тизими ва уларнинг шаклланиши. 7
1.4. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий агентлар категориялари. 10
1.5. Иқтисодий амаллари ва МҲТ нинг асосий кўрсаткичлари. . 14
1.6. МҲТда ҳисоб-китоб категориялари. 17
1.7. БМТ нинг миллий ҳисоблар тизими ва айрим миллий тизимларнинг хусусиятлари. 19

II БОБ. МҲТ ДА АНИҚЛАЙДИГАН АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

2.1. МҲТ нинг асосий агрегатлари. 21
2.2. МҲТ нинг муҳим иқтисодий кўрсаткичлари орасидаги муносабатлар. 26

III БОБ. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДАГИ ҲИСОБЛАР ТАРКИБИ

3.1. Иқтисодий секторлар ҳисоблари. 28
3.2. Жамғарма ҳисоблари. 49
3.3. Иқтисодий тармоқлар ва амаллар ҳисоблари. 56
Миллий ҳисоблар тизими атамалари бўйича қисқача луғатлар. ... 64
Адабиётлар. 86

А. АБДУҒАФАРОВ, М. Ш. ЗОКИРОВА, А. Р. ҚОРАБОЕВ

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент — «Молия» нашриёти — 2002

Муҳаррир	*З. Тоҳиров*
Мусаҳҳиҳ	*Ш. Миркомилов*
Техник муҳаррир	*А. Мойдинов*
Компьютерда саҳифаловчи	*Ф. Қорахонова*

Босишга рухсат этилди 25.01.2002 й. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. «TimesUZ» ҳарфида терилиб, офсет усулида босилди. Босма табоғи 5,5. Нашриёт ҳисоб табоғи 5,2. Адади 1000. Буюртма №50. Баҳоси шартнома асосида

«Молия» нашриёти, 700000, Тошкент, Якуб Колас кўчаси, 16-уй. Шартнома №10—02.

«ДИТАФ» босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш. Олмазор кўч. 171 уй.